АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

НАЦИОНАЛЬНАЯ БИБЛИОТЕКА УЗБЕКИСТАНА ИМЕНИ АЛИШЕРА НАВОИ

# БЕТГЕРХОНЛИК — 2005

Давра суҳбати материаллари тўплами



# БЕТГЕРОВСКИЕ ЧТЕНИЯ — 2005

Сборник материалов круглого стола

Тошкент - 2006

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

НАЦИОНАЛЬНАЯ БИБЛИОТЕКА УЗБЕКИСТАНА ИМЕНИ АЛИШЕРА НАВОИ

# *Бетгерхонлик — 2005*

*Давра суҳбати мавзуси:*

## “КУТУБХОНАЧИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ”

*“Бетгеровские чтения —2005”*

*Сборник материалов круглого стола:*

## «ПОДГОТОВКА, ПЕРЕПОДГОТОВКА И ПОВЫШЕНИЕ КВАЛИФИКАЦИИ БИБЛИОТЕЧНЫХ КАДРОВ»

Библиотека
СамСХИ
инв. №

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент — 2006

78.34(5у)
К96

Илмий ва маркетинг тадқиқотлари булими томонидан тайёрланди

**Таҳрир кенгаши:** А.О.Умаров, И.З.Маминова, У.Ф.Каримов.

К96 "Кутубхоначи кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш": Давра суҳбати материаллари – "Подготовка, переподготовка и повышение квалификации библиотечных кадров»: Материалы круглого стола / Таҳрир кенгаши: А.О.Умаров, И.З.Маминова, У.Ф.Каримов. – Т, 2005.-165бет-(2005 Бетгерхонлиги). Сарлавҳада: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. Муқова, тит.в., матн ўзб. ва рус. тилларида.

ББК 78.34(5у)

Ушбу маъруза ва тезислар 2005 йилнинг 23 декабрида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бўлиб утган "Кутубхоначи кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш" давра суҳбати иштирокчилари – Тошкент шаҳри кутубхоналари раҳбарлари, кутубхоначи-амалиётчилар, Абдулла Қодирий номли Тошкент Давлат маданият институти педагоглари фикр-мушоҳадалари асосида тайёрланди. Реферат, ахборот, нутқлар шаклида тузилган бу туплам Республикамиз кутубхоначилик соҳаси жамоатчилиги учун фойдадан ҳоли булмайди, деган умиддамиз.

**©Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон**
**Миллий кутубхонаси-2006 й**

# СЎЗ БОШИ

Кутубхоначилик ишининг ривожланиши кутубхоначи кадрлар тайёргарлик даражаси ва сифатига боғлиқдир. Ўзбекистондаги олий таълим тизими, жумладан кутубхоначилар тайёрлаш тизими ҳам эскириб қолган усуллар ва услублар асосида ривожлана олмайди. Янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига татбиқ қилиш, замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш, кадрлар тайёрлаш соҳасида янги ёндошувларнинг пайдо бўлишига ва таълим тизимининг самарали бўлишига катта имкониятлар яратади.

Мамлакатимиздаги ва чет эллик кўплаб мутахассисларнинг фикрича, бугунги кунда олий ўқув юртини тугаллаётган битирувчилар ҳозирги кунда фойдаланилаётган ва беш йил кейин кутубхона-ахборот тизимларида фойдаланишга мўлжалланаётган барча турдаги дастурий-техник воситалардан фойдалана билиши лозим.

Олий касбий таълим, мутахассислар тайёрлашнинг асосий бўғинларидан биридир ва у ҳар бир давлатнинг анъаналари ва ўзига хос хусусиятлари асосида шаклланади. Ўзбекистоннинг жаҳон ахборотлар фазосига фаол кириб бориши Республика ҳаётининг барча соҳаларида ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди, жумладан ахборот технологияларини татбиқ қилишга катта эътибор берила бошланди. Кутубхоналарнинг таълим тизимидаги ўрни ва мавқеи ҳамда бажарадиган вазифалари, электрон кутубхоналар, кутубхоналарни автоматлаштириш тўғрисидаги бир қатор мақолалар республиканинг вақтли матбуотида ва илмий журналларида эълон қилинди. Бу ҳолат республика жамоатчилигининг кутубхоначилик ишига бефарқ эмаслигини кўрсатмоқда.

Мустақиллик йилларидаги иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан кутубхоначи кадрлар тайёрлашда бир қатор ютуқларга эришилди:

— “Кутубхонашунослик ва ахборот тизимлари” таълим йўналиши бўйича “Давлат таълим стандарти” ишлаб чиқилди ва ўқув жараёнига тадбиқ қилинди;

— 2001—2002 ўқув йилидан бошлаб янги ўқув режаси ишлаб чиқилди ва бугунги кундаги ўқув жараёни такомиллаштирилган янги режа асосида олиб борилмоқда;

— Янги укув режасига мос равишда, укув амалиётига киритилган янги фанларнинг укув дастурлари ишлаб чиқилди. Ахборот тизимлари ва тармоқлари, халқаро MARC форматлар, автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тизимлари каби бир қатор янги фанлар укув амалиётига жорий қилинди. Янги укув дастурларида янги педагогик технологиялар ва замонавий ахборот технологияларига кенг урин ажратилди. Янги укув дастурлари асосида барча профессор-укитувчилар уз маъруза матнларини янгиладилар;

— Талабалар билимини баҳолашнинг янги такомиллаштирилган рейтинг усули жорий қилинди;

— Кутубхоначилик иши буйича бир қатор укув қулланмалари ва услубий курсатмалар чоп қилинди, жумладан, М.А.Рахматуллаевнинг "Информационные технологии в библиотеках" номли монографияси фақатгина талабалар учун укув қулланма бўлиб қолмасдан балки уз кутубхоналарини автоматлаштиришга киришган кутубхоначилар учун ҳам зарур манбага айланди. Монография Қирғизистон Республикасида рус ва қирғиз тилларида нашр қилинди;

— Кутубхоначи кадрлар тайёрлашда ута зарур булган бир қатор даврий нашрларга обуна булинди ва керакли китоблар Россиядан сотиб олинди;

— Кутубхоначилар тайёрлашга мўлжалланган республикамиздаги ягона факультетнинг моддий техник базасини мустаҳкамлашга эътибор берилди, жумладан, факультетда амалий-лаборатория машғулотларини олиб бориш учун компьютерлаштирилган синф ташкил қилинди. Мазкур компьютерлаштирилган синф локал тармоққа бирлаштирилган бўлиб у интернет тармоғига уланиш имкониятига эга;

— Факультет талабалари учун Интернет ресурсларидан бепул фойдаланиш имкониятлари яратилди;

— Ривожланган мамлакатлардаги кутубхоначилик соҳасида педагогик фаолият олиб борувчи профессорларнинг Узбекистонга тажриба алмашиш ва маърузалар ўқиш мақсадида таклиф қилиниши ҳам кутубхоначилик таълимидаги ижобий ишлардан бири бўлди. Германиянинг Лейпциг шаҳридаги "Кутубхоначилик ва информация" институтининг профессори Диетмар Куммернинг "Кутубхона ахборот фаолиятини бошқарув" факультетида ўқиган маърузалари фақат талабалар учунгина эмас балки Ўзбекистонлик профессор-укитувчилар учун ҳам жуда фойдали бўлди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ташаббуси билан ҳар йили утказилаётган "Бетгерхонлик" давра-

суҳбатининг 2005 йилдагиси "Кутубхоначи кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш"мавзусига бағишланди. Олатдагидек давра суҳбатига кутубхоначилик соҳасида тадқиқот олиб борувчи олимлар, йирик кутубхоналарнинг раҳбарлари, мутахассислар ва Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг профессор-уқитувчилари, магистрлари ва аспирантлари таклиф қилинди.

Давра суҳбатини Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг директори, социология фанлар доктори А.А.Умаров узининг кириш сузи билан очиб берди. Давра суҳбатида кутубхоначи амалиётчилар томонидан сўзга чиққан, миллий кутубхона директорининг илмий ишлар буйича уринбосари И.З.-Маминова, Республика Фанлар академиясининг асосий кутубхонаси директорининг илмий ишлар буйича муовини Д.Қудратова, ёшлар ахборот ресурслар макази раҳбари Л.Б.Горбуновалар замонавий кутубхоначига қандай талаблар қуйилмоқда, кутубхоначилик амалиётига бугунги кунда жуда зарур булган кутубхоначи библиографлар қандай билим, куникма ва малакаларга эга булишлиги туғрисидаги уз фикрларини баён қилдилар. Давра суҳбатида Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти "Кутубхона-ахборот фаолиятини бошқарув" факультетининг кафедра мудирлари т.ф.д., профессор М.З.Якубова, п.ф.н., профессор Э.Й.Йулдошев, п.ф.н., доцент М.Х.Маҳмудовлар ва факультетнинг етакчи доцентлари А.Ш.Муҳаммадиев, И.В.Долгополова, А.П.Коваленка ҳамда факультет декан уринбосарлари Қ.Қодиров ва М.Матмуродоваларнинг кутубхоначи кадрлар тайёрлаш жараёни тўғрисидаги фикрлари тингланди ва муҳокама қилинди.

Давра суҳбатини ташкил қилиш жараёнида Миллий кутубхонанинг "Илмий ва маркетинг тадқиқотлари" булими томонидан "Кутубхоначи кадрлар тайёрлашнинг аҳволи ва кутубхоначи кадрларга қуйиладиган талаблар" мавзусида суров утказилди. Давра суҳбатида мазкур булим мудири т.ф.н., доцент У.Каримовнинг суров натижасида олинган натижалар туғрисидаги ахбороти тингланди. Тошкент шаҳридаги 10 та йирик кутубхоналардан олинган "кутубхоначи кадрлар тайёрлаш сифати ва тайёргарлик даражаси" туғрисидаги маълумотлар қизғин баҳс мунозараларга сабаб булди.

Давра суҳбатида илмий педагогик кадрлар тайёрлаш туғрисида ҳам фикрлар билдирилди. Профессор уқитувчилар малакасини ошириш учун МДҲ даги йирик кутубхоналар ва махсус олий уқув юртлари имкониятларидан фойдаланиш таклифи уртага ташланди.

Давра суҳбати якунида, Миллий кутубхонанинг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари И.З.Маминова томонидан давра суҳбатида таклиф қилинган тавсия ва таклифлар умумлаштирилди, тегишли хулосалар чиқарилди ҳамда ўқув жараёнида давра суҳбати натижаларидан унумли фойдаланиш тавсия қилинди.

Маърузалар, маърузалар тезислари ва мақолалар муаллифлар томонидан тақдим этилган шаклда тўпламга киритилган.

Эътиборингизга тақдим қилинаётган тўплам кутубхоначилар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари, магистрлар ва аспирантлари ҳамда ўқитувчилари учун муҳим ахборот манбаи бўлиб хизмат қилишига умид билдирамиз.

Таклиф ва мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга жўнатишингизни сўраймиз:

700047, Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси 51-уй.
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси,
"Илмий ва маркетинг тадқиқотлари" бўлими.
Маълумотлар учун телефон:
(99871) 139-45-42; 139-43-41;
E-mail: ufk4@mail.ru

## I. КУТУБХОНАЧИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ: МУАММОЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

## I. ПОДГОТОВКА И ПЕРЕПОДГОТОВКА БИБЛИОТЕЧНЫХ КАДРОВ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ

УМАРОВ.А.А
Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
директори, социология фанлари доктори

### МАМЛАКАТ КУТУБХОНАЧИЛИГИ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

Республика Президентининг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисидаги" қарорини мамлакатимиз кутубхоначилик ишга татбиқ ықилиш тўғрисида муаллифнинг фикрлари баён қилинган. Ахборот-кутубхона маркази ва ахборот-ресурс марказининг вазифалари кўрсатилган.

Рассматриваются вопросы реализации на практике Постановления Президента Республики Узбекистан от 20 июня 2006 года «Об организации информационно-библиотечного обеспечения населения республики». Раскрываются задачи и требования, предъявляемые к созданию новой системе информационного обслуживания населения через информационно-библиотечные центры и сети информационно-ресурсных центров.

The author gives his opinion on how it is possible to realize in practice the Decision of the President of Republic Uzbekistan from 20th June 2006 «About the organization of a supply with information-library of the population of republic». It is considered tasks and requirements for creation of new system of information service of the population through information - library centers and networks of information - resource centers.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори мамлакатимиз кутубхоначилиги тарихида туб бурилиш ясайдиган ҳужжат бўлди.

Мазкур қарорда нафақат кутубхоначилик тизимида, балки бутун республика ахборот инфратузилмасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош омиллари акс этган. Қарорга мувофиқ, вилоятлардаги илмий-универсал кутубхоналар негизида ахборот-кутубхона марказлари ҳамда туман, шаҳар ва қишлоқлардаги оммавий кутубхоналари негизида ахборот-ресурс марказларининг ташкил этилиши янада янги имкониятлар очади.

Таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда аҳолининг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мунтазам таълим олиши ва мустақил равишда таълим олишига кўмаклашиш;

— миллий маънавий-ахлоқий қадриятларни кенг кўламда тарғиб қилиш, халқнинг маданий-тарихий меросидан баҳраманд бўлишини таъминлаш, маънавий бой ва уйғун камол топган шахснинг ижодий ўсиши учун имконият яратиб бериш;

— янги ахборот технологиялари (маълумотлар электрон базалари, интернет ресурслари) асосида аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш;

— маданий, таълим, ахборот ҳамда бошқа дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун таълим муассасалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, миллий маданият марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ахборот-ресурс марказларининг асосий вазифалари этиб белгиланди

Айни пайтда аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, унинг илмий, таълим, ахборот ва маданият соҳасидаги қизиқишларини замонавий ахборот технологиялари асосида тезкорлик билан қондириш;

— китобхонларга анъанавий кутубхона хизмати кўрсатишдан ўз ахборот ресурсларини яратиш ва жаҳон илмий-таълим ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини бериш йўли билан ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга ўтишни таъминлаш;

— универсал ахборот ресурслари, миллий ва хорижий нашрлар (босма, аудиовизуал, электрон ва бошқа) фондларини шакллантириш, сақлаш ва фойдаланиш учун бериш;

— йиғма электрон каталог ёрдамида ахборот ресурсларини бирлаштирувчи электрон кутубхоналар ва маълумот базаларини яратиш;

— жойларда ахборотлаштириш ва кутубхоначилик иши соҳасидаги ахборот-ресурс марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш

ҳамда ташкилий-методик жиҳатдан таъминлаш янгидан ташкил этилган ахборот-кутубхона марказлари зиммасига юкланди.

Ҳозирги вақтда барча вилоят кутубхоналари маълум даражада зарур техник воситалар билан таъминланган булса-да, ҳали уларни аҳолига замонавий ахборот хизмати курсатувчи марказларга айлантиришнинг ташкилий-услубий асослари мавжуд эмас. Юқоридаги қарор мазмунидан келиб чиқадиган булсак, мазкур кутубхоналар маҳаллий ва халқаро ахборот тизимларига уланган булиши, миллий ахборот манбалари, ресурслари, электрон маълумотлар базаси, электрон кутубхоналарни шакллантириб борувчи марказларга айланиши лозим.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирча бизда интернетга уланган аксарият укув юртлари, кутубхоналар, илмий-текшириш институтлари 90 фоиздан купроқ хорижий ахборот манбаларининг истеъмолчилари булиб қолмоқда. Шу боис асосий ахборот манбаи булган кутубхоналарда миллий ахборот тизимини яратиш долзарб булиб турибди. Бинобарин, бу илм даргоҳлари хорижий ахборотларнинг шунчаки истеъмолчилари булиб қолмаслигини назарда тутиш, маориф соҳаси учун интеллектуал талабларга мос маълумотлар электрон базасини яратишга, кичик ва урта бизнес вакилларини техник ҳамда тижоратга оид ахборотлар билан таъминлашга эътибор қаратиш зарур.

Ахборот-кутубхона марказларининг вазифаларидан бири ахборот ресурсларини йиғма каталогларда жамловчи маълумотлар базасини ва электрон кутубхона яратишдир.

Аслида компьютер техникаси билан таъминланганлик, интернетга уланган маҳаллий тармоқлар яратилишининг узи электрон кутубхона тушунчасини билдирмайди, бу — компьютерлашган кутубхона дегани холос ва бундай кутубхоналар бизда оз эмас.

Автоматлаштирилган кутубхоналарда асосий фаолият ва ахборот-кутубхона хизмати, яъни каталоглаштириш, фондларни тулдириш автоматлаштирилган, электрон кутубхоналарда эса ахборот ресурслари электрон ҳолатга утказилган, яъни рақамлаштирилган булади. Электрон каталог яратиш имкониятини берувчи библиографик ахборотларни тақдим қилиш, миллий ахборот ресурсларини жаҳон миқёсига олиб чиқишда халқаро андозаларда ишлашга утиш учун катта ишларни амалга оширишимиз зарур. Қолаверса, бу бой маданий меросимиз ва замонавий адабий жараёнлар билан бутун дунёни таништириш имкониятларини очади. Зеро, аллақачон жаҳон андозалари талабларига жавоб берувчи кутубхона тизимини яратиш вақти келди. Лекин бундай мураккаб дас-

турни ишлаб чиқиш учун бир неча йиллар керакки, электрон каталоглар ва тулиқ маълумотлар базасини яратишни бугундан бошламоқ лозим. Ўзбекистонда 30 га яқин олий ўқув юртлари ва кутубхоналар халқаро талабларга мос келувчи автоматлаштирилган кутубхона тизимига эга. Уларда халқаро форматларга мувофиқ келувчи «ИРБИС» тизимидан фойлаланиш йўлга қўйилган. Фақат ҳозирча бу иш уларнинг ўз ташаббуслари билан амалга оширилган. Бу эса кутубхоналарни автоматлаштиришга оил давлат дастурини ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этишнинг ўта долзарб масала эканини янада ойдинлаштириб турибди.

Қарорда таъкидланганидек, «ZiyoNET»га уланган ва автоматлашган ахборот-ресурс марказлари аҳолининг барча қатламларига учун зарур илмий-маърифий ва бизнес ахборотларини олишда муҳим манба саналади. Хуллас, одамларимизнинг ишхона ёхуд ўз уйидан чиқмай туриб, зарур маълумот ёки адабиётларнинг электрон нусхасини мазкур марказлар орқали интернетдан олишига эришиш қарорда кўзда тутилган пировард мақсадлардан биридир.

Қарорда айтилганидек, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги оммавий кутубхоналардан болалар кутубхоналари Халқ таълими вазирлиги ихтиёрига, катталар кутубхоналари Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ихтиёрига, вилоят илмий универсал кутубхоналари эса Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ихтиёрига ўтказилиб, ахборот-ресурс марказлари ва ахборот-кутубхона марказлари ташкил этиладиган бўлди.

Бироқ, ахборот-ресурс ёки ахборот-кутубхона марказларининг ташкил этилиши анъанавий кутубхона хизматидан воз кечиш дегани эмас. Балки, асосий муддао замонавий воситалар ёрдамида аҳолини, айниқса, ёшларни китобга яқинлаштириш, ахборот, билим олишга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборатдир.

Хуллас, Президентнинг мазкур қарори катта истиқболларни кўзлаб, кутубхоначилик соҳасини янги, замонавий даражага қисқа муддатларда олиб чиқиш мақсадида қабул қилинди.

Маминова И.З. – зам. директора
по научной работе Национальной
библиотеки Узбекистана.

## ФОРМИРОВАНИЕ СИСТЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ И ПЕРЕПОДГОТОВКИ БИБЛИОТЕЧНЫХ КАДРОВ: НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ РЕШЕНИЯ ПРОБЛЕМЫ

Рассматриваются проблемные вопросы в системе повышения квалификации библиотечных кадров по материалам международных публикаций в профессиональной печати. Кратко характеризуется состояние современной системы повышения квалификации и подготовки кадров в республике. Рассматривается вопрос организации учебного центра по подготовке и переподготовке библиотечных кадров на базе Национальной библиотеки Узбекистана, как одного из путей сохранения и совершенствования системы повышения квалификации.

Кутубхоначи кадрларнинг малакасини ошириш муаммолари ёритилган. Муаллиф касбий журналлар ва халқаро нашрларда мазкур масалаларга оид бир қатор мақолаларни ўрганган ва улар асосида кутубхоначи кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тўғрисидаги ўз фикрларини баён қилган. Кутубхоначи кадрлар малакасини ошириш бўйича Ўзбекистон Миллий кутубхонаси базасида ўқув курси ташкил қилиш ғояси илгари сурилган.

It is considered actual questions in system of improvement of professional skill of the library staff on materials of the international publications in professional press. The condition of modern system of improvement of professional skill and a professional training in republic is briefly characterized. The question of the organization of the educational center on preparation and retraining of the library staff on the basis of National library of Uzbekistan, as one of ways of preservation and perfection of of professional skill improvement of system is considered.

В связи с интенсивным процессом информатизации всех сфер общественного производства, образования и науки по-новому рассматривается и значение библиотечной профессии, роль библиотекаря в информационном обществе, а также существенно изменяется взгляд на профессиональные знания библиотечных специалистов.

На современном этапе развития информационно-библиотечной деятельности  библиотекарь выступает во многих ипостасях, которые ранее не были ему свойственны в силу социального и общественного развития. Сегодня библиотекарь наряду с выполнением традиционных библиотечных услуг и форм деятельности, кроме того, является хозяйственником, специалистом по новым информационным технологиям, менеджером и т.д.

Новые направления получает и система профессиональных знаний, так как значительно повышаются требования к библиотечной профессии в связи с её многофункциональной ролью в современном информационном обществе [3].

На страницах профессиональной печати в последнее время появилось много интересных статей, по которым можно проследить, как и каким образом на современном этапе решаются проблемы формирования профессиональных знаний работников библиотек. В сложившейся ситуации с профессиональным образованием основная тяжесть ложится  на систему повышения квалификации. [3,4,5]. Современная система повышения квалификации сегодня выполняет ряд основных и очень важных задач: а) устраняет недостатки и пробелы в базовом образовании будущих библиотекарей, которые вызваны существующим отрывом теории от практики; б) повышая свою квалификацию, библиотекари адаптируются к новым производственным задачам, стоящим перед современной библиотекой; в) повышение квалификации выступает важнейшим условием модернизации библиотечного дела, успешного внедрения новых информационных технологий в практику работы библиотек, проектов и концепций. Кроме того, повышение квалификации, расширение профессионального диапазона является существенным гарантом социальной защиты библиотечных работников. [1,2].

Отмечая объективные предпосылки роста значения системы повышения квалификации, подготовки и переподготовки библиотечных работников, необходимо отметить и проблемы, которые существуют в данной системе. Как отмечают авторы публикаций, система переподготовки библиотекарей переживает определенный кризис, а по некоторым высказываниям находится в существенном кризисе. В основном это связано с проблемой государственного финансирования мероприятий, связанных с повышением квалификации, сокращением числа институтов повышения квалификации на региональном уровне, оттоком большого числа высококвалифицированных специалистов из состава преподавателей, недопониманием некоторых руководителей библиотек в необходимости оплаты за переподготовку своих специалис-

тов, а так же отсутствием нормативных документов. Кроме того, рассматривается вопрос об уровне научно-методического обеспечения системы переподготовки кадров на всех уровнях, содержания учебных планов и её организационной структуры. [4,7].

К сожалению, в Республике Узбекистан по тем же в основном причинам, что и в других странах СНГ система повышения квалификации и переподготовки библиотечных работников переживает не лучшие времена. В настоящее время профессиональную переподготовку библиотекари проходят при Ташкентском государственном институте культуре им. А.Кадыри. В основном повышают свою квалификацию библиотекари системы Министерства по делам культуры и спорта. Конечно, действующий институт повышения квалификации просто не в состоянии обеспечить потребность на поствузовское образование библиотекарей всех систем и ведомств. Это свыше 23 тыс. библиотечных работников республики.

В областях республики основными центрами в системе повышения квалификации библиотекарей были областные универсальные научные библиотеки, центральные городские и районные библиотеки, на базе которых проводились различные мероприятия по повышению квалификации: семинары, тренинги, мастер-классы. В течение последних 6-7 лет в республике существует практика организации учебных семинаров-тренингов с привлечением опытных специалистов – профессионалов по определенным направлениям с циклом лекций из ведущих библиотек и библиотечных учреждений стран СНГ и Балтии, а также из-за рубежа. И реже направление специалистов крупных библиотек за рубеж на учебу по повышению квалификации и обмену опытом. Все мероприятия проводятся и проводились при финансовой поддержке международных фондов, путем написания и защиты проектов, при участии Библиотечной Ассоциации Узбекистана, профессиональных областных ассоциаций и Национальной библиотеки Узбекистана. Таким образом, в разное время, библиотекари Узбекистана приняли участие в образовательных семинарах с участием специалистов из Германии, США, Чехии, Венгрии, России, Литвы. На семинарах рассматривались вопросы информатизации, сохранности и консервации фондов, управления библиотеками и библиотечным персоналом, библиотечного маркетинга и менеджмента, написания проектов и проектной деятельности библиотек и др. В результате проведения данных семинаров и тренингов сформировалась команда специалистов, из числа руководителей и ведущих специалистов крупнейших библиотек республики, владеющая вопросами управления современной биб-

лиотекой, которая составила группу единомышленников, принимающих участие в разработке и подготовке нормативных и правовых документов, регламентирующих деятельность библиотек. Таких как проекты Законов о библиотечном деле и об обязательном экземпляре документов, Концепции развития библиотек, программы развития библиотек и библиотечного дела, стратегических приоритетов в библиотечном деле и по вопросам реформирования библиотечной сферы. Однако недостатком в системе семинарского образования с участием и при поддержке фондов остаётся то, что охвачен лишь высший эшелон библиотечных кадров – руководители библиотек, их заместители, реже заведующие подразделениями и отделами библиотек.

В настоящее время, не имея налаженной системы повышения квалификации, переподготовки библиотечных работников на республиканском уровне, мы не можем конструктивно говорить о необходимости совершенствования учебного процесса, учебных планов, программ, методик обучения, уровня подготовки преподавательского состава с учетом новых информационных технологий, использования новых технических средств.

В разработанном проекте Концепции развития библиотечного дела на длительный период и Программе развития библиотечного дела в республике предусмотрено организовать на базе Национальной библиотеки Узбекистана учебный Центр по переподготовке и повышению квалификации библиотечных работников не зависимо от их ведомственной подчиненности с учетом современных требований и практических навыков. Это явилось бы одним из шагов по выходу из кризисной ситуации сложившейсяв системе повышения квалификации и переподготовки библиотечных работников в республике. Идея создания учебного центра при Национальной библиотеке была поддержана рядом ведущих библиотек, в том числе библиотеками образовательных учреждений, где остро стоит вопрос переподготовки кадров. Переподготовка и повышение квалификации библиотечных работников должна проводиться на основе научности, приоритетности, непрерывности и последовательности, с учетом дифференциации, индивидуальности. Несмотря на определенные трудности, которые испытывает Национальная библиотека в плане достаточности площадей и оснащенности высококвалифицированными кадрами, она смогла сохранить традиции преемственности, сочетание теории и практики библиотечного дела. В настоящее время в библиотеке ежегодно успешно проходят производственную практику студенты ТашГИКа, работает Школа молодого библиотекаря для моло-

дых сотрудников библиотеки, функционируют курсы по освоению компьютерной грамотности, Интернет-ресурсам и овладению библиотечно-информационной системой ИРБИС, действует служба методического обеспечения по решению профессиональных вопросов и оказанию практической помощи библиотекарям различных библиотек.

Предполагаем, что основной целью учебного Центра повышения квалификации и переподготовки библиотечных работников республики будет создание комплексной многоуровневой системы повышения квалификации, переподготовки и непрерывного профессионального образования библиотечных кадров, которая смогла бы способствовать развитию системы профессиональных знаний, умений и навыков, соответствующих задачам модернизации библиотечного дела республики.

Реализацию основных целей Центра будут решать следующие задачи:

- повышение квалификации для выполнения новых функциональных задач, связанных с информатизацией библиотечного дела и новой социально-культурной ситуацией в республике;
- профессиональная переподготовка библиотечных работников, не имеющих специального библиотечного образования;
- стажировки, различные формы группового и индивидуального обучения для реализации равноправного доступа всем сотрудникам библиотек к системе дополнительного профессионального образования;
- создание дифференцированной системы повышения квалификации библиотекарей.

Налаженная система повышения квалификации персонала библиотек, созданная на основе учебного центра обеспечит единство целей и задач всех этапов непрерывного образования: профориентации, профотбора, профобучения, профадаптации, повышения квалификации и переподготовки кадров (в т.ч. специализации и актуализации). Национальная библиотека в данном случае будет осуществлять роль ресурсного центра информационного обеспечения образовательного процесса.

Библиотека должна нести ответственность за развитие штата своих сотрудников, постоянное их профессиональное совершенствование, формирование индивидуальных потребностей в повышении квалификации. Необходимо внедрить правило об обязательном прохождении курсов повышения квалификации. Каждый сотрудник библиотеки обязан не реже 1 раза в 5 лет пройти обучение (переобучение). В смете расходов библиотеки необходимо

предусматривать средства на обучение персонала. В этом случае все сотрудники библиотек проходят процедуру сертификации, программа которой обеспечивает высокое качество обслуживания, защиту прав пользователей от некомпетентности библиотечных работников. [6].

К сожалению, на государственном уровне и библиотечной общественностью ещё не осознана важность идеологии непрерывного образования библиотечных работников. В заключение хочу привести высказывания профессора Э.Р. Сукиасяна, который в одном из многочисленных выступлений по данному вопросу сказал: «Мы, библиотекари, слишком легко принимаем в свои ряды всех желающих и так же легко со всеми расстаёмся. Может быть, это было бы и неплохо, если бы не одно обстоятельство: легко принимаем, как правило, непрофессионалов, а отдаём квалифицированных, специально обученных людей, теряя при этом суммарное качество профессиональной среды».

Использованная литература:


1. Высоцкая Е.К. Кадровый потенциал библиотечной отрасли в России //Вестник БАЕ. – 2002. - № 3. – С.56-60.
2. Збаровская Н.В. Поговорим о профессиональных качествах //Библиотека. – 2005. № 2. –С.35-44.
3. Кузнецова Т.Я. Дополнительное библиотечное образование в России: подходы к созданию системы //Вестник БАЕ. – 2003. - № 4. – С. 82-86.
4. Насырова А.А., Ратманова С.Б. Высшие библиотечные курсы Республики Казахстан (опыт, перспективы развития) // Вестник БАЕ. – 2002. - № 3. С. 60-62.
5. Петухова И.И., Хамаганова Р.И. Библиотечно-информационное сопровождение образовательного процесса в Республике Бурятия //Библиотековедение. –2004. - № 5. – С. 82-85.
6. Сукиасян Э.Р. Паспорт профессии библиотекаря в США // Библиотековедение. – 2004. -№ 5. – С. 90-100.
7. Чачко А.С. Библиотекарь – актуальная профессия информационного общества //Вестник БАЕ. – 2003. - № 1. – С. 70-73.

Маҳмудов М. Ҳ. - педагогика фанлари
номзоди, доцент, А.Қодирий номидаги
Тошкент давлат маданият институти
кафедра мудири.

## КУТУБХОНАЧИЛИК ИШИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Кутубхоначилик ишининг ривожланиш қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятлари очиб берилган ва бу тизимни ташкил этувчи таркибий тизимчалари, уларнинг тизимдаги вазифалари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Рассматриваются вопросы, связанные с развитием библиотечной работы, выявлены её закономерности и особенности.

It is considered the questions connected with development of library work. Its laws and features are revealed.

Кутубхоначилик иши, тўғрироғи кутубхоналаримизнинг бугунги кундаги аҳволи, муаммолари ва истиқболлари ҳақида кейинги вақтларда матбуотда бир қанча мақолалар эълон қилинди, яхши-ёмон фикрлар билдирилди. Лекин аксари мақолалар муаллифлари бу соҳадан анча йироқ, кутубхоначилик ишини фақат истеъмолчи сифатида биладиган, бу соҳадаги мавжуд муаммолардан бехабар бўлган фидоий кишилардир. Жамоатчиликнинг республикамиздаги кутубхоначилик ишини аҳволи ҳақида жиддий қайғуриб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришининг ўзи қувонарлидир. Чунки, кутубхоначилик иши нафақат шу соҳа мутахассисларининг, балки жамиятимизнинг илғор фикрли кишилари, айниқса зиёлиларимизнинг, бошқарув органлари раҳбарларининг иши ҳамдир.

Кутубхоначилик иши бевосита республикамизнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий соҳаларига, илм-фанига, ишлаб чиқаришига ўз таъсирини кўрсатадиган соҳадир. Албатта бу таъсирлар дарров сезилмаса-да, лекин йиллар ўтиши мобайнида ўз таъсирини кўрсатади.

Кутубхоначилик ишининг ривожланиш қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятларига ўтишдан аввал бу тизимни ташкил этувчи таркибий тизимчалари, уларнинг тизимдаги вазифалари ҳақида бироз тўхталиб ўтамиз.

Кутубхоначилик иши олтита таркибий кичик тизимдан ташкил топган булиб, булар:

— Кутубхона тармоқлари;
— Кутубхоналар фондларини комплектлаш;
— Кутубхоначилик хизматини ташкил этиш;
— Кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш;
— Илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш;
— Илмий-услубий ишлардир.

Кутубхоначилик ишини ҳозирги аҳволи ушбу таркибий қисмларни ҳозирги ҳолати, ривожланганлигига бевосита боғлиқдир. Юқоридаги таркибий қисмларнинг бирontасини бошқаларидан орқада қолиб кетиши, кутубхоначилик ишини умумий ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Кутубхоначилик ишида кутубхона тармоқлари тизими асосий тизимлардан биридир. Маълумки, нафақат республикамизда балки кўпгина ривожланган мамлакатларда ҳам кутубхоналар бир қанча тармоқларга булинган булиб, бу уларнинг турли идора ва ташкилотларга қарашлигидан далолат беради. Бизда ҳам кутубхоналарнинг бир қанча тармоқлари мавжуд булиб, уларни бошқариш ишлари ҳам шу тармоқларнинг юқори бошқарув органлари орқали амалга оширилади. Масалан, давлат оммавий кутубхоналари ва вилоят илмий-универсал кутубхоналари Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфида булса, кўп сонли мактаб кутубхоналари Халқ таълими вазирлиги тасарруфидадир, коллеж ва олий ўқув юртлари кутубхоналари эса Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашлидир. Бундан ташқари деярли ҳар бир соҳанинг ўз кутубхона тармоғлари мавжуд: Соғлиқни сақлаш вазирлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ва ҳсказо.

Бу идора ва ташкилотларнинг кутубхоналар тармоғининг ривожланганлиги турли даражада булиб, кутубхоналарнинг вазифаси шу идора ва ташкилотларнинг асосий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қаралади. Шунга кўра барча кутубхона тармоқларининг вазифаси бир томондан жамият аъзоларининг умуммаданий ва касб-корига оид ахборотга булган талабларини, бўш вақтларини унумли ўтказишни қондириш булса, иккинчи томондан ушбу кутубхона қайси идора ва ташкилотга қарашли булса шу ташкилотнинг олдига қўйилган асосий вазифаларини бажаришга хизмат қилади

Куриниб турибдики, ҳар қандай кутубхонанинг фаолияти жамият аъзоларини у ёки бу турдаги ахборотга булган талабларини

қондиришга қаратилган, лекин, улар ўз вазифаларини ўзлари бўйсунадиган идора ва ташкилотларнинг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этадилар.

Давлат оммавий кутубхоналарига келсак, уларнинг аҳволи ўз ҳудудларини иқтисодий-маданий тараққий этганлиги ва кўп жиҳатдан ҳудуд раҳбарларини кутубхона ишига бўлган муносабатларига боғлиқдир. Шу билан бирга оммавий кутубхоналарни фаол фаолият кўрсатиши шу ҳудудда истиқомат қилувчи фуқароларнинг кутубхона хизматига ва ахборотга бўлган талаб ва қизиқишларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Кутубхоначилик ишида кутубхоналар фондини комплектлаш тизими ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бунда ҳар бир кутубхона ўз олдига қўйган вазифасидан келиб чиққан ҳолда кутубхона фондини яратади. Кутубхона фондини комплектлаш кичик тизимининг фаолияти кўп жиҳатдан мамлакатда китоб нашр этиш ишлари, ахборотнинг бошқа турларини яратилиши билан бевосита боғлиқдир. Шу билан бирга кутубхона ходимларини ушбу кутубхонанинг асосий вазифасини қандай тушунишига, китобхонларнинг қизиқишларини ўрганиш даражасига ҳам бевосита боғлиқдир. Шунингдек, кутубхона фондини комплектлаш ишларида, умуман кутубхонанинг фаолият кўрсатишига кутубхонанинг иқтисодий-молиявий аҳволи ҳам жиддий рол ўйнашини таъкидлаб ўтиш лозим деб ўйлаймиз.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, барча турдаги кутубхоналарни молиявий томондан мустақил ва номустақил кутубхоналарга бўлиш мумкин. Мустақил кутубхоналар ўз маблағларига эга бўлган, ўзларини ҳисоб рақамлари орқали молиявий-хужалик ишларини ўзлари юритадиган кутубхоналарга айтилади. Бундай кутубхоналар асосан вилоят илмий-универсал кутубхоналари, республика илмий кутубхоналари, марказлашган кутубхона тизимига бирлаштирилган давлат оммавий кутубхоналари (гарчи улар маданият ва спорт бошқармалари томонидан таъминланса ҳам) дир. Қолган кутубхоналар номустақил кутубхоналар ҳисобланиб, ўзлари бўйсунадиган идора ва ташкилотларнинг молиявий аҳволига бевосита боғлиқдир. Шу жиҳатдан олиб қаралганда кутубхона фондларини комплектлаш ҳар хил бўлиши табиийдир.

Кутубхона хизмати кичик тизими ҳам кутубхоначилик тизимидаги тизимлардан биридир. Ҳозирда кутубхоналарда истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш бирламчи ҳужжатлар — китоб, журнал, газета ва бошқа ахборот манбалари, библиографик материаллар

билан якка тартибда ва гуруҳга хизмат курсатиш, кутубхонани узида ва ундан ташқарида амалга оширилмоқда. Бевосита хизмат курсатиш кутубхонанинг узида абонемент ва укув заллари орқали амалга оширилса, ностационар хизмат курсатишда, кучма кутубхоналар, китоб бериш пунктлари, баъзи бир китобхонларга китоб етказиб бериш шакллари орқали амалга оширилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими уз ичига олий ва урта махсус билим юртларида кутубхоначилик соҳаси учун кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, йирик кутубхоналарда ташкил этиладиган семинарлар, стажировкалар, давра суҳбатларини олади.

Ушбу тизим фаолияти кутубхоначилик иши тизимини яна бир кичик тизими, илмий-тадқиқот тизим билан боғлиқдир. Тизим узига олий укув юртидаги кафедраларни, йирик кутубхоналарни илмий-тадқиқот булимларини қамраб олади.

Илмий-услубий таъминлаш кичик тизимига, республика ва вилоят кутубхоналарининг услубий хизмати, йирик соҳа кутубхоналари, марказлашган кутубхона тизими услубий хизмат курсатиш булимлари киради.

Кутубхоначилик иши глобал мақсадга: инсоннинг ахборотни эркин олишини таъминлаш, одамларни ватан ва жаҳон маданияти дурдоналари билан таништириш, аҳолининг доимий равишда усиб борадиган ахборотга ва маънавиятга булган талабларини қондиришдан иборатдир. Мураккаб ва куп босқичли булган кутубхоначилик тизимининг кичик тизимлари уз навбатида узларининг тизимда бажарадиган алоҳида вазифаларига эгадир. Чунончи, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш кичик тизими соҳа учун юқори малакали мутахассислар етиштиришни амалга оширади. Фондни комплектлаш ва ташкил қилиш кичик тизими эса кутубхона учун зарур булган нашр маҳсулотлари ва ахборот материаллари билан таъминлаш ишларини амалга оширади. Муҳими, юқоридаги кичик тизимларни ривожланиши узвий равишда, бир меъёрда пропорционал равишда ривожланиши зарур. Шунда кутубхоначилик иши олдидаги вазифалар тулиқ бажарилади.

Кутубхоначилик иши тизимини таҳлил қилар эканмиз бу соҳанинг ривожланишининг уз қонуниятлари ва узига хос томонлари борлигига ҳам тухталиб утиш зарур. Кейинги йилларда бу соҳадаги илмий фикрларни жамлаган ҳолда уларга қисқача тухталиб утамиз:

Кутубхоначилик ишининг ривожланишидаги **асосий қонуниятлардан бири** бу — кутубхоналарнинг узаро ҳамкорлик қилиши

қонуниятидир. Бу қонуниятга кўра кутубхоналар ўзларидаги ахборот ресурларидан истеъмолчиларни фойдаланишини амалга ошириш учун турли хил йўллар билан биргаликда ҳаракат қилишлари лозимдир. Ҳақиқатда ҳам кутубхоначилик иши тарихига назар ташласак, узоқ йиллар мобайнида аҳолини ахборотга ва маънавиятга бўлган талабини қондириш учун кутубхоналар бир-бирлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиб келганлар ва келмоқдалар.

**Иккинчи бир қонуният** — бу кутубхоначилик иши тизимида тўпланган ахборотлардан фойдаланишнинг ижтимоий самарадорлигини оширишдир. Бу қонуниятга кўра кутубхоначилик иши ва унинг алоҳида қисмлари, шу жумладан кутубхоналар, ўз фондларида тўпланган ахборотларни бутун жамият ва алоҳида истеъмолчининг қизиқишларини максимал даражада, доимий равишда қондиришга ҳаракат қилишидир.

**Кутубхоначилик ишининг учинчи қонунияти** бу—кутубхоначилик ишининг динамиклиги яъни ўзгарувчанлигидир. Кутубхоначилик иши қотиб қолган тизим эмас, у доимо ўзгариб, ривожланиб борадиган тизимдир. Бу ҳолат бугунги кун амалиётида кўзга яққол ташланмоқда. Мисол тариқасида йигирманчи асрдаги кутубхоначилик ишининг ривожланиш жараёнини кўриш кифоядир. Кутубхоначилик ишини ахборотлаштириш жараёни амалга оширилмоқда. Янги ахборот технологиялари, электрон маълумот базаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш ишлари, кутубхоналарни ўзаро ҳамкорлигини тармоқ технологиялари орқали амалга ошириш ишлари, жаҳон кутубхоначилик жараёнига ва жаҳон ахборот айирбошлаш жараёнига кириш ишлари амалга оширилмоқда. Буларни барчаси кутубхоначилик ишини динамик ривожланаётганлигини, замонавий талабларга жавоб берувчи тараққиёт йўлидан кетаётганлигини билдиради.

**Тўртинчи қонуният** — бу кутубхоначилик ишини демократлаштиришдир. Бу қонуниятга кўра кутубхоначилик иши нафақат узлуксиз таълим ва мустақил таълимни амалга оширувчи, шахсни дунёқарашини ва тафаккурини ривожлантирувчи асосий воситагина эмас, балки барча фуқароларни уларни ижтимоий ҳолатидан, миллатидан, ирқидан, сиёсий қарашидан қатъий назар ахборот билан таъминловчи демократик манбалиги қайд этилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг ахборот манбаларидан фойдаланиш ҳуқуқлари мавжудлигини таъкидлаб ўтишимиз лозим.

Кутубхоначилик ишининг демократлаштириш қонунияти давлат оммавий кутубхона тармоқлари тизимини ташкил этиш, асосий

кутубхоначилик ва ахборот хизмати курсатиш ишларини бепул амалга оширишни таъминлайди. Кутубхоначилик ишини демократлаштириш қонунияти бу соҳани бошқаришнинг баъзи жиҳатларда уз аксини топмоқда, чунончи кутубхоначилик жамиятлари ва ассоциациялар фаолиятини фаоллашганлигида, кутубхона раҳбарларини уз китобхонлари олдида мунтазам равишда ҳисоботлар беришида, кутубхонадан фойдаланувчиларга янада самарали хизмат курсатишни ташкил этиш мақсадида уларни талаб ва қизиқишларини мунтазам равишда урганиб боришда ва ҳокозоларда намоён бўлмоқда.

**Кутубхоначилик ишидаги бешинчи қонуният** — бу миллий-давлатчилик ва байналминалчиликни диалектик бирлик қонуниятидир. Бу қонунга кўра ҳар бир мамлакатдаги кутубхоначилик ишида шу мамлакатнинг узига хос хусусиятлари акс этади. Шу билан бирга унда умуминсоният қадриятлари ва жаҳонда эришилган илм-фан, маданият, санъат ютуқлари кутубхоначилик иши орқали узида акс этгани учун ҳам байналминалдир.

Олтинчи қонуният — бу кутубхоначилик хизмати курсатишда якка тартибда ёндошишни афзаллиги қонуниятидир. Бу қонуниятга кура кутубхоналарнинг асосий вазифаси одамларни маънавиятга ва ахборотга булган талабларини уларга якка тартибда ёндошган ҳолда қондиришдан иборат булиши керак. Бу қонуният кутубхоначилик иши тарихининг барча даврларида кутубхоначилик ишининг асосий принципи булиб келган.

Еттинчи қонуният - кутубхоначилик ишининг жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти билан боғлиқлиги ва жамиятнинг ривожланишининг умумий қонуниятларига буйсунишидир. Кутубхоначилик ишининг ривожланиш тарихида биз, жамият ҳаётининг иқтисодий шароитлари узгаришларида, сиёсий қайта қуришларда кутубхоначилик иши ҳам узгариб боришини курамиз. Буни ёрқин мисоли кейинги йиллардаги узгаришлардир. Мамлактимизда бозор иқтисодиёти шароитига ўтиш, сиёсий, мафкуравий маънавий ва маданий узгаришлар юз бераётган даврда, кутубхоначилик иши ҳам узгариб бормоқда. Кутубхоначилик ишида иқтисодий муносабатларнинг роли тобора ортиб бормоқда. Кутубхоналарга хужалик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи, уз китоб фондида юридик ва жисмоний шахсларни фойдаланишини шартнома асосида ташкил этиш, пуллик хизмат турларини жорий этиш, чет эллардаги муассаса ва ташкилотлар билан узаро ҳамкорлик қилиш ва бошқа ишлар учун кенг йул очиб берилди. Шу билан бирга мамлакатимиздаги демократик ислоҳотлар ҳам кутубхоначилик ишига катта таъсир курсатмоқда. Ху-

сусан, кутубхоналарга ўз иш мазмунларини ўзлари белгилаши, кутубхоначилик ишидаги марказлаштиришдан номарказлаштириш тарафга қараб бораётганлик, давлат ва бошқа цензураларининг бекор қилиниши шундан далолатдир.

Яна бир муҳим қонуниятлардан бири — кутубхоначилик ишининг пропорционал ривожланиши қонуниятидир. Бу қонуният кутубхоначилик ишининг барча кичик тизимларини пропорционал равишда ривожланиши зарурлигини қайд этади. Бусиз бу соҳа тулиқ ва самарали фаолият кўрсата олмайди. Масалан, бирон бир кичик тизимни орқада қолиши масалан, фондни комплектлаш ёки кадрлар тайёрлаш тизимининг орқада қолиши тезда бутун тизим фаолиятида намоён булади, унинг самарали фаолият кўрсатишини пасайтиради, китоб ва ахборот билан хизмат кўрсатишда қийинчиликлар туғдиради.

Кутубхоначилик ишининг юқорида қайд этиб ўтилган қонуниятлари билан бирга ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуддир. Кутубхоначилик ишининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг фаолияти асосида одамларнинг қизиқишлари ётишидир. Жамият, жамоат ва шахсий қизиқишлар кутубхоначилик ишининг ҳолатига ва уни тизим сифатида ривожланишига фаол таъсир кўрсатади.

Кутубхоначилик ишининг характерли томонларидан яна бири кутубхона ходимларининг турли хилдаги қизиқиш ва талабларга эга булган аҳолининг турли қатламлари билан, меҳнат жамоалари, аниқ ва потенциал китобхонлар билан бевосита алоқада булишидир. Шунинг учун ҳам улар истеъмолчиларнинг китоб ва ахборотга булган талаблари мотивларини урганиш ва уларни максимал даражада қондиришга ҳаракат қиладилар.

Кутубхоначилик ишининг ривожланишига таъсир кўрсатадиган яна бир ўзига хослик бу ҳар бир мамлакатнинг маданиятини ривожланганлиги, аҳолини маънавий суровларини даражасидир. Аҳолининг маданияти қанчалик юқори, маънавияти юксак булса кутубхоначилик иши ҳам интенсив равишда ривожланади. Шу билан бирга кутубхоначилик ишини ривожланиши шу мамлакат фуқароларини маданий-маънавий ва интеллектуал ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Кутубхоначилик ишининг ривожланишида жамоатчиликни фаол иштирок этиши унинг ривожланишининг зарур шартларидан биридир. Чунки, кутубхоначилик ишида амалга оширилаётган барча ишларнинг охирги натижаси, жамият аъзоларининг китоб ва ахборотга булган талабларини қондиришдан иборатдир. Жамият аъзоларини фаоллиги эса кутубхоначилик ишини замон талабларига мос ҳолда ташкил этишга ундайди.

Коваленко А.П. - старший преподаватель
Ташкентского государственного института
культуры им. А. Кадыри

## СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ В НЕПРЕРЫВНОМ ПРОФЕССИОНАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ БИБЛИОТЕКАРЕЙ

Описываются формы и содержание непрерывного библиотечного образования, даются некоторые предложения по улучшению данной системы.

Кутубхоначиларнинг узлуксиз касбий таълимидаги замонавий тенденциялар тўғрисида сўз боради. Кутубхоначилик таълимидаги "узлуксиз таълим" тушунчасига изоҳ берилган.

It is described the contents and forms of continuing the library education and it givessome proposals on improvement of its system.

В публикациях о непрерывном профессиональном образовании библиотекарей встречаются различные толкования понятия, обозначенного термином «непрерывное образование».

Термин «непрерывное библиотечное образование» был введен в американское библиотековедение группой из шести крупных ученых, организовавших в 1980 году Национальный совет по качеству непрерывного образования в библиотечном деле, информации и культурном обслуживании. Совет определил непрерывное библиотечное образование как учебный процесс, который базируется на предварительно полученных специалистом знаниях, навыках, выработанных качествах личности и их развитии. Обычно это самообразование человека, осознающего ответственность за свое профессиональное развитие и удовлетворение познавательной потребности.

Данное понятие шире, чем «подготовка кадров», осуществляемая библиотечными учебными учреждениями и организациями. Большинство библиотековедов мира склонны принять Концепцию непрерывного образования (continuing education), теоретически обоснованную и реализованную во многих странах мира. В Руководстве по обеспечению качества непрерывного образования для персонала библиотек и информационных

служб, разработанном и изданном Американской библиотечной ассоциацией (АБА) в 1988 году приведено следующее определение этого понятия: «Непрерывное образование представляет собой процесс обучения, который основывается на раннее приобретенных знаниях, умениях и представлениях индивидуума и приводит их в соответствие с требованиями современности. Непрерывное образование следует за основным профессиональным образованием, необходимым для участия в информационной, библиотечной и документационной деятельности». (4.с.59)

Известными специалистами и авторами статей по вопросам непрерывного библиотечного образования являются Элизабет У. Стоун (США), Дарлин Э. Уэйнганд (США), Йонс Торхаунге (Дания), С.В. Пушкова (Россия), С.Бражникова (Россия).

В той или иной мере проблем непрерывного образования библиотекарей касались в своих статьях по библиотечной профессии видные библиотековеды Л.Н. Афанасьев, К.И. Абрамов, Л.М. Инькова, А.И. Каптерев, В.В. Скворцов, А.В. Соколов, Г.П. Фонотов и другие.

Естественно, система непрерывного библиотечного образования не существует изолированно. На нее влияют многие процессы, происходящие в современной культуре и технологии: диверсификация, децентрализация, автоматизация информационных технологиях. Сегодняшний день знаменуется тем, что формируется новая образовательная система, основанная на использовании современных информационно-коммуникационных технологий. Мы становимся свидетелями процесса создания «виртуальных университетов», где значительная часть учебного процесса осуществляется через Интернет.

Технические достижения, происходящие на фоне политических и экономических перемен, оказывают огромное влияние на жизнь современного общества. По признанию специалистов, сохранение профессиональной компетентности в этих условиях, становится все более сложным. Во всех областях деятельности серьезную озабоченность вызывает профессиональное устарение. Особенно остро этот вопрос стоит в информационной индустрии, так как средства хранения и передачи информации развиваются в ускоренном темпе.

«В условиях стремительного развития информационной технологии и все более широкого применения ее в библиотеках недавнему выпускнику важно осознать, что многое из того, чему

он был обучен в профессиональной школе, вскоре устареет» - считает Дарлин Э. Уэйнганд. (4.с.61)

Если повышение квалификации проводится, как правило, по инициативе организации, заинтересованной в профессиональном росте своих сотрудников, то непрерывное обучение обычно осуществляется по инициативе индивидуума и мотивируется личной ответственностью каждого за повышение своих знаний и мастерства.

Назначение непрерывного профессионального образования состоит в том, чтобы ликвидировать разрыв между теоретической профессиональной подготовкой и требованиями, предъявляемыми к квалифицированному выполнению своей работы. Качество библиотечного обслуживания полностью зависит от квалификации персонала библиотеки. Поэтому как отрадное явление зарубежные и отечественные специалисты отмечают растущий интерес со стороны библиотекарей – практиков всех уровней к возможностям, предоставляемым в области непрерывного библиотечного образования.

Современные направления в деятельности библиотек, обусловленные изменением их социальных функций и интенсивным внедрением в библиотечную практику новых технологических достижений, в значительной степени изменили содержание программ и формы непрерывного библиотечного образования. По наблюдениям специалистов в девяностые годы прошлого столетия почти во всех странах наибольший интерес вызывали программы, предусматривающие обучение использованию новейших информационных технологий и освоению современных методов управления людскими ресурсами. В частности, в структуре Отдела образования и исследования ИФЛА в 1986г. был создан «круглый стол» по вопросам непрерывного профессионального образования - CPERT, на него возложено продвижение образования на ежегодных Генеральных конференциях ИФЛА, на которых обсуждение проблем в области непрерывного образования предполагается проводить каждые три – пять лет. Первое заседание «круглого стола» было проведено в 1986 г. в Токио, в 1993 г. – в Барселоне, в 1997 г. – в Копенгагене, в 2001 году – в Бостоне, где проблемы профессионального образования обсуждались под девизом: "Библиотеки и библиотекари: их значимость в век знаний".

Зарубежные специалисты считают наиболее популярными формами системы повышения квалификации и подготовки кадров

(СПКПК) семинары практического характера (workshops), их назвали предпочитаемой формой 52% респондентов исследования, проведенного среди сотрудников библиотечных управлений штатов США (в 1992г.). В числе других наиболее распространенных упомянуты: курсы – 16%, самообразование в домашних условиях – 16%, телеконференции – 12%, видеокассеты – 12%, аудиокассеты – 24%, использование кабельного телевидения в сочетании с передачей через спутник – 16%. (3).

В СПКПК зарубежных стран наряду с привычными для нашей страны формами повышения квалификации и переподготовки кадров (конференции, проблемные и рабочие семинары, публикации, деловые игры) широко используются нетрадиционные для нас формы: консультации и инструкции по телевидению, по электронной почте, на видео и аудиокассетах, телеконференции с использованием спутниковой связи, разработка готовых комплектов программ для самообразования и конечно, дистанционное обучение. За рубежом основными участниками процесса повышения квалификации и переподготовки кадров являются библиотечные ассоциации, учебные заведения, органы управления библиотечным делом, крупные издательские, книготорговые корпорации и частные коммерческие фирмы (производители баз данных). Ведущая роль среди них отводится библиотечным школам, располагающим необходимыми преподавательскими кадрами и соответствующим оборудованием для практических занятий. Профессорско-преподавательский состав этих учебных заведений понимает, что необходимо сохранять тесные контакты со всеми выпускниками и оказывать им действенную помощь и поддержку на протяжении всей профессиональной деятельности.

В нашей стране согласно Национальной программе по подготовке кадров непрерывное образование является основой системы подготовки кадров, приоритетной сферой, обеспечивающей социально-экономическое развитие Республики Узбекистан, удовлетворяющей экономические, социальные, научно-технические и культурные потребности личности, общества и государства.

В организации системы повышения квалификации и переподготовки библиотечных и информационных кадров принимают участие библиотечные ассоциации, органы управления библиотечным делом, библиотеки-методические центры. Особое место занимает Факультет повышения квалификации работников культуры ТашГИК им. А.Кадыри, открытый в январе 1995 года. За

эти годы на факультете повысили квалификацию около 1500 библиотечных работников различных категорий: директора библиотек, методисты, работники отделов обслуживания, комплектования и обработки, хранения.

В ФБ АН РУз, в результате реализации проекта «Модельная автоматизированная библиотека (МАБ) с учебным центром» в учебном компьютерном классе обучаются не только библиотекари НИИ Академии наук, но и других ведомств. Здесь они получают навыки работы с программой ИРБИС, работы в Интернет, с электронной почтой, по сканированию, распечатке на сетевом принтере и т.д.

На базе библиотеки Центрального института переподготовки и повышения квалификации работников народного образования проводятся курсы повышения квалификации для работников библиотек областных пединститутов и для методистов районных (городских) отделов народного образования.

Интересный проект реализовала Ташкентская областная библиотека «Турон» по теме «Региональное библиотечное неформальное научное общество (ННО) Узбекистана - развитие через обучение», в рамках которого проведено пять семинаров-тренингов с привлечением специалистов ведущих библиотек Узбекистана и ближнего зарубежья: «Новые формы работы библиотек в современных экономических условиях», «Как писать библиотечные проекты», «Фандрайзинг в библиотеке», «Управление деятельностью библиотечной ассоциации», «Новая библиотека для нового общества», а также проведена акция «Районная библиотека 21 века – информационный и культурный центр гражданского общественного диалога».

Большой резонанс не только в Узбекистане, но и за рубежом имели три Международные конференции «Central Asia» (Самарканд, Бухара, Ташкент) на тему: «Интернет и библиотечно-информационные ресурсы в науке, культуре, образовании и бизнесе», организованные Библиотечной Ассоциацией Узбекистана (БАУ), важно, что сообщения на них были опубликованы в сборниках материалов конференций.

Значительный вклад в СПКПК Узбекистана вносит Национальная библиотека Узбекистана им. Алишера Навои, которая организует и проводит республиканские семинары, конференции, а также круглые столы в рамках «Бетгеровских чтений», посвященные проблемам современного библиотековедения: «Инфор-

мационная деятельность библиотек: сотрудничество и взаимодействие» (2002), «Приоритеты библиотеки» (2003), «Проблемы активного и творческого использования ресурсов библиотек» (2004) и, безусловно, нынешнего заседания, посвященного проблемам подготовки, переподготовки и повышения квалификации библиотечных кадров Республики Узбекистан.

Как отрадное явление библиотечные специалисты республики считают создание при НБ Узбекистана Учебного Центра, который, надеемся, внесет коренные изменения в управление процессом непрерывного библиотечного образования в республике.

В течение многих лет существовало распространенное мнение, что получение основного профессионального образования может быть вполне достаточным для нормальной трудовой деятельности. «Это суждение и ранее не было верным, а сейчас тем более такая позиция является недальновидной и ошибочной» - утверждает Дарлин Э. Уэйнганд, и мы с этим согласны. Необходимость совершенствования системы непрерывного библиотечного образования очевидна. Анализируя тенденции развития непрерывного библиотечного образования за рубежом и в нашей стране мы пришли к выводу, что понятие этого явления несколько шире, чем трактуют его зарубежные специалисты. На наш взгляд СНКПК должна базироваться на единстве целей и задач всех этапов непрерывного образования и включать: профориентацию, профадаптацию, повышение квалификации и переподготовку. Исходя из этого положения, необходимо:

- создать Службу непрерывного образования (или другой координационный орган) возможно при Учебном центре (Центре информационных технологий и дистанционного обучения) НБ Узбекистана, организовав ее деятельность в соответствии с Руководством по обеспечению качества непрерывного образования для персонала библиотек и информационных служб;

- разработать и реализовать проект (грант) по проблемам непрерывного библиотечного образования в Узбекистане (по опыту российско – украинского проекта «Обучение обучающих»);

- подчеркивая важность обучения в течение всей жизни для всех работников библиотек предложить руководителям библиотек при решении вопросов о повышении размеров заработанной платы обязательно учитывать не только участие сотрудников в семинарах, курсах, конференциях и т.д., но и их умение применить новые знания и навыки на практике;

- важным стимулирующим фактором, побуждающим библиотечных работников повышать свою квалификацию может стать эффективная система признания и поощрения их усилий, позволяющая вести единый учет участия специалистов в различных формах повышения квалификации, используя опыт CLENERT (в частности справочник условий и критериев, содержащий 16 принципов применения зачетных единиц);

- расширить нетрадиционные формы повышения квалификации и переподготовки работников библиотек: телеконференции, рассылку учебных видеокассет, программ самоподготовки, использование кабельного телевидения, дистанционного обучения и т.д.;

- шире использовать возможности международной координации и сотрудничества в области профессионального образования, в частности ресурсов Интернет.

ЛИТЕРАТУРА

1. Вторая Международная Конференция «Перспективы непрерывного образования библиотекарей и информационных специалистов», 4-6 декабря 2001 г. Тезисы докладов / РБА; ВГБИЛ. – М., 2001.- 192с.

2. Концепция профессии библиотекаря и организации подготовки и переподготовки библиотечных кадров // Bibliothekar,1990. - №8. - С.445 – 462.

3. Пушкова С. В. Непрерывное образование библиотечных работников в США // Библиотековедение и библиография за рубежом. – М.: Книжная палата, 1991.- Вып. 128.- С. 60-71.

4. Управление современной библиотекой: Настольная книга менеджера. – М.: ОГИ, 1999.- С. 58-81.

Аракелов С.Р. – преподаватель кафедры
библиотековедения Ташкентского государственного института культуры им. А. Кадыри.

## ПРОБЛЕМЫ ПОДГОТОВКИ В СИСТЕМЕ ДОПОЛНИТЕЛЬНОГО ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Автор приводит размышления о перспективных методах использования дополнительной системы профессионального образования как подготовки хорошо образованных специалистов на местах в социально-культурной сфере.

Ижтимоий-маданий соҳадаги қўшимча касбий таълим муаммоларини ҳал қилиш тўғрисида фикрлар билдирилган. Кутубхоналар учун кадрларни қайта тайёрлаш муаммолари ўрганилган.

It is given the author's opinion about perspective methods of using additional professional system of education in the training of well-educated local specialists in a social cultural sphere

Сегодня, в век информатизации и новых информационных технологий, быстрых преобразований во всех сферах человеческой деятельности стало насущным поднять вопрос о реформировании и внедрении новых форм в систему повышения квалификации, которые в изменившихся экономических условиях оказались бы конкурентоспособными и востребованными специалистами, нуждающимися в профессиональном росте по избранной специальности или переквалификации. Национальная программа по подготовке кадров, одобренная Президентом Узбекистана И.А Каримовым, предполагает новый наиболее качественный подход к вопросу профессиональной квалификации современных специалистов и эффективного использования человеческих ресурсов в различных сферах. Таким образом, можно сказать, что имеются определённые объективные условия для появления новой формы в образовательной системе.

Современный рынок образовательных услуг показывает, что в системе дополнительного профессионального образования не только не исчезли, а наоборот, появилось множество новых организаций, учебных центров, которые взяли на себя эти фун-

кции. Опережающий характер практики привёл к тому, что ведущие библиотеки стали организовывать переобучение на своей базе, используя средства, полученные от международных организаций. К сожалению, всё это отрывочно, спонтанно, бессистемно и не имеет под собой ни научного обоснования, ни фундаментальных академических знаний.

Поиск новых возможностей привёл к созданию на базе Московского государственного университета культуры и искусств (МГУКИ) Института профессионального дополнительного образования (ИДПО).

Изучая опыт работы российских коллег над концепцией инновационной образовательной деятельности по переподготовке специалистов в социально-культурной сфере, можно увидеть, насколько успешно реализуется сегодня данная концепция: студенты библиотечно-информационных специальностей, например, имеют возможность обучиться специальности переводчика в сфере профессиональной коммуникации и получить, наряду с основным дипломом, диплом о дополнительном высшем образовании.

Наибольшей популярностью у студентов библиотечно-информационного факультета МГУКИ пользуются программы профессиональной переподготовки: «Социальная педагогика, психология», «Связи с общественностью», «Журналистика», «Реклама», «Дизайн», «Кадровый менеджмент», «Современные информационные технологии в библиотечной деятельности» Во всём мире работник библиотеки – полифункциональный специалист, и от того, насколько он сможет адаптироваться к сегодняшним реалиям, будет зависеть уровень его дальнейшего профессионального успеха.

Характерно то, что сегодня крупные библиотеки в состоянии пригласить специалиста, владеющего ПР-технологиями для продвижения библиотеки на информационный рынок, но все эти услуги не из дешёвых и носят разовый характер. Поэтому несомненный успех ожидает библиотеку, в которую придёт работать выпускник института культуры, получивший, помимо степени бакалавра по направлению «Библиотековедение и информационные системы» также диплом о профессиональной переподготовке по программе «Связи с общественностью». Данный специалист в полном объёме сможет использовать ПР-технологии для повышения общественного статуса и эффективности работы библиотеки.

Опыт работы МГУКИ показывает, что для тех, кто уже давно закончил вуз, имеются прекрасные возможности и спектр их даже более широк, чем для студентов, так как мотивация к обучению и переобучению у работающих специалистов выше, чем у выпускников, не имеющих практического опыта.

Данная категория обучающихся отдаёт своё предпочтение современным «престижным специальностям» - «Финансовый менеджмент», «Правовое обеспечение социально-культурной сферы». В Институте дополнительного профессионального образования (ИДПО) МГУКИ можно получить второе высшее образование, диплом магистра, а также пройти курсы повышения квалификации. Студентам, успешно обучающимся в университете, представляется возможность параллельного обучения второй специальности. Имеются программы обучения для всех, кто желает получить второе высшее образование. Также институт осуществляет большую образовательную работу по переподготовке специалистов в сфере культуры и искусств. Интересен и тот факт, что наряду с изучением специальных дисциплин, преподаватели осуществляют и психологическую поддержку студентов, снижающую действие негативных факторов, влияющих на личность, мешающих реализоваться в полной мере в профессиональной сфере.

Выпускники ИДПО МГУКИ выполняют проекты по программе социокультурного проектирования. Например, был разработан проект в области библиотечно-информационной деятельности «Престижная реклама в структуре маркетинговой деятельности современной библиотеки» и подготовлена Программа развития и становления многофункционального комплекса «Детство», автором которой явился зав. отделом информатизации областной детской библиотеки.

Также специалистами-преподавателями подготовлены новые перспективные программы профессионального дополнительного образования, которые, несомненно, могут быть интересны современным специалистам библиотек: «Современные информационные технологии в библиотечной деятельности», «Менеджмент в библиотечной деятельности», «Библиотечная работа с детьми и юношеством: международный подход».

Анализируя опыт российских коллег по осуществлению организации и внедрения концепции инновационной образовательной деятельности по переподготовке и повышению квалификации специалистов в социально-культурной сфере можно отме-

тить ряд положительных позиций для применения их в отечественной практике системы высшего образования, в частности, дополнительного профессионального образования. Хотелось бы более детально рассмотреть эту концепцию через призму современных требований, предъявляемых временем, обозначенным ИФЛА-2004 переходом от «информатизации к знаниям». В национальной программе по подготовке кадров в республике прослеживается глубокий интерес и обеспокоенность государства в повышении эффективности образовательного уровня специалистов системы высшего образования и их дальнейшая профессиональная деятельность. Какой же ожидаемый прогноз можно смоделировать в перспективе от применения на практике системы профессионального дополнительного образования в Ташкентском государственном институте культуры им. А.Кадыри.

1. Увеличится конкурентоспособность молодых специалистов на рынке образовательных услуг.

2. Востребованность полифункциональных специалистов в социально-культурной сфере и не только.

3. Поднимется имидж и статус института у заказчиков образовательной продукции и государства.

4. Молодые специалисты, соответствующие предъявляемым требованиям будут востребованы ещё до окончания вуза, т.е. привлекаться к проектам предприятий, организаций, учреждений различных форм собственности.

5. Привлечение профессорско-преподавательского коллектива, научно-педагогического потенциала института к государственным и международным программам в социально-культурной, информационной сферах.

Это всего лишь первичный поверхностный обзор того, что даёт высшему учебному заведению применение инновации в образовательной системе. Почти восьмилетний опыт ИДПО МГУКИ показывает высокую эффективность данной формы, конкурентоспособность выпускаемых специалистов, позитивную оценку созданной принципиально новой модели профессиональной подготовки и переподготовки кадров со стороны заказчиков образовательных услуг и государства.

Завершение второго этапа Национальной программы по подготовке кадров и переход к третьему (2005 и последующие годы) характерен совершенствованием и дальнейшим развитием системы подготовки кадров на основе анализа и обобщения накоплен-

ного опыта, в соответствии с перспективами социально-экономического развития страны. Повышение квалификации и переподготовка кадров направлена на обновление и углубление профессиональных знаний и навыков специалистов. Для организации и развития системы повышения квалификации и переподготовки кадров необходимо сформировать новую структуру и содержание деятельности системы повышения квалификации и переподготовки кадров и управления ею, что соответствовало бы потребностям государственного и негосударственного секторов экономики, организаций и учреждений различных форм собственности.

Безусловно, данная проблема актуальна и привлекает внимание всех заинтересованных лиц. Ведь сегодня перед специалистами библиотечно-информационной сферы, как практиками, так и теоретиками, стоят нелёгкие вопросы о будущем библиотечной профессии, каким должен быть и какой специалист нужен библиотеке XXI века. Что нам сегодня нужно предпринять, чтобы завтра наш выпускник был не только востребован как высококвалифицированный специалист, но и смог быть успешным, применяя знания, умения и навыки, полученные в период обучения в институте.

Расулов М.М. - Абдулла Қодирий номидаги
Тошкент Давлат маданият институти доценти,
педагогика фанлари номзоди.

## КУТУБХОНАЛАРДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТГАН КУТУБХОНА ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ МУАММОЛАРИ

Кутубхоначи кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, уларнинг касбий билимлари ва кўникмаларини ривожлантириш ҳамда чуқурлаштириш масалалари ёритилган.

Автор рассматривает проблемы переподготовки библиотечных кадров с целью повышения уровня библиотечного обслуживания и деятельности библиотек.

The author considers problems of retraining of the library staff with the purpose of increase of a level of library service and activity of libraries.

Маълумки бугун Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши, жамиятнинг маънавий янгиланиши, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қурмоқда.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этилишини зарур қилиб қўйди.

Жамият тараққиётида аста- секинлик билан кутубхоналар мавқеининг тиклана бориши, аҳолисининг ахборотларга, китоб, газета, журналларга бўлган эҳтиёжини орта бориши кутубхона ходимларининг зукко, билимдон бўлишларини тақозо этмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида 17 мингга яқин оммавий универсал, махсус, турли ташкилотларга қарашли кутубхоналар фаолият кўрсатиб турибди.

Кутубхоначи кадрларнинг сони 23 минг кишини ташкил этади, улардан 26% олий махсус маълумотга, 47% ўрта махсус маълумотга эга.

Жамият тараққиётининг тез суръатлар билан ривожланиши, кутубхоналар иш фаолиятига аста-секинлик билан булсада янги технологияларнинг кириб келиши, кутубхоналарда фаолият олиб бораётган кутубхона ходимлари режа асосида малакаларини ошириш ва қайта тайёрлашни тақозо этмоқда.

Хуш бугун Узбекистон Республикасида кутубхона ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш қай йусинда амалга оширилмоқда?

Тарихга назар ташласак Маданият ходимлари шу жумладан кутубхона ходимларининг малакасини ошириш собиқ «шуролар» тизими шароитда ҳам долзарб булганлиги билан ажралиб туради.

1975 йили Республика Маданият ходимларининг малакасини ошириш институтининг ташкил этилиши йилига 450-500 та кутубхона ходимларининг малакасини оширганлиги, 1987 йилга келиб бу институт Республика маданият ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтига айлантирилганлиги ва йилига 1000-1200 та кутубхона ходимларини малакасини оширганлиги бизга маълум.

1992 йилга келиб Республика маданият ходимларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти тугатилиб кутубхона, клуб ходимларининг малакасини ошириш А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтига, мусиқа йуналиши ходимлари, мусиқа мактаблари уқитувчиларини малакасини ошириш Тошкент Давлат консерваториясига, театр ходимларини малакасини ошириш М.Уйғур номидаги театр-санъат институтига малака ошириш факультетлари сифатида тақсимлаб берилди.

Ҳозирги кунда кутубхона ходимларини малакасини ошириш билан А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг малака ошириш факультети шуғулланиб келмоқда. Ушбу факультет кутубхона ходимларини табақалаштириб уқитишга, укув режаларни замон талабларидан келиб чиқиб янгилашга, дарсларга назариётчи профессор уқитувчилари билан бирга амалиётчиларни таклиф этишга ҳаракат қилмоқда. Бу кутубхона ходимларининг малакасини ошириш анча сифатли амалга оширилаётганлигидан далолат беради.

Бизнингча кутубхоначи кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни такомиллаштириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

— кутубхоначи кадрларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни янгича таркиб, мазмун асосида ташкил қилиш ҳамда бу

тизимни бошқаришни шакллантириш, эътиборни қаратиш;

— кутубхоначилик соҳаси бўйича малакали ўқитувчи-мутахассис кадрлар тайёрлаш ва соҳани улар билан мунтазам тўлдириб бориш;

— А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси қошида кутубхоналар раҳбар ходимлари малакасини ошириш курсларини ташкил этиш.

— кутубхоналарда фаолият олиб бораётган кутубхона ходимларини давлат аттестацияси ва аккредитациясидан ўтказиш тизимини ишлаб чиқиш;

— бозор иқтисодиёти шароитига ўтилиши муносабати билан кутубхоналарга менежмент, маркетинг асосларини пишиқ пухта ўргатиш.

— замон талабларидан келиб чиққан ҳолда профессионал тренинг илғор технологияни ишлаб чиқиш, яратиш ва амалий узлаштириш ва ҳоказолар;

Бердиева З.Ш. - Абдулла Қодирий номидаги
ТДМИ асосий кутубхонаси раҳбари, "Библиография ва ҳужжатшунослик" кафедраси
катта ўқитувчиси.

## АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИДА КУТУБХОНАЧИ ХОДИМЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти қошидаги кутубхоначилар малакасини ошириш факультети фаолияти тўғрисида маълумотлар берилган.

Приводятся данные о деятельности факультета повышения квалификации библиотечных кадров при Ташкентском государственном институте культуры им. А. Кадыри.

It is cited data about professional skill improvement faculty activity for library human recourses in Tashkent State Institute of culture named after A.Kadiri.

1994 йил Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги қошидаги Малака ошириш институти тугатилиб, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти негизида Маданият ходимларининг малакасини ошириш факультети ташкил этилди. Шундан буён ҳар йили 400-600 та тингловчи малака оширишга келиб билим олади ва уларга буни тасдиқловчи тегишли ҳужжат –сертификат берилади.

Маълумки, мамлакатимизда узлуксиз таълим тизими мавжуд. Булар – мактабгача тарбия, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими, олий таълим, магистратура, аспирантура, докторантура, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимларидир.

Шулардан энг муҳими малака ошириш тизимидир. Чунки, ҳар бир инсон маълум бир пайтда ўрта махсус ва касб–таълим тизимида, олий ўқув юртларида олган билимларини мустаҳкамлаб, чуқурлаштириб боришлари керак. Бу тўғрисида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да ҳам таъкидланади. "Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларидаги ўқиш натижаларига кўра давлат томо-

нидан тасдиқланган намунадаги гувоҳнома ва сертификат топширилади". Дастурда малака оширишни ташкил этиш учун зарур тадбирлар ҳам курсатилган.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти жамоаси ҳам кадрлар малакасини ошириш борасида анчагина муҳим ишларни амалга ошириб келмоқда. Малакали профессор-уқитувчилар, олимлар дарс бераяпти. Факультетда олий ва урта махсус тизимидаги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги, мактаб кутубхоналарининг ходимлари ҳам малака оширмоқдалар.

2004 йилдан бошлаб биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизими билан ҳамкорлик ишлари олиб борилмоқда. Мудофаа вазирлиги тизимида 90 та кутубхона мавжуд булиб, шу пайтга қадар уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш борасида жиддий иш олиб борилмаган эди. Эндиликда Вазирликнинг ҳозирги раҳбариятининг ташаббуси, интилиш ва қизиқишлари, кутубхоначилик соҳасига булган эътибори туфайли кутубхона ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини ҳамкорликда олиб бормоқдамиз. Институтимиз кутубхонаси негизида кутубхоначи ходимлар малакасини ошириш борасида институтимизнинг малакали профессор-уқитувчилари ижтимоий-сиёсий соҳада, касбимиз доирасидаги мутахассислик фанлари юзасидан назарий, амалий, лаборатория ва мустақил иш машғулотлари олиб борилаяпти. Тингловчилар 15 кун мобайнида уз билимларини оширмоқдалар. Машғулотлар йирик бир тадбирни мустақил тайёрлаш ва утказиб бериш билан якунланади. Кутубхонада утказиладиган оммавий ишлар буйича машғулотлар якунида бир сафар Зулфия мукофотига номзод, шоира, жамоатчи ва аълочи, энг муҳими институт кутубхонасининг фаол китобхони Дилбар Саидова, бир сафар магистрант Рустам Амиров билан китобхон бенефиси тадбири утказилган булса, яна бир сафар ҳозирги замон ёшларининг маънавий қиёфасини шакллантиришга ёрдам берувчи, ҳаётимиздаги иллатларни фош қилувчи, ёшлар орасида учраб турадиган айрим хунук хатти-ҳаракатларни қораловчи материаллар асосида "Билмайин босдим тиконни" номи билан журнал конференцияси утказилди. Бунинг учун республикамизда биринчи марта эркаклар учун янги ташкил этилган "Ворис" журнали танлаб олинди. Бунинг яна бир мақсади шу журнални реклама қилиш, китобхонларга таништиришдан иборат эди. Ҳар учала тадбир ҳам тингловчиларда, ҳам китобхонларда жуда яхши таассурот қолдирди. Тингловчилар эса амалда бажариши мумкин булган тадбирлар методикасини мукаммал урганиб олдилар. Албатта, 15 кун муддат жуда қисқа, тингловчиларга ҳамма йуналиш буйича билим бериш учун етарли эмас деб уйлаймиз.

Дарслар жами 72 соатга мулжалланган. Бундан ташқари ҳарбий қисм командирларининг тарбиявий ишлар буйича уринбосарлари учун 76 соатга мулжалланган дарс машғулотлари ҳафтада 2 соатдан олиб борилмоқда. Бу ишларимизнинг ҳаммаси 2004 йил Мудофаа вазирлиги тизимидаги маданият уйлари, клублар ва маданият саройлари ҳамда кутубхона раҳбарлари ва ходимлари учун утказилган 3 кунлик семинар натижасида ташкил этилди. Бунинг учун Мудофаа вазирлиги раҳбарияти билан институт раҳбарияти уртасида шартнома тузилди. Тегишли харажатлар аниқланиб, Мудофаа вазирлиги томонидан маблағ утказилди. Бундан ташқари барча тизимдаги кутубхона ходимларига ҳам янги замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда пуллик хизмат курсатиш усуллари, бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш, четдан маблағ топиш йуллари ва шакллари ҳақида назарий ва амалий машғулотлар олиб борилмоқда. Укув кутубхоналари ишни ташкил этиш, янги кутубхона библиография жадваллари асосида кутубхона фондини илмий таҳлил қилиш каби йуналишларда ҳам дарслар олиб бориляпти.

Машғулотларни утиш жараёнида институт кутубхонасида мавжуд 6 та компьютер ва ташкил этилаётган ИРБИС дастуридаги электрон каталог маълумотларидан фойдаланилади.

Мудофаа вазирлиги билан институт уртасидаги ишларимиз энди бошланди. Бундан кейинги ҳамкорлигимизни мустаҳкамлаш учун дастурлар тузиб, шу асосда укув қулланмалари яратиш режаларимиз бор.

Урта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимидаги коллеж ва лицейларни ривожлантириш институти билан ҳам ҳамкорлик ишларини олиб бормоқдамиз. Коллеж ва лицей директорларининг маънавий ишлар буйича уринбосарларига кутубхоначилик иши буйича дарслар белгиланди. Бунда биз асосий эътиборни замонавий кутубхоналарнинг иш йуналишлари, вазифалари ва кутубхоначига қуйилаётган талаблар, унинг имиджи ҳақидаги масалаларга қаратмоқдамиз. Уша институтнинг марказий кутубхонаси билан ҳамкорликда коллеж ва лицейлар кутубхоналари учун услубий ва библиографик қулланмалар яратиш, услубий ва амалий ёрдам бериш, улар учун семинарлар, анжуманлар, қисқа курслар ташкил этиш режалаштирилди. Мақсадимиз республикамиз кутубхоналарининг ва кутубхоначи ходимларнинг имиджини кутариш, уларнинг аҳоли ва жамоатчиликка таъсирини ошириш, кишиларда кутубхоналар ва кутубхона ходимлари ҳақидаги ижобий фикрни, тасаввурни бойитиш, жамият ҳаётида кутубхоналар ва кутубхоначилар урнининг беқиёс эканлигини курсатиб бериш ва бунга ишонтиришдан иборат. Зеро, кутубхонасиз, китобсиз жамиятнинг тараққиётини, келажагини тасаввур этиб булмайди.

Алимова О. - Тошкент маданият коллежи
"Кутубхонашунослик ва библиография"
кафедраси мудири

# ЎРТА МАХСУС МАЪЛУМОТЛИ КУТУБХОНАЧИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ҲОЗИРГИ АҲВОЛИ.

(Тошкент Маданият коллежи мисолида)

Тошкент маданият коллежининг 70 йиллик фаолияти тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Кичик кутубхоначилар тайёрлаш соҳасининг бугунги куни ва эртаси тўғрисидаги фикрлар баён қилинган.

Кратко рассматриваются вопросы подготовки библиотекарей в Ташкентском колледже культуры. Освещается история деятельности колледжа культуры и его роль в подготовке специалистов для массовых библиотек республики на современном этапе.

It is briefly considered questions of librarians' education in the Tashkent College of culture. It is covered the history of college of culture and its role in preparation of exproets for mass libraries of republic at the present stage.

Ўрта Осиёликлар ва чет элликлар учун яхши таниш бўлган Тошкент маданият коллежи узоқ тарихга эга. 1937 йили Тошкент шаҳрида кутубхоначи кадрлар тайёрлаш мақсадида маданият техникуми ташкил этилади. Чунки, шунга қадар кутубхоначилик бўйича аввал Самарқанд шаҳрида 1926 йилдан бошлаб 6 ойлик курслар ташкил этилган эди, кейинчалик бу курслар Тошкент шаҳрига кўчирилади. Тошкент шаҳрида 6 ойлик курс ишини давом эттириб, 1937 йилдан Тошкент маданий-оқартув техникумига айлантирилади. Демак, касбга бўлган талаб шу даражада кучли бўлган эканки, маданий-маърифий ишларнинг бир булаги сифатида қаралган кутубхоначилик соҳасига ҳам эътибор берилган. Ўзбекистон бўйлаб кутубхоначилик касбини ҳам бошқа соҳалар каби эъзозлаб келганларни коллежга қабул пайтида абитуриентлар сонининг 300-400 дан ошиб кетаётганлиги ҳам кўрсатади. Шуларнинг тенг ярми ўқишга кириб, битириб чиқади. Мамлакатимиз аҳолисининг ўқимишли китобхон ва зиёли бўлиб етиши-

шида кутубхоналарнинг ўрни беқиёс эканлигини бугунги кунда халқимизнинг саводхонлик даражаси юқорилигидан ҳам билсак бўлади. Демак, кутубхоначилар энг оғир масъулиятли ишни буйинларига олиб хизмат қилишларида инсоният яратган бойликларни асраш, халққа етказа билиш, ташкилотчилик вазифалари туради. Бизнинг коллежимиз аввало уз соҳасини пухта билган фидойи, кенг қамровли билимга эга булган кутубхоначи кадрларни етиштирган. Кутубхоначилик булимида уқиётган талабаларимиз, бир эмас ҳаттоки сулолани давом эттираётганларини биламан.

Тошкент Маданият коллежини 6000 дан ортиқ мутахассис битирган булиб, улар Республикамиздан ташқарида Россия, Қозогистон, Қирғизистон, Нигерия, Монголия, Никарагуа, Куба ва бошқа мамлакатларда касби буйича ишлаб келмоқдалар.

Тошкент Маданият коллежида кутубхоначилик, ахборот технологияси, библиография, кутубхона фонди ва каталоглари ва бошқа фанлардан йирик уқитувчилар дарс утиб келмоқдалар.

Айниқса, кутубхонашунослик фанининг тараққий этишида анчагина силжишлар бўлди. Ўқув режалари ва шу асосда уқув дастурлари қайтадан яратилди. Кутубхонашунослик фани буйича А.Алимова муаллифлигида ва З.Бердиева муҳаррирлигида 3 жилдлик дарслик биринчи марта узбек тилида, лотин ёзувида 36, 7 босма табоқ ҳажмда нашрдан чиқди. Бу дарсликда замонавий талаблар асосида сиёсий, ижтимоий, миллий мафкуравий масалалар ҳам кутубхоналар фаолиятига боғлиқ ҳолда ёритилган. Тошкент давлат маданият институти уқитувчилари ёрдамида коллежлар учун "Кутубхона фондларини ташкил этиш", "ҳужжат фондлари", "Китобхон ва ёш китобхон", "Оммавий кутубхоналар учун кутубхона – библиография классcификация" жадвали яртилди.

Кадрларни тайёрлашда замонавий ахборот технологияларидан сабоқ бериш ҳам йулга қуйилмоқда. Кутубхоналар ишини автоматлаштириш, Интернет тизимидан фойдаланиш каби курслар юзасидан уқув режасига узгартиришлар киритилди ва дастурлар ишлаб чиқилиб, вазирликка тасдиқлаш учун жўнатилди. Тошкент Маданият коллежи республикамиздаги барча коллежлар учун ўқув-услубий марказ вазифасини ҳам бажариб келмоқда. Ўқув режалари тузиш ва уқув дастурлари тайёрлашда асосий раҳбарлик фаолиятини олиб боради.

Келгуси вазифаларимиз уқув дастурлари асосида янгидан янги уқув қулланмлари тайёрлаш ва чоп этишдан иборат.

2003 йил коллеж қайтадан таъмирланди. 2004 янги уқув йили-

дан 2 та бино фойдаланиш учун топширилди. 2005 йил 1 декабрдан 3-бино ва ошхона ҳам фойдаланишга туширилди. Ошхонада ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш тизими талабалар учун анча арзонлаштирилди. Ўқиш-урганиш учун ҳамма шарт-шароит мавжуд. Коллеж кутубхонаси янги адабиётлар билан мунтазам тулдириб борилмоқда. Шу йилдан бошлаб синфхоналар, булимлар компьютерлаштирила бошланди. Машғулотлар компьютер ёрдамида олиб борилмоқда.

Мутахассисларнинг маънавий ва сиёсий билимларини такомиллаштириш борасида етук ўқитувчилар турли ижтимоий-сиёсий фанлардан дарс бериб келмоқда. " Кутубхонашунослик ва библиография" кафедраси қошида "Зиёкор" тўгараги иш юритади. Бу тўгарак ишининг мақсади зиёли жонкуяр, филойи кутубхона ходимларини тайёрлашда ёрдамлашишдан иборат.

Ниёзова Э.Н. - «Кутубхонашунослик»
кафедрасининг катта ўқитувчиси.

# ЎҚИШ ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўқиш психологияси тарихи, фан сифатида тараққий этиши, муаммолари, китобхонлар қизиқишини урганиш тўғрисида маълумотлар берилган. Уни бошқа фанлар билан боғлиқлиги шунинг билан бирга ўқиш фаолияти давомида шахс камолотини ривожлантириш муаммоларини ҳам акс эттирилган.

Сделан обзор истории образования как науки, проблем читательской психологии, изучения интересов библиофилов, и их связь с другими науками и проблемами развития человеческой личности во время чтения.

It is given the review of history, foudation as subject, the problems of reader's psychology, the study of bibliophiles' interests, and its connections with other subjects and the problems of development of person during the reading.

Ҳозирги кунга келиб китобхонлар билан мулоқот қилишда, аввало, уларнинг психологиясини урганиш ва уларга бевосита психологик томондан ёрдам беришни давр тақозо этмоқда.

Маълумки, психология термини XVI асрда пайдо бўлиб, XVIII аср урталаридан кенг ишлатила бошланди. XIX асрда психология мустақил фан сифатида шаклланди. Аслида инсон психикасини (руҳиятини) урганишга жуда қадим даврларданоқ ҳаракат қилинган. Қадимги Ҳиндистон, Хитой, Миср, Юнонистон каби мамлакатларда руҳий ҳолат ҳақида илк фикрлар илгари сурилган эди.

Урта Осиёлик мутафаккирлар Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний ва бошқаларнинг руҳий олам ҳақидаги таълимотлари ҳам диққатга сазоворлир.

Психология фан сифатида тараққий этиши билан кейинчалик мустақил тармоқларга бўлина бошлади. Жумладан, китобхонлар психологияси ва педагогик психология. Улар бир—бири билан узвий боғлиқ булиб, китобхонлар психологиясининг тараққиёти,

ёш хусусиятлари, таълим–тарбиявий психология каби масалаларни урганади.

Ўқиш психологияси ва китобхонлар қизиқишининг куплаб муаммоларини ечиш, аслида ўқиш асосларининг назариясини қанчалик ишлаб чиқилганлигига боғлиқ, уқиш – бу социал ва психологик–педагогик таъсир объекти бўлиб, кўплаб фанлар, жумладан, философия, социология, психология, педагогика, тилшунослик, кутубхонашунослик фанларини қизиқтиради.

Ҳозирги кундаги ўқиш муаммосининг таҳлилида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: *«китобхон фаолияти», «китобхон мулоқоти», «китобхон психологияси», «китобхон шахси», «китобхон тафаккури ва камолоти»*. Шуни қайд этиш керакки, **«фаолият», «мулоқот», «тафаккур», «шахс», «камолот»** ва бошқа сифатлар психологик илмлар тизимида асосий ўринни эгаллайди. Бинобарин, психология ўқиш илмида ҳал қилувчи омил бўлиб ҳисобланади, чунки ўқиш биринчи навбатда социал–психологик ва психологик–педагогик таъсир сифатида кўриб чиқилади. Шундан келиб чиқиб, ўқишни яхлит психологик умумийликда ўрганиш лозимлиги масаласи юзага келади ва умумий ўқиш моделини ишлаб чиқиш керак бўлади.

Жамият билан доимий муносабатни ушлаб турувчи, ўз-ўзини англаб, ҳар бир ҳаракатини мувофиқлаштирувчи шахсга хос бўлган энг муҳим ва умумий хусусият–бу унинг фаоллигидир. Шунинг учун ҳам психологияда шахс, унинг онги ва ўз-ўзини англаши муаммолари унинг фаоллиги, у ёки бу фаолият турларида иштироки ва шу каби сифатлари орқали баён этилади.

Ўқиш фаолияти шахс камолотида катта роль ўйнайди. Бу шундай фаолликки, унинг жараёнида билимлар, малака ва турли кўникмалар ўзлаштирилади. Шу ўринда «Китобхон фаолияти» категориясининг умумий бўлган жиҳатларини кўриб чиқишга тўғри келади.

*Биринчидан*, айнан китобхон фаолиятидаги турли илмий интизом жараёнларини куриб чиқиш мумкин. Чунки китобхон фаолиятини ўрганиш, китобхон онги ёки шахсини аниқлашдан кўра муҳимроқдир.

Масалан, кутубхона–библиографик билимлар томонидан асосан, талаблар ва қизиқишлар талаблар варақаси таҳлили орқали, мавзулар бўйича ўқилган китоблар эса адабиётлар турлари ва бошқа социал–демографик кўрсаткичларга боғлиқ ҳолда аниқланади ва ўрганилади. Шу билан бирга, айтиш лозимки, китобхон шахси-

нинг тафаккурида талаблар ва қизиқишларнинг социал–психологик механизми шаклланиши кам урганилган. Китобхон фаолиятининг муҳим томонларини очиб бериш билан китобхон психологияси, китобхон шахси, китобхон мулоқоти ва камолотини ҳам у ёки бу уринда урганишга имкон яратилади.

Иккинчидан, «китобхон фаолияти» категориясига алоҳида урғу беришимизнинг сабаби шундаки, ҳар қандай категория ҳам фалсафий маънода қаралганда якка ҳолда эмас, балки бошқа категориялар билан узаро ҳамкорликда куриб чиқилади. Бундан ташқари, психологик таълимда шахс тафаккурининг бирлиги ва фаолияти, китобхон фаолиятини китобхон шахси ва унинг тафаккури билан узаро ҳамкорликда, узаро келишилган ҳолда куриб чиқишга имконият яратади. Шунинг билан бирга «китобхон психологияси», «китобхон шахси» ва «китобхон фаолияти» категорияларини бир–биридан ажратмаган ҳолда, уларни биргаликда куриб чиқиш ва урганишда китобхон фаолиятига купрок эътибор беришни талаб қилади. Бироқ «фаолият»нинг урни тафаккурга ҳам, шахсга ҳам, фаолият тузилишига ҳам бир вақтда тегишлидир.

Юқорида баён этилган фикрлар шуни курсатадики, асосий тушунчалар интеграцияси ва уқишни бутун бир куриниш сифатида тавсифлаш фақатгина уқишни аниқлаш асосида ва китобхон фаолиятининг умумий модели билан, уқишнинг социал–психологик куриниш таҳлилида қулланиладиган индуктив ва дедуктив йуллар орқали мумкин булади.

«Ўқиш»нинг мураккаб ва куп қирралиги унга берилган турли тушунчаларда уз аксини топган. Бу тушунчаларни шартли асосда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчиси–психологик йуналиш булиб, уқиш–бу психологик фаолиятнинг мураккаб куриниши, матнни узлаштириш ва қайта ишлаш жараёни натижасида уни англаб етишдир.

Иккинчи гуруҳ уқишга фаолиятини кенг маънода тушуниб, уқишнинг социал функцияларини белгилаб беради. Бунда фақат битта функция ажратиб курсатилади (билиш, маълумот талаби, ахборот қидирув ва бошқалар), шунингдек, китобхон фаолиятининг мақсади-фақат матнларда ёзилган маълумотларни ёки билимларни олишдир.

Уқишга берилган тушунчаларнинг иккала гуруҳи ҳам бир томонлама ва қисқа тарзда баён қилингандек тасаввур ҳосил қилади, чунки уқишни фаолият сифатида тан олган ҳолда, биринчидан, уни тушунишда умумфалсафий томондан қараш лозим. Бош-

қача қилиб айтганда, фаолият доимо инсон фаоллиги билан, унинг онгли ҳолда уз олдига қуйган мақсадларига эришиш талабларини қондиришга боғлиқдир.

Ҳар қандай фаолият замирида, шунингдек, китобхон фаолиятида ҳам биринчи уринда эҳтиёж ётади. Бундан шу нарса аёнки, матн орқасида ҳаққоний, объектив олам тушунчаси туради, инсон уни уқиш жараёнида эгаллайди. Ушбу методология орқали китобхон фаолиятини қуйидагича белгилаш мумкин. *Уқиш–бу фаолиятнинг билиш, урганиш, илм олиш куринишидир, бунинг замирида фаоллик, мақсад сари йуналтирилган уқиш ва социал субъектнинг турли эҳтиёжларига қараб матндаги маълумотни эгаллаш ётади.*

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, китобхон фаолиятининг умумий моделини ишлаб чиқиш билан боғлиқ булган баъзи масалаларни куриб чиқиш мумкин. Кейинги йилларда уқиш назариясида, уқишни даврларга ажратиш йуналиши кузатилмоқда. Масалан, айрим жойларда уқишни уч даврга булиб урганишмоқда.

Кутубхоналар кундан-кун такомиллашиб, ижтимоий хизмат курсатишнинг ташкил этилиши билан китобхон психологияси муаммосига булган қизиқиш яна орта бошлади. Бунинг кенг тус олиши охирги йилларда купроқ ривожланди, чунки мамлакатнинг мустақиллик йулига кириши билан, ижтимоий узгаришлар туфайли психологларнинг маслаҳатларига булган талаб усди. Масалан, Ўзбекистон Давлат Болалар кутубхонаси базасида «Консультант» кутубхонаси ташкил этилди. Бу психологик йуналишдаги биринчи хизмат курсатиш булиб, унда бошқа укув курслари қаторида ижтимоий ва психологик курслар ташкил этилиб, хизмат курсата бошлади. Шунингдек, болаларнинг узини қизиқтирган саволларга жавоб олиши, психологик муаммоларни ечишда ёрдам курсатиш учун «Развитие» усмирлар клуби ишга тушди. Қисқаси, уқиш психологияси ҳозирги кунда долзарб булган муаммолар сирасига киради. Бу нарсаларни келажакда чуқур тадқиқ этишга эҳтиёж сезилмоқда. Ўйлаймизки, мазкур муаммолар жиддий тадқиқотлар натижасида уз ечимини топади.

Шокиров Т. - А.Қодирий номидаги
Тошкент давлат маданият институти
«Кутубхонашунослик» кафедраси
катта ўқитувчиси

# РЕСПУБЛИКА КУТУБХОНАЛАРИ УЧУН КУТУБХОНАЧИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МУАММОЛАРИ

Тезисда кутубхоначи кадрларни тайёрлаш муаммолари ҳақида сўз боради. Таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида» қонунлар қабул қилинганлиги ва бугунги кунда кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мос равишда кутубхоначилар тайёрлаш муаммолари ёритилган.

В тезисах рассматривается ряд вопросов выявляющих проблемы подготовки библиотечных кадров, предложены рекомендации для решения этих проблем.

In the theses it is considered some questions revealing problems of preparation of the library staff and also it is given recommendations for solving these problems.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг кадрлар тайёрлаш масаласи давлат аҳамиятига молик бўлган масалалардан бирига айланди. Шу муносабат билан таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида» қонунлар қабул қилинди ва бугунги кунда бу дастурлар босқичма-босқич бажарилиб келинмоқда. Ўз навбатида Республикамизда «кутубхоначи» кадрларни тайёрлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолмади.

**Республикамизда «кутубхоначи» кадрлар тайёрлаш.** 1958 йилда Қўқон педагогика институтида «Кутубхонашунослик ва библиография» кафедраси ташкил этилди. Кутубхонашунослик факультетининг 1960 йил Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтига ўтказилиши муносабати билан «Кутубхонашунослик ва библиография» кафедраси ўз фаолиятини давом эттирди.

Кафедрага дастлаб З.А.Николаева бошчилик қилди. 1963 йилдан бошлаб филология фанлари номзоди А.П.Кременцов раҳбарлик қилди. 1966 йилдан бошлаб «Кутубхонашунослик ва библиография» кафедралари мустақил фаолият кўрсата бошлади. 1966 йил-

дан 1994 йилга қадар, тарих фанлари доктори, профессор О.Г.Қосимова раҳбарлик қилди. 1994—2001 йилларда педагогика фанлари номзоди, доцент М.М.Расулов, 2001-2003 йилларда кафедрага филология фанлари номзоди, доцент С.Х.Давлатов раҳбарлик қилди. 2004 йилдан бошлаб кафедрага педагогика фанлари номзоди, доцент М.Х.Махмудов раҳбарлик қилмоқда.

1974 йилда Тошкент Давлат Маданият институтининг ташкил этилиши «Кутубхонашунослик» кафедрасининг такомиллашувига сабаб булди. Ундан қуйидаги кафедралар ажралиб чиқди. «Кутубхона фонди ва каталоглари», «Болалар адабиёти ва болалар билан ишлаш», «Информатика ва техника воситалари».

Бу йиллар давомида қатор укув қулланмалари, дарсликлар, ўқув дастурлари яратилди. Жумладан: «Ўзбекистонда кутубхоначилик иши тарихи», «Ўзбекистонда кутубхоначилик иши», «Умумий кутубхонашунослик». Булардан ташқари кафедранинг укув предметлари буйича: «Кутубхона иши назарияси ва тарихи», «Истеъмолчига хизмат курсатиш», «уқиш психологияси», «Архив иши назарияси ва тарихи», «Кутубхона менеджменти ва маркетинги», «Иш юритиш» ва бошқалар буйича дастурлар, услубий қўлланмалар ишлаб чиқилди.

Республикамизда кутубхоначи кадрларни тайёрлаш сифатини яхшилаш ҳамда назарий билимлар билан амалиётни қушиб олиб бориш мақсадида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фундаментал кутубхонаси, Республика болалар кутубхонаси, Республика Давлат архивлари ва бошқа ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилди, шартномалар тузилди.

Кутубхоначи кадрларни тайёрлашда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда бизнингча қуйидагиларга асосий эътиборни қаратиш даркор:

— кутубхоначи кадрларни тайёрлашда узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш.

— кутубхоначи мутахассисларга булган минтақавий талабларни аниқлаш ва шу асосдан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлашга эришиш.

— кутубхонашунослик таълимини ислоҳ қилиш мақсадида укитувчи ва мураббийларни доимий равишда малакаларини ошириш, қайта тайёрлаш.

— кутубхоначи кадрларни тайёрлаётган коллежлар ва олий укув юртларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлашга эътиборни қаратиш.

— укув жараёнини ташкил этиш ва таълим мазмунини белгилаш мақсадида махсус дастурлар, дарсликлар, укув қулланмалари ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Шамсиев Ш.М. - “Библиография ва ҳужжатшунослик” кафедраси доценти педагогика фанлар номзоди.

# БИБЛИОГРАФИК НАЗАРИЯ ВА БИБЛИОГРАФИК АМАЛИЁТ

Библиографик назария ва библиографик амалиётнинг долзарб муаммолари тўғрисида муаллифнинг оригинал қарашлари акс эттган. Библиографик назариянинг библиографик амалиётга таъсири кўрсатиб берилган.

Рассматриваются вопросы использования и применения на практике библиографической продукции (списки литературы, обзоры, указатели, картотеки, рецензии) и т.д.

It is considered questions of the bibliographic maintenance, namely application in practice of bibliographic production (lists of the literature, reviews, indexes, card files, reviews), etc.

Библиография амалиётчилари назарияга нисбатан икки хил муносабатда буладилар: баъзилари назарий ютуқларни амалиётини актуал масалаларини ҳал қилиш учун асосий восита деб билсалар, иккинчилари назарияни келгусида муҳим мураккаб ва кутилмаганда пайдо буладиган масалаларни ҳал қилишда керак буладиган интелектуал ресурс деб биладилар. Буларни биринчилари бажарувчи-амалиётчилар булиб, улар узларидан олдин утиб кетган мутахассисларнинг ишларини давом эттириб узларининг эскирган анъанавий ишларини давом эттирадилар.

Иккинчилари новаторлар (янгиликка интилувчилар) булиб, улар уз фаолиятларини янгилаб бориб, замон талабига мос иш олиб борадилар. Барча касбларда мавжуд булгани каби библиографияда ҳам янгилик яратувчи амалиётчилар зарурдир, чунки новаторлар ривожланишни яратиб берсалар, амалиётчилар бу янгиликларни амалга татбиқ этадилар ва чидамийлик ва бирдамликни таъминлайдилар. Амалиётчиларни сони назариячиларга нисбатан купроқ булиши керак, чунки акс ҳолда янгиликлар купайиб кетиб турғунликни изидан чиқариб юбориши мумкин.

Библиографияда айнан мана шундай ҳолат мавжуд, чунки амалиётчилар назарий билимлардан кам фойдаланадилар.

Ўз-ўзидан маълумки жамиятдаги умумий ўзгаришлар библиографияда ҳам кескин ўзгаришлар бўлишини талаб этади. Библиография фани ҳам ўзидан олдин мавжуд бўлган ютуқлар билан кафолатланиб қолмайдию. Библиографик ҳамжамиятнинг онгида кескин ўзгаришлар яратилиб улар ўз касбий маҳоратларини ошириб библиография технологиясини, услубиёти ва библиографик ишни ташкил қилиш масалаларини қайтиб кўриб чиқишлари зарур. Шундай қилиб, фикрловчи новаторлар учун жуда катта ва кенг фаолият майдони очилмоқда. Библиографияшунос олимлар, библиография фанини олиб борувчи ўқитувчилар охирги йиллар библиография фанини янгилашга уриниб кўрганлар, биз келгусида шулар ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Ушбу ишимиз библиография назариясига бағишланган бўлиб, библиографияни янгиловчи, бошқача қилиб айтганда библиография назариясини қайта кўриб чиқмоқчи бўлган, библиография назарияси борасида янгилик яратмоқчи бўлган олимларга бағишлангандир.

Ишни мазмунини **4** та бўлимда кўрамиз:

**XIX** аср—**XX** аср бошлари ҳаваскор - филологик давр.

**XX** асрнинг **20—60** йиллари-давлат-ёрдамчи давр.

**XX** асрнинг **70—90** йиллари илмий-инқилобий давр.

**XX** аср охирлари ахборот-технологик давр.

Даврларга ажратиш бевосита библиографик амалиётга таъсир этган ижтимоий ҳаётда мавжуд бўлган ўзгаришларни таъсири бўлиб ҳисобланади. Ўтмишга назар ташлаганда шуни кўрамизки, амалиёт доимо (учинчи даврдан ташқари), назариядан олдин юрган, бу ҳолда албатта кутубхоначилик ва библиографик жамоада турлича норозиликларни келиб чиқаради ва "назария талабларга жавоб бермайди" деган фикрга олиб келади.

### Ҳаваскор филологик давр.

В.Г.Анастасевич ва В.С.Сопиков томонидан бошланган академик библиографлар ва жамоатчи маърифатпарварлар томонидан давом эттирилган ва кумуш давр китобатчилари томонидан якунланган ҳаваскор-филология даври библиография тарихчилари томонидан мукаммал ёритиб берилган. Бу даврда ажойиб

библиографик қулланмалар яратилди, жуда йирик лойиҳалар (китоб маҳсулотини кундалик ҳисоби, рус китобини репертуари, библиографик қулланмаларни кундалик ҳисобга олиш) яратиш кузда тутилди, демократик библиографик ҳамжамиятлар (Москва библиографик тугараги, Рус библиографик жамияти, Рус библиологик жамият) шакллантирилди, касбий вақтли матбуот ташкил этилди.

Библиографик иш нафақат филологлар ва тарихчиларни ва ҳатто барча фанларнинг илмий фаолиятини ажралмас бир қисми булиб ҳисобланган. Бу давр библиографлари қаторида таниқли биологлар, математиклар, геологлар, иқтисодчилар ва бошқа фанлар вакиллари ҳам мавжуд эди. Кузга куринган йирик библиографлари замондошлари томонидан қизғин кутиб олиниб уларни кузга куринган ёзувчилар ва публицистлар қаторидаги машҳур фан ва маърифат вакиллари каби кабул қилар эдилар.

Библиографик маҳсулот узига хос булган оригинал ва умуман "иккиламчи" маҳсулот булиб ҳисобланмаган, меҳнат натижаси, маданий ёдгорлик сифатида қабул қилинган. Шунинг учун ҳам библиографик асарлар илмий ва бадиий асарлар каби авторлаштирилган (муаллифлаштирилган). Библиография мустақил фан ёки китобшунослик фанининг ажралмас бир бутун қисми сифатида эътирофланиб ботаник ўсимликларни, географ ер усти куринишини, астраном осмон жисмларини урганганса, библиограф - амалиётчи тадқиқотчи, китобни таснифловчи ва табақалаштирувчи статусига эга эди. Ўша давр библиограф филологлари Т.Н.Геннади, А.Н.Неустроев, Н.А.Рубакин, С.А.Венгеров, А.Д.Торопов, Б.С.Боднарский, Н.М.Лисовский, К.Н.Дерунов ва биринчи библиограф- профессионал (библиографияни асосий касб қилиб олган) В.И.Межов қомусий-олим даражасига эга булишиб библиографияга ижтимоий статус яратиб берганлар. Улар албатта библиографияни ижтимоий урни библиографик профессионализм ҳақида, библиографик фаолиятни услубиёти ва методологияси ҳақида куп фикрлаганлар лекин, биронтаси ҳам библиография назариясини ишлаб чиқишни уз олдига муаммо қилиб қуймаган.

Назария маълум булишича, олинган воқеликни хусусиятларини ва қонунларини очиб беради, унинг пайдо булиши, ривожланиши, турли куринишларини ёритиб беради, шу билан бирга воқеликни назарий таърифини курсатиб, фақат

таъкидлабгина қолмай балки тушунтириш ва олдиндан натижаларини курсатиб бериш керак. Бу иш билан А.М.Ловягин ва Н.М.Лисовскийлар қисман шуғулланганлар. Шундай қилиб ҳаваскор—филологик даврда библиография фан сифатида тан олинди. У узининг методологияси, услуби ва амалиётни бошқариб уни регламентлаб келса ҳам уз назариясига эга булмайди.

## Библиографиянинг давлат- ёрдамчи даври.

Давлат - ёрдамчи библиография 20- йилнинг 30 июнида юридик қайд қилинди. Библиография давлат институтларидан бирига айланиб, давлатнинг маданий хужалик ва сиёсий ишларида иштирок этадиган булди. Библиографияни давлатлаштириш уни асосий мутахассислик касби қилиниб, марказлаштирилади. Демократик плюрализм, объективлик, гуманитарлик ва бошқа шунга ухшаш хусусиятлари синфий душман сифатида сиқиб чиқарилади. Библиография давлат хизматига айлантирилади. Бундан "умумий ёрдамчи" ғояси пайдо булиб, кейинчалик тавсия библиография ғояси ва китобхонлар уқишига раҳбарлик деган ғоялар мутахассислар орасида кенг тарқалади.

Назарий даъволарга нисбатан шундай дейилган эди: библиография халқ хужалигидаги бошқа фанларга ёрдамчи булиши керак, шунинг учун "унинг назарияси батамом амалиётга буйсуниши керак ва амалий ишда синаб курилиш керак — бу сузнинг тор маънолик мазмуни доирасида"[1].

Давлат бошқаруви фақат давлат-партиявий ҳужжатлардагина акс этиб қолмасдан, библиография энди, совет библиографлари нима қилишлари керак, қандай кўрсаткичлар тузишлари кераклигини ҳам курсатиб берадилар ва ҳатто давлат томонидан молиявий таъминот ҳам буйсундирилади. Бунинг натижасида битта ёрқин иш қилинади, у ҳам булса давлат ҳисоб-регистрация (ҳисобга олиш) библиографияси ташкил этилади. Очиғини айтганда ҳисоб-регистрация библиографияси **1907** йил "Книжная летопись" чиқиши билан йулга қуйилган эди. Эндиликда мажбурий нусхаларни давлат ташкилотларига топшириш масаласи йулга қўйилади.

**1940** йилларда кутубхонашунослик институтларида библиография факультетлари ташкил этилади. Факультетни битирганлар "оқ суяк" библиографлар деб тан олинар эди. **50**-йилларга келиб бу факультет йуқ қилинади ва кутубхонашунослик

институтлари маданият институтларига айлантирилади, шу билан бирга "кутубхоначи – библиография" факультети очилади ва универсал билимга эга булган мутахассислар тайёрланадиган булди.

**1930-1960** йилларни Ватан библиографиясида "олтин аср" деб таъкидлаш мумкин. Назарияга келганда уни йуқолиб кетганлиги умуман сезиларли эмас эди, чунки ғоявий чиниққан партия раҳбарлиги тула - тукис назарияни урнини босади. Библиография устидан партия раҳномолик ва назорат килгандан сунг ҳеч қандай библиография назарияси керак булмай қолади. Жанговор буюртмачилик фақат библиография тарихидагина булмайди, шунинг учун ўз даврининг машҳур библиографлари Н.В.Здобнов (1888-1942), Е.И.Шамурин (1889-1962), К.Р.Симон (1887-1966), М.В.Машкова ва бошқалар библиография тарихи билан шуғулланишади.

**1970** йилларда Брежневчилик турғунлик даврида библиография назариясида кутилмаганда илмий инқилобий жараён бошланади.

Библиографияда амалга оширилган илмий инқилоб замонавий фалсафада, парадигм деб тушунилади. Парадигм маъноси уша давр мобайнидаги принциплар (дунёқарашлар), кургазмалар, назариялар бирга қушилган аралашмасидир. Бошқача айтганда парадигм бу дунёқарашларни узгариши. Гуманитар фанларда парадигм урнига купроқ кредо (ишонч рамзи) қулланилади. Библиографиянинг бошланғич даврида ҳеч қандай парадигм ёки (кредо) ҳақида суз ҳам булиши мумкин эмас эди, фақат давлат бошқарув даврида бундай тушунча пайдо булади.

Бу давр библиография сиёсатлашиб, "коммунистик ғоявийлик", "ёлғон ғоялар" пайдо бўлади ва шулар библиографияга жуда ёмон таъсир этади.

Бирор - бир библиографик қулланма (руйхат, обзор, мақола) марксизм-ленинизм асарларисиз чиқарилмас эди.

Ниҳоят **1970** йилларда библиография назарияси ёрдамчи библиографиядан узоқлашди ва узини ҳақиқий библиографиясини қидира бошлади тарихга оид библиография **1** та эмас **2** та ҳеч қандай алоқаси булмаган ҳақиқий илмий фундаментал монографиялар чиқди. Монографиялар А.И.Барсук ва О.П.Коршуновлар томонидан чиқарилган.

---

*Троповский Л.Н. Задача советской библиографии //Библиотековедение библиография.-1930.-№1/2-с.30.

Парадигм – узоқ давом этадиган ҳаракат ва бу ҳаракатлар ҳақиқатдан ҳам булган.

Бундай ҳаракатларни йулбошчиси О.П.Коршунов булди. Унинг асосий эришган ютуғи олий – ўқув юртлари учун мулжалланган "Библиография умумий курс" дарслиги булди, (1981) йилда. Ундан кейин эса, **ГОСТ 7.0-84** "Библиографическая деятельность Основные термины и определения" (Библиографик фаолият. Асосий атамалар ва улчовлар).

Шундай қилиб, янги парадигма библиографик маълумот майдонига кириб келди. **1980** йилларда библиографияшунослик йирик назарий чуққиларини эгаллади ва академик фан булиб қолди.

**1990** йилларда – илмий инқилоб парадигмаларини янги умумбиблиографик концепциялар билан тулдириш вақти келди. Бу ишга амалиётчи - янгилик киритувчилар– Н.А.Сляднева, А.А.Фокеев, Л.В.Астахова қул урдилар. Шунинг учун ҳам, **1980** йиллардаги Коршунов назарияси, кейинги **10** йилликларда унчалик эътиборли булмайди. Бу билан илмий-инқилоб парадигмаси назарий библиографияда плюрализм парадигмасига узгартирилди дегани эмас, балки концепцияларини муаллифлари бир-бирларини тулдириб боришди. Улар ҳаммаси илмий инқилобий парадигмаси ривожланиши учун ҳаракат қилишди.

Библиографияни китобшунослик концепциясини А.И.Барсук монографиясида курсатиб утилган. Бунда библиография китобшунослик ишини махсус майдони эканлиги ва библиографияшуносликни илмий фани деб юритилган. Бу фан тарихини, назариясини, библиография ишини ташкил қилиш методикаси ва муаммоларини, тузилиш қонунларини библиографик ахборотни сифатини урганар экан. "Библиографияшунослик" терминини стандарт библиографик терминологиясига **(ГОСТ 7.0-84)** киритилган.

А.И.Барсук библиографик ахборотдагина библиографияни моҳиятини, унинг натижасини курган. О.П.Коршунов узининг ҳужжатшунослик концепциясини китобшунослик концепциясини туғридан-туғри давом эттирувчиси деб билдириб утган. Уларни фарқи шундаки, О.П.Коршунов библиографик фаолиятни объекти сифатида китобни эмас, балки ҳужжатни куради.

Ҳужжатни узи сақланишига, фойдаланишдан ва тарқатилишидан қатъи назар инсон томонидан материалларда акс

этган ижтимоий ахборотдир. Шундай қилиб, библиография китобшунослик ишидан четга чиқиб, музей экспонатлари, археологик артефактлар, ботаник гербарийлари (қуритилган ўсимликларни йиғиштириш), рассомчилик санъати ва графикаси киритилади, чунки буларнинг барчаси материалда акс этган ижтимоий ахборот ҳисобланади.

"Библиография" термини бу концепцияда библиографик илмини ва амалиётини қамраб олган, яъни амалий библиограф фаолиятни ва библиографияшуносликни битта тизимга бирлаштиради.

Библиография объектини кейинчалик кенгайишига Н.А.-Слядневани назарияшунослик ва ахборотшунослик концепциялари сабаб булди. Бунга библиографияни китобчилик иши ёки ҳужжат-ахборот тизимида қараб ўтилмаган. Н.А.Слязнева библиография моҳиятини методологиясида куради. Библиографияни усуллари универсал ҳисобланади.

Идеография (назария) ҳужжатшуносликни ўзлаштиради.

Санаб ўтилган "илмий-инқилобий" концепциялар ягона заиф жойга эгадир. Асосга олинган тушунчалар "библиографик ахборот" ва "библиографик фаолият" ахборот категориялари орқали киритилади: библиографик ахборот библиографик ижтимоий ахборотнинг тури; библиографик фаолият эса ахборот фаолиятининг турли хиллигидир.

Шунга кура ахборот категорияси моҳиятига қараб очилмайди; бу библиографик фанни масалаларига киритилмайди.

Чиндан ҳам, кибернетикада, информатикада, фалсафада ва ҳаттоки математикада кўпгина ахборот дефинициялари мавжуд.

В.А.Фокеев узининг монографиясида шундай хулосага келадики, библиографияни моҳияти библиографик билимларда уз аксини топади, шунинг учун ҳам библиографияшуносликни асосий категорияси библиографик билимлардир.

Л.В.Астахова сузлари билан айтганда, библиография илмий даражага эгадир – илмий феномен. Библиография фани ва уни янгиликлар билан тулдириб бориш зарур.

Ундан ташқари, умумий библиографияни авторитет назариётчилари ҳам булган: М.Г.Вохрышев, А.А.Гречехин. Улар китобшунослик ва ҳужжатшунослик концепцияларини рад қилишган. Библиографияни маданиятшунослик концепциясини олдинга суришган. М.Г.Вохрышева сузлари билан айтган-

да библиографияни аҳамиятини таъкидлаб утадиган булсак, у маланий жараённинг муҳим элементларидан биридир.

Юқорида айтиб утилганидек **1990** йилларнинг бошларига келиб О.П.Коршуновни концепцияси уз кучини йуқота бошлади. **1990** йилнинг ноябрида "Советская библиография" журналини нашриёти "Замонавий библиографик парадигма" мавзусида йиғилиш утқазди. Бу суҳбатда Россияни турли шаҳарларидан **20** дан ортиқ олимлар қатнашдилар.

Купчилик қатнашувчилар битта фикрга келдилар, яъни янги парадигмага эҳтиёж туғилганига. Лекин, мутахассислар учун бу парадигма турли хил куринди.

**1990** йилларни охирига келиб янги парадигмани яратишга киришилди, бу парадигма ахборот-технологик босқичдаги назарий библиографияни очиб берди. Олдинги босқичда назарий фикр ҳаракатга келтирилган бўлса, бунда эса янги ахборот технологияларини ўзлаштирадиган библиографик амалиёт бўлиб қолди.

Кун тартибининг муаммосига библиографияни ахбороти қуйилди.

Библиографияни ҳозирига ва келасига таъсир қиладиган омиллар:

— Кутубхона каталоглари ва библиографик картотекалар электрон ахборот тизимида бирлаштирилганлиги.

— Кутубхонани СБ Аппарати ҳақидаги тасаввур.

— Кутубхонашунослик ва библиографияшунослик хизматлари бир – бирлари билан қушилганлиги.

Китобхонни уйига, иш жойига ахборотни етказиб бериш ёки вертуал кутубхоналарни ахборот хизматларидан фойдаланиш.

Шу билан бирга электрон ҳужжатларни сифати билан боғлиқ янги муаммолар пайдо бўлади.

Библиографияшунослик библиография вазифаларини жойини тушуниб олишга тўғри келади. Тизимдаги библиографик хизмат курсатишни, тўпланиб қолган тажрибалардан қайсилари ривожланиб кетишини аниқлаб олиш керак.

Лекин, ҳозирча назарий библиография ўзининг моҳиятини ўрганмоқда, амалий библиография эса ўзини тубдан ўзгартириб олишдан четда қонун 1990 йиллардаги илмий-инқилоб парадигмаси кескин ўзгаришига, ахборот технологияларини библиографик муаммоларини тушуна олмаганлиги сабаб бўлган.

Назарий библиография томонидан вертуал библиографик коммуникациялар, библиографик восита сифатидаги – Интернет, электрон нашрларни ва сайтларни библиографиясига ухшаган муаммолар шу тарзда ечилмасдан қолди.

Юзаки булса ҳам, муҳим муаммолар ишлаб чиқилган: "Библиография и рынок", "Библиография и международное сотрудничество". Парадигмал фикрлашга қодир булган ёш амалиётчилар узларини курсата олишмади.

Ахборот терминологияси умум тарқалган булса ҳам, библиография шу ахборот – технологик парадигмаси ҳали вужудга келгани йуқ. Маълум эмаски: ҳужжат коммуникациялари вазифалари, принциплари, библиографияни турлари сақланиб қолармикан.

Библиографияни яхши билмасдан илмий – инқилобий парадигмасини назариясидан воз кечиш нотуғри булиб қоларди. ҳар бир библиограф библиографияни бошқа ижтимоий – коммуникацион фаолиятлардан фарқлаш учун бу жуда зарур ҳисобланади. Ундан ташқари тарихий – ретроспектив библиографияни давлат ёрдамчи парадигмаси деб тушуниб олиш муҳимдир. Кумуш асрни, филологлари ахборот – технологияларидан жуда ҳам йироқда булишган. Лекин уларни меросхурлари узини бутунлай технинизмга уруши мумкин. Олдинги библиографлар томонидан ишланган купкина методик тавсиялар уз яроқлилигини йуқотмаган.

Шундай қилиб, замонавий назарий библиография, библиографик амалиёт олдида қарздор ҳисобланади. Ижтимоий – коммуникацияда талаб қилинган ахборот – технологияни парадигмаси ҳозирча мазмуни яхши сифатга эга эмас.

Янгилик киритувчи амалиётчилар ва назариётчи - библиографлар уни қонунлар, концепциялар, методологик-принциплар, тавсиялар билан тулдириб бориш – муҳим масаласи ҳисобланади.

Ундан ташқари шуни ҳам тушуниб олиш керакки, библиографияни янги парадигмасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун жуда ҳам оз вақт қолганлиги - хавотирли жойи мавжудлиги шуки, китобларни кўчириб ёзувчи – библиографни антик касбига ухшаб, кутубхоначи – библиограф касби ҳам худди шунақа эскириб архаизмга айланиб қолиши мумкин.

Давлатов С.Х. - А.Қодирий номидаги
Тошкент Давлат маданият институтининг
«Кутубхона-аҳборот фаолиятини бошқарув»
факультети декани, филология фанлари номзоди

Ўрозов А.Н. - А.Қодирий номидаги
Тошкент Давлат маданият институти
«Ижтимоий маданий фаолият» факультети
декан ўринбосари

## РЕСПУБЛИКА КУТУБХОНАЛАРИ УЧУН КУТУБХОНАЧИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ АҲВОЛИ ВА МУАММОЛАРИ

Олий маълумотли кутубхоначилар тайёрлаш тизимидаги муаммолар ва уларни ҳал қилишнинг баъзи бир йўллари тўғрисида фикрлар баён қилинган.

В тезисах остро поднимается вопрос о современном состоянии библиотечных кадров. Выявлена проблема обеспечения библиотек республики кадрами.

It is sharply raised the question on a modern condition of the library staff. It is revealed the problem of maintenance of libraries of Republic wth personnel.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий» дастурида таълим тизимининг ҳамма жабҳалари бўйича кадрлар тайёрлашнинг мезонлари белгилаб берилган. Мақсад баркамол авлодни вояга етказиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда кўпроқ билимли бўлишларини таъминлаш, замонавий ахборот технологиялари талабларидан келиб чиққан ҳолда мукаммал билимга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш вазифаси белгилаб берилди. Ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда «КАФБ» факультети жамоаси қатор ишларни амалга оширмоқда.

Жамиятимизнинг тараққиёти, келажаги аввало билимли ёшларнинг бугунги кунда олаётган билим савиясига боғлиқ. Турли соҳа мутахассисларини тайёрлашда китоб ва унинг воситасида олина-

ётган билим муҳим аҳамиятга эга. Китобни йиғувчи, уни сақловчи, турли тоифа китобхонларга етказиб берувчи кутубхоначи ходимлар меҳнати кўзга кўринмас, ўлчаб бўлмас қадр-қимматга эгалигини ҳамма билади.

Республикамизда ҳозирги кунда 17 мингдан ошиқ турли тизимдаги кутубхоналар мавжуд бўлиб аҳолига беминнат кутубхоначилик, ахборот-библиографик хизматини кўрсатмоқда. Биргина Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида 5748 та кутубхона мавжуд. Агар шуларни назарда тутиб фикр юритадиган бўлсак, ҳали олдимизда амалга оширадиган вазифалар кўп, яъни ҳамма тизимдаги кутубхоналарни олий маълумотли кадрлар билан таъминлаш учун керакли шароитларни яратишимиз зарур. Аммо, ҳозирги кунда кутубхонада фаолият кўрсатаётган фидойи кутубхоначиларнинг кўпчилиги, пенсия ёшига яқинлашиб қолган кадрларни ташкил этади. Келгусида жамиятнинг кутубхоначи мутахассисларга бўлган эҳтиёжи янада ошади.

Факультетимиз 1991- 2005 йилларда республика кутубхоналари учун 2900 га яқин мутахасссис тайёрлади, шулардан аксарият қисми кутубхоналарда ишламоқдалар. Аъло баҳоларга битирган талабаларимиз ҳам қаерда ойлик маош юқори бўлса, ўша соҳага ўтиб кетаяпти. Сиртқи бўлимни битираётганларнинг кўпи эса мансаб ёки унвонини ошириш учунгина, дипломга эга бўлиш мақсадида институтни битириб кетаётганларни ташкил этади.

Бугунги кунда факультетимизни битираётганлар анъанавий билимлар билан бирга замонавий ахборот технологиялари соҳасида ҳам мукаммал билимга эга бўлмоқдалар. Компьютерни билиши, билимли бўлиши яхши, аммо бу ҳам уларга кутубхоналарда ойлик маошнинг камлиги сабабли кадрларнинг 80-100 минг маошлик ахборот марказларига ва бошқа ташкилотларга кетиб қолиш ҳоллари учрамоқда.

Бугунги кунга келиб кундузги бакалавр бўлимида 22 та, сиртқи бўлимда 75 та, магистратурада 3 та мутахассис тайёрланмоқда, 75 та сиртқи бўлим талабаларидан 45 таси кутубхоналарда меҳнат қилиш билан бирга таълим олмоқда. Ҳозирги вақтда факультетимизда талабаларга 4 та профессор, 11 та доцент, 21 та катта ўқитувчи ва ўқитувчилар назарий ва амалий билим бериб келмоқдалар. Амалий билим пойтахтимиздаги йирик кутубхоналар билан ҳамкорликда олиб борилмоқда. Кундузги бўлим талабаларининг кўпчилиги эса назарий билимларини бевосита кутубхоналарда амалий билим билан мустаҳкамлаб бормокда. Мутахассис

кадрларни тайёрлашда назарий кўникмаларни мустаҳкамлашлари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалар, монографиялар, ўқув-услубий қўлланмалар мунтазам равишда нашрдан чиқиб турибди. Профессор-ўқитувчиларимиз Халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда, семинарларда, анжуманларда фаол иштирок этиб келаяптилар. Илмий-универсал кутубхоналар ва мактаб кутубхоналари учун алоҳида-алоҳида «Классификация жадваллари», лотин имлосидаги «Автор жадвали», «Кутубхонашунослик иши назарияси ва тарихи», «Кутубхона фондларини ташкил этиш», «ҳужжат фондлари», «Ватан кутубхоначилиги тарихи», III-томлик «Кутубхонашунослик» дарслиги (коллежлар учун), «Информатика», «Маданий-маърифий муассасаларда техника воситаларидан фойдаланиш»га оид ўқув адабиётлари нашрдан чиқди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан ҳамкорликда 40 га яқин номда ўқув-услубий қўлланмаларни тайёрлаш ва муҳаррирлик қилиш ишларини ҳам ўқитувчиларимиз тўла ўз қўлига олди. Ижобий ютуқларимиз кўплигига қарамай, кадрлар тайёрлашда ҳали бир қатор муаммолар бор.

1. Ўқитувчилар ёши даражасини яшартириш. Факультетимизда ўртача ёш даражаси - 48,6 ни ташкил этади. Магистратурани тамомлаганлардан 1 тагинаси кафедрада 0,5 штат бирлигида ишлаб кундузги аспирантурада ўқимоқда. Олдимизда кўпроқ истеъдодли, билимли ёшларни олиб қолиш вазифаси турибди.

2. Жойларга бораётганлар учун эса иш жойи етарли эмас, банд, улар ўрта мактабни битирганлар ва бошқа соҳа мутахассислари билан банд.

Факультетимизда кадрлар тайёрлашдаги айрим муаммолар ҳақида айтадиган бўлсак, шу кунгача тайёрланган номзодлик ишларининг ҳимоясини тезлаштириш, бунинг учун институтимиз қошида махсус Ихтисослашган кенгаш ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Йулдошев Э. - “Библиография ва
ҳужжатшунослик” кафедраси мудири,
п.ф.н, профессор.

## МАКТАБ КУТУБХОНАСИГА ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

Мактаб кутубхоналарининг ҳозирги ҳолати ва келгусида қилинадиган ишлар тўғрисида фикрлар берилган.

Автор проанализировал состояние и деятельность школьных библиотек Узбекистана. Приводится квалификационная характеристика библиотечным работникам школьных библиотек. Изучена потребность в специалистах, обладающих квалификацией в системе «библиотекарь-педагог» и возможности подготовки таких специалистов.

It is analysed the condition and activity of school libraries of Uzbekistan. The qualifying characteristic for library workers of school libraries is given. It is studied the requirement for the experts possessing qualification in system «librarian-teacher» and opportunities of preparation of such experts.

Ҳозирги даврда республикамизда мактаб кутубхоналари фаолиятига анча эътибор берилмоқда. Бунга албатта, “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва унда кўрсатилган қоида ва тадбирлар асос бўлди. Шунинг натижасида 2003-2004 ўқув йили - мактаб кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш ўқув йили деб эълон қилинди. 2003 йили умумий ўрта таълим муассасаси кутубхонасини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди, педагогика кутубхоналари ассоциацияси тузилди, Ўзбекистон таълим тизимида олиб борилаётганислоҳотлар жараёнида кутубхона “Ўзбекистон—2003” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Республикада жамиятни тезкор ахбороглаштириш жараёни таълимни модернизациялашга эътиборни кучайтириш ахборот технологияларини ривожланиши жараёнида юз бермоқда. Мактаб кутубхоналарини ривожлантириш концепциясига мувофиқ кўпгина мактабларда кутубхона ахборот ресурслари марказлари ташкил этилдики бу ўқувчи ва ўқитувчиларни хоҳлаган ахборотни олиш имконини яратди.

Мана шунлай назарий ва амалий жиҳатлар ҳал этилаётган бир даврда мактаб кутубхонасини таълим ва тарбия жараёнида ва умуман ёш авлодни комил инсон бўлиб шаклланишида жамиятда тутган ўрни ва аҳамиятини белгилаб олиш ва ҳис этиш зарур бўлиб қолмоқда.

Халқимизда "Қуш уясида кўрганини қилади", "Нимани эксанг шуни оласан" деган мақоллар бор. Бунинг маъноси, бола туғилганидан бошлаб яхши билим ва тарбия берсанг унга етарлича эътибор бериб, шароит яратиб берсанг, орзу-умидларини қўллаб-қувватласанг, суюкли фарзанд қилиб ўстирсанг мақсадингга етасан, агар акси булса афсус надоматлар чекиб ҳаётингдан нолиб ўтаверасан. Оила, боғча, мактаб, жамият болани уйи ҳисобланади, демак бола оилада, боғчада, мактабда нимани кўрса, нимани ўрганса ушани қилади....

Мактаб ўқувчилар учун зарурий таълим ва тарбия маскани ҳисобланса кутубхона уни зарурий таркибий қисмидир. Кутубхона кераклн ахборот воситаларини ўзида жамлаган бўлиб ўқувчи ва мураббийларга зарур ахборотларни китоблар орқали етказиб беради, билимини ошишига, маънавиятини шаклланишига, одобли, ахлоқли инсон булиб тарбияланишига таъсир этади. Энди у жамият олдида қандай вазифаларни бажаради.

Мактаб кутубхонасининг ўзига хос ижтимоий вазифалари мавжудки, улар кутубхонанинг мақсади, моҳияти, ўрни ва ахамиятини белгилаб беради.

Биринчидан, билим бериш (таълимий) вазифаси бўлиб уни бажариш учун кутубхона мактабда ўтиладиган фан дастурлари, стандартлари, услубий кўрсатмалари асосида керакли манбалар, дарсликлар, услубий қўлланмаларни олади ва таълим жараёнини тулиқ таъминлайди.

Иккинчидан, тарбиявий-педагогик вазифани бажариш жараёнида ўқувчиларнинг ёшига қараб ўзига хос хусусиятлари, руҳий ҳолатлари, қизиқиши, имконияти, қобилияти ва бошқа бир қанча хислатларини педагогик-психологик, кутубхонашунослик усуллари орқали ўрганилади. Бундан ташқари болаларга аталган китобларнинг сифати, мазмуни таҳлил қилиниб кимга ва қачон тавсия этиш кераклиги, уни ўқувчига руҳий, тарбиявий таъсири аниқланади.

Учинчидан, ахборот бериш вазифасини бажаради. Бу жуда муҳим булиб айниқса ўқитувчи ва ўқувчи узига керакли ахборотни тез ва қулай олиш имконияти яратиладики, бу нафақат таълим

жараёнини балки тарбиявий муҳитни такомиллашуви учун ҳам ниҳоятда зарур.

Туртинчидан, маданий-маърифий вазифани бажарилиши китобхон билан якка ва оммавий тадбирлар утказиш жараёнида айниқса намоён буладики бунда укувчи узини шахс сифатида иқтидори, имконияти, қобилиятини курсатади, эркин фикрлаш имконияти яратилади.

Бундан ташқари кутубхона унлаб вазифаларни бажарадики (асосийларини таъкидладик холос) улар укитувчи ва умуман мактаб ва ундан ташқаридаги муассасалар жамоалари билан ҳамкорликда олиб борилади. Юқоридагилардан куриниб турибдики мактаб кутубхонасини таълим, тарбия, маданий-маърифий, ахборот билан таъминлаши уни укиш ва укитиш жараёнида тутган урни ва аҳамияти ниҳоятда муҳим эканлигини курсатади. Ижтимоий вазифалар ва юқорида таъкидланган жараёнлар худди занжирдек бир-бири билан узвий боғланган ва улар мактаб тизимида амалга оширилади. Агар ушбу занжирдаги бир-иккита ҳалқа ёки бугин ишламаса ёки унга эътибор берилмаса умумий тизим (мактаб тизими ) ҳам яхши ишламайди.

Мактаб кутубхоналарининг ҳозирги фаолияти, ҳолати уни олдига қуйилган вазифаларни бажарилишига қандай таъсир этмоқда. Бунинг учун республикамиздаги мактаб кутубхоналари фаолиятига бир назар ташлаб ундаги ютуқ ва баъзи камчиликлар, гов булаётган нуқсонлар ҳақида фикр юритиш жоиз булади.

Республикамизда 2004 йили 9540 та мактаб фаолият курсатган булса, улардан 9517 тасида кутубхона мавжуд. Бу жуда катта бойлик, чунки территорияси жиҳатдан Узбекистондан анча катта булган қозиғистонда 7395 тагина мактаб кутубхонаси мавжуд. Агар қозоғистонда ушбу кутубхоналар 3,8 млн. укувчига хизмат курсатса, Узбекистонда салкам 6 млн. укувчига хизмат курсатилади. Мактаб кутубхоналарига ёрдам берувчи услубий марказлар айниқса республика илмий педагогика кутубхонаси томонидан хилма-хил услубий қулланмалар, тавсияномалар, амалий ёрдамлар бериладики бу мактаб кутубхоналари учун ниҳоятда катта ёрдамдир. Мисол учун, "Узбекистон Республикаси кутубхона библиографик классификацияси" мактаб кутубхоналари учун жадваллар нашр қилинди. Энди мактаб кутубхоналари ушбу жадвалга асосланиб анъанавий ва электрон каталогини яратиш, кутубхона фондини туғри ва тартибли жойлаштириши мумкин булади.

Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан утказилган "Мак-

таб—кутубхона—оила—жамоат ташкилотлари" хайрия тадбири натижасида 2004 йилда 196 млн. маблағ тупланди, бундан ташқари уқитувчи ва уқувчилар томонидан 425 мингдан ортиқ адабиётлар йиғилди. 2004 йилда салкам 6 млн. китобхонга 51 млн. китоб, газета, журналлар берилди.

Ушбу соҳадан сал йироқроқ булган кишилар мана курдингизми 6 млн. уқувчи 51 млн. китоб, газета, журнал уқир экан, биз болаларимиз китоб уқимай қуйди деб куюнамиз дейиши мумкин. Бир томондан улар ҳақ, лекин болаларнинг кутубхонага бормаслигини, уйда берилиб китоб уқимаслигини, оддий саволларга жавоб беролмаслигини уз кузимиз билан куриб турибмиз. Мактаб кутубхонаси фондидаги адабиётларнинг сони ва сифати, мазмуни уқувчининг талабига, қизиқишига туғри келмаётганлигини ҳамма билади, эътироф этади. Айниқса қишлоқ жойлардаги мактаб кутубхоналари (булар кўпчиликни ташкил этади) фондидаги эскириб ётган китоб, газета, журналлар бир неча мартадан қайта-қайта уқилаверади, олинаверади ва кутубхоначи томонидан ҳисобланаверади. Янги китоб булмагандан кейин уқувчи нимани уқийди. Сон усиб кетаверади, уқиш сифати пасаяверади.

Республикада ҳар қалай уқувчи-ёшлар учун китоблар анча нашр қилинади, лекин маблағнинг етишмаганлиги, китоб нархининг бироз баландлиги туфайли кутубхона бундай китобларни ололмайди, олинган китоблар ҳам район халқ таълими томонидан қайси кутубхона қандай китобларга муҳтожлиги урганилмасдан тақсимланаверади. Демак, янги олинган китоблар ҳам уқувчилар томонидан уқилмай ётаверади. Масалан, Хоразмдаги мактаб кутубхоналарида китобнинг уртача уқилиши 3,3, Самарқандда-3,0, Сурхондарёда-5,4 ни ташкил этган. Яъни битта уқувчи бир йилда 3-5 тагача китоб уқиган. Бу рақамлар кутубхоначилик соҳасида белгилаб қўйилган минимумдан ҳам пастни ташкил этади. Оммавий кутубхоналарда бу рақам 18-21 тани ташкил этади.

Юқоридаги кичкинагина таҳлил мактаб кутубхоналарини ҳолатини, баъзи муаммоларини, узига боғлиқ булмаган лекин, жамият томонидан ечилиши лозим бўлган бир қанча жиҳатларини курсатиб бермоқда.

Бу жиҳатлар "2003-2004 ўқув йили мактаб кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш ҳаракат дастури"да ҳам курсатилган ва бажарилиши лозим деб топилиб жавобгар мутасаддилар ҳам белгилаб қуйилган эди. Лекин уларнинг кўпчилиги амалда бажарилмай қолмоқда. Масалан, кутубхоналарнинг ўқув зали, китоб

бериш булими, китоб сақлаш булими алоҳида хоналарда булиши ва кутубхона 3 ёки 4 хонадан иборат булиши, мактаб кутубхоналари фондини ҳар бир синф-комплект ҳисобида жамлаш учун етарли пул маблағни ажратилиши, "Мактаб кутубхонаси" серияси асосида синфдан ташқари уқиш учун китоблар туркумини яратиш, ҳар бир туманни (1-2 та мактаб кутубхонасида) ресурс ахборот марказини ташкил этиш мақсадида компьютер, аудио ва телекоммуникацион воситалар комплекси билан таъминлаш курсатилган эди. Олий ва урта махсус укув юртлари негизида, "кутубхоначи-педагог" мутахассислиги буйича кадрлар тайёрлаш, урта махсус маълумотга эга булган ва кутубхонадаги иш стажи 3 йилдан ошган шахсларни бюджет асосида олий маълумот олишларини таъминлаш буйича маданият ишлари вазирлигига таклифлар киритиш масаласини куриб чиқиш белгилаб қуйилган эди. Мактаб кутубхоналари томонидан укувчи ва укитувчиларнинг маънавиятини шакллантириш борасида олиб борадиган жуда катта тарбиявий, педагогик, ахлоқий ижодий, маданий-маърифий фаолиятини таъкидлаган ҳолда ушбу юқорида қайд этилган вазифаларнинг ҳаммасини мактаб кутубхоначиси укитувчи ва укувчиларга суяниб ташкил этади, бошқаради, бажаришга ҳаракат қилади.

Лекин ҳанузгача кутубхоначи барча ишини ташкил қилувчи малакали "Кутубхоначи-педагог" кадрлар тайёрлашга эътибор берилмай қолмоқда.

Баъзилар уйлагандек кутубхоначи фақатгина китоб олиб китоб бермайди, унинг узига юклатилган вазифалари мавжуд ва уни бажариш учун ҳисоб-китобларга қараганда икки баравар куп ишласа ҳам баъзан вақти етмайди.

Шундай экан, мактаб кутубхоначиси қандай булиши, у қандай куникма, малака, тажрибага эга булиши керак, унга қандай талаблар қуйилади деган мушоҳада билан баъзилар тасаввур қилгандек "китоб олиб китоб беришдан" ташқари кутубхоначи бажарадиган баъзи бир комплекс вазифаларни таъкидлаб утишга ҳаракат қилдик.

Мактаб кутубхонасига кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муаммоси ҳозирги даврнинг муҳим масалаларидан биридир. Чунки таъкидлаган вазифаларни кутубхоначи мактаб жамоасига таяниб, ҳамкорликда бажаради. Хуш бундай кутубхоначи қандай булиши керак, унга қандай талаблар қуйилади:

— Кутубхоначилик соҳаси буйича куникма ва малака, билимга эга булган, соҳани яхши узлаштирган мутахассис булиши;

— мактаб кутубхонаси ишини ташкил қиладиган, уни фаолиятини режалаштирадиган, бошқара оладиган ташкилотчи булиши;

— китоблар оламини биладиган, кутубхонага керакли манбаларни танлаб, уни фондини шакллантирадиган;

— кутубхона фаолиятини мактаб таълим ва тарбия жараёни билан узвий боғлай оладиган, укувчиларни ёш хусусиятлари, руҳияти, имконияти, қобилияти, уқиш даражасини биладиган, болалар ўқишига раҳбарлик қилувчи кутубхоначи педагог булиши;

— ўқувчиларда уқиш ва ахборот олиш маданиятини шакллантира оладиган кутубхоначилик-библиографик дарсларни ташкил этадиган кутубхоначи-мураббий:

— китобхонлар билан якка ва оммавий тарзда тадбирлар уюштирувчи ташкилотчи ва услубиётчи бўлиши;

— ахборот технологиялари билан ишлайдиган, ахборот ресурс марказини бошқарадиган, интернетдан фойдалана оладиган мутахассис булиш;

— бошқа кутубхона ва муассасалар билан узвий алоқа ва ҳамкорликда ишлайдиган, уларни мактаб кутубхонаси муаммоларини ечишга жалб қила оладиган, пуллик хизматни йўлга қуядиган тадбиркор-мутахассис бўлиши талаб қилинади.

Шундай юқори даражадаги талабларга жавоб берадиган, уз ишини фидойиси булган кутубхоначилар борми? Бор. Республика мактаб кутубхоналарида маданият ва педагогика институтларини битирган 2,5 мингдан купроқ олий маълумотли мутахассислар ишлайди, уларнинг иш стажлари 10-25 йилни ташкил этиб уз ишларини ҳалол сидқидилдан бажармоқдалар.

Биз купинча бир нарсага эътибор бермаймиз, ҳар хил мутахассисларни масалан, математик, иқтисодчи, юрист, банк ходими булса “ҳа, бу зўрку!” деймиз. Кутубхоначи деса эътибор ҳам бермаймиз. Уқитувчи дарслик, жонли суз, ҳар хил воситалар орқали укувчига дарс беради, лекин дарс давомида ҳамма нарсани тулиқ тушунтириб беролмайди. Бунга вақти ва имконияти ҳам етмайди. Энди дарснинг давомини кутубхоначи давом эттиради. У утилган дарсларга оид китобларни танлайди, укувчиларга топиб беради, тавсия этади, ҳар хил тадбирлар утказади, синфдан ташқари ишларни олиб боради яъни ўқитувчининг дарсини тулдиради, укувчининг узлаштиришини енгиллаштиради бошқача айтганда педагогик —мураббийлик жараёнини узлуксиз давом этти-

ради. Бундан ташқари хатто ўқитувчининг сифатли дарс ўтиши учун услубий қўлланмалар, ахборотлар, янгиликлар билан таъминлайди. Демак, кутубхоначи педагогик жараёнда фаол иштирок этади, у энди оддий техник кутубхоначи эмас, у кутубхоначи-педагогдир. Ҳозирги давр талаби ҳам оддий кутубхоначини эмас балки, педагогик жараёнда ўз ўрнини эгаллаган кутубхоначи – педагогни ўқитувчи билан бир мақомда, бир сафда туриши лозимлигини таъкидламоқда.

Кутубхоначи-педагог бирор бир фандан дарс бериши шарт эмас, чунки у ўзи аслида педагогик жараённи давомчисидир. Мактабда ўқилган дарсларини яхши ўзлаштирилиши, такомиллашуви учун кутубхоначи-педагог янги ахборот технологияларидан фойдаланиб китобхонга керакли ахборотларни, медиатека, интернет воситалари орқали етказиб бериши керак. Шундагина ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам ўзи истаган керакли манбанинг кутубхонада мавжудлигига ишонади, ундан бемалол фойдаланади ва биз юқорида тилга олган зўр мутахассисларни ўқитиб, билим ва тарбия беради, етиштириб чиқаради. Бизнингча, бундай мутахассис-кадрларни тайёрлашда ушбу соҳани биладиган тажрибага эга бўлган, шу ишнинг бутун маъсулиятини сезган, тажрибаси бор бўлган мутахассислар мавжуд олий ўқув юртида тайёрланиши мақсадга мувофиқ . Бундай олий ўқув юрти Республикада ягона бўлган шу соҳада кадрлар тайёрлайдиган “Кутубхона ва ахборот фаолиятини бошқарув” факультетига эга бўлган А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ҳисобланади.

Борисов В.А. – заведующий сектором
психологии и социологии чтения Нацио-
нальной библиотеки Узбекистана имени А. Навои

# ПРИКЛАДНОЙ АСПЕКТ ПСИХОЛОГИИ И СОЦИОЛОГИИ ЧТЕНИЯ В ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПРАКТИКЕ БИБЛИОТЕКАРЯ

Автор обосновывает использование методов социологии чтения в библиотечной практике, описывает основные направления работы Национальной библиотеки в области психологии чтения. Раскрывается взаимосвязь и взаимозависимость между информационной средой и условиями деятельности библиотеки, а также библиотекаря-профессионала и читателя, как своеобразной мыслящей личности.

Миллий кутубхонада мутолаа психологияси ва социологияси соҳасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида сўз боради. Мутолаа психологияси ва социологиясининг амалий жиҳатлари очиб берилган.

It proves the usage of methods of reading sociology in library practice. The basic directions of work of National library in the field of psychology of reading are described. It is revealed the interrelation and interdependence between the information environment and conditions of library activity, and also the librarian-professional and the reader, as original-thinking person.

Значение чтения в жизни общества и отдельно взятой личности очень огромно и многогранно в становлении, развитии и совершенствовании. Чтение можно рассматривать и как одну из сторон духовной жизни общества, и как психологическую деятельность личности. Разнообразные функции чтения (познавательная, эстетическая, самообразовательная, профессиональная, этическая, духовная и т.п.) реализуются через его главную функцию – коммуникативную.

Чтение – коммуникативная деятельность, направленная на извлечение зафиксированных в тексте сообщений. Оно входит в сложную коммуникативную цепь: автор – редакция и издательство – печатная продукция – каналы её распространения – читатель. Каждое звено этой цепи связано с обществом.

Своеобразие подхода той или иной науки к изучению чтения зависит от того, какие звенья коммуникативной цепи выдвига-

ются на передний план. Библиотековедческие дисциплины изучают взаимоотношения в подсистеме «печатная продукция – библиотека – читательская аудитория».

Читатель, как пользователь библиотеки – главное лицо, которому предоставляется печатная продукция для чтения. Причём библиотека, как государственное учреждение культуры обязано обеспечить информационные потребности читателя с целью формирования активного, эрудированного, профессионального, духовно развитого члена общества.

Важнейшим положением библиотеки является обеспечение одного из существенных конституционных прав граждан – свободы доступа к информации, которая во всём мире признаётся открытой и которая не представляет государственной или коммерческой тайны. Именно такая информация сосредоточена в государственных информационных ресурсах. Они признаются открытыми и общедоступными.

Следует сказать, что читатель это ещё и личность, со своим мировоззрением и пониманием окружающего мира. Исходя из этого, чтение отдельно взятой личности или социальной группы имеет свои особенности: потребности, интерес, спрос, вкус, мотивы и установку на чтение конкретно определённой книги, журнала, газеты.

Все эти особенности выбора и направленности чтения отражают читательскую психологию личности, которая является предметом исследования социологии и психологии чтения.

В целях эффективного удовлетворения запросов читателя библиотека должна комплектовать свои фонды, учитывая социально-психологические потребности её пользователей. Современное положение книгоиздательского дела, состояние книжного рынка, а также учёт читательских вкусов и читательские настроения составляют социологическую сторону влияния на формирование фондов отдельно взятой библиотеки, исходя из её типа и приоритетов.

Мы придерживаемся позиции социальной активности читательской деятельности различных групп пользователей библиотек с целью исследования читательского спроса и его удовлетворения. Специфика библиотечной работы создаёт уникальные условия наблюдения за тем, что читают, что хотели бы прочесть, от чего отказались читатели. Библиотекарь, как социолог, должен владеть методами и приёмами изучения читательских потребностей: опрос, анкетирование, интервьюирование, анализ документации.

Для того, чтобы качество библиотечного обслуживания и комплектования были эффективными, они должны быть основаны

на научном исследовании спроса и предложений информационных потребностей читателя. С этой целью сектор психологии и социологии чтения Национальной библиотеки Узбекистана выпустил памятку в помощь работе библиотек республики и библиотечных кадров **«Как провести маркетинговое исследование»**, в которой раскрываются основные понятия, подходы и схема исследования рынка информационных услуг. Особое внимание уделено вопросам: кто может провести исследование, как избежать некачественных данных, какой метод исследования выбрать.

Касаясь роли психологии чтения в практике библиотекаря, мы видим её функцию в приобщении к чтению молодёжи, развитии духовно развитой личности через обучение культуры работы с информационными источниками.

Проблемы информационной грамотности, культуры чтения и самообразования выходят на уровень задач, от которых зависит благополучие нации. Национальная библиотека Узбекистана ставит своей целью распространение идей культуры чтения, самообразования и оптимальной организации интеллектуального труда.

В связи с этим в библиотечной практике апробированы и внедрены следующие мероприятия по работе с читателями: 1. Тренинг «Эффективное чтение», помогающий развить навыки, направленные на понимание текста. Проводится в рамках ежегодного Праздника чтения. 2. Библиотечные уроки «Как пользоваться библиотекой» рассказывают об отделах Национальной библиотеки и их фондах, знакомят со справочно-библиографическим аппаратом и эффективным пользованием электронным каталогом и системой навигации Интернет. 3. Постоянное функционирование клуба любителей чтения «ReadArt» (при поддержке Британского Совета), позволяющего развить критическое мышление к читаемому. 4. Выпуск методико-рекомендательных пособий в помощь работе читателей библиотек на узбекском и русском языках.

Так, были подготовлены следующие пособия: *«Рациональный способ запоминания текста»* и *«Работа с книгой»*. В пособии **«Рациональный способ запоминания текста»** раскрываются методы запоминания текстовой информации, построенные на установлении смысловых, логических связей внутри запоминаемого материала, а также между ним и уже накопленными знаниями, т.е. – рационального чтения. Главным в рациональном способе запоминания является осмысление, максимальное приближение запоминания к процессу мышления. Следующее пособие **«Работа с книгой»** знакомит читателя с правилами чтения, о которых рас-

сказывается в пяти блоках пособия: 1. Цели чтения – какие цели мы преследуем для выбора той или иной книги; 2. Структура книги – из чего она состоит и что даёт беглый просмотр книги, если приходится иметь дело с множеством книг и все их невозможно прочитать; 3. Работа с текстом – учит читателя выделять главное из прочитанного. Здесь даются рекомендации и упражнения на формирование логического мышления, внимания, прогнозирование текста и выдвижение гипотез к тексту, т.е. глубокого его осмысления и понимания перед, во время и после чтения. 4. Пометки в книгах – кратко описываются приёмы помет в книгах; 5. Записи прочитанного – знакомят с тем, что представляет собой план, выписки, тезисы, аннотации, резюме, конспект, реферат и как эффективно их оформить. Сжато излагая мысли автора на бумаге, читатель приобретает важные навыки: умение отбирать и обобщать главное, кратко формулировать основные положения, анализировать прочитанный материал. Содержание книги благодаря этому прочно остаётся в памяти. Пособия предназначены для широкого круга пользователей библиотек, специалистов, работающих с читателями и книгой.

Библиотекарь – профессия, содержанием которой является библиотечная деятельность, она постоянно изменяется и вносит свои коррективы в работу. Характерная особенность сегодняшнего дня – успеть за изменениями. Национальная библиотека рада поделиться опытом работы в области читательской психологии с другими библиотеками, а также помочь работникам библиотек использовать методы социологии и психологии в своей работе, что делает профессию библиотекаря увлекательной и общественно значимой.

Литература:

1. Борисов В. А. Формирование культуры чтения как задача библиотечной работы // Бетгеровские чтения – 2004. Тема круглого стола: «Проблемы активного и творческого использования ресурсов библиотек». – Т., 2005. – С. 131 – 134.

2. Борисов В. А. Читательский клуб в Национальной библиотеке Узбекистана // Интернет и библиотечно-информационные ресурсы в науке, культуре, образовании и бизнесе: Материалы III международной конференции "Central Asia 2004".- Т.: Национальная библиотека Узбекистана им. А.Навои, 2004.- С. 192-197.

3. Борисов В. А. Чтение – творческий процесс.-URL:http://readover.freenet.uz/

Горбунова Л.Б. - заведующая Молодежным
информационным ресурсным центром
Национальной библиотеки
Узбекистана им. А. Навои.

# ИДЕАЛЬНЫЙ БИБЛИОТЕКАРЬ

(проблемы подготовки кадров библиотечных работников Узбекистана)

Во время изучения дисциплины «Электронный каталог» студенты знакомятся с тем, что такое база данных по многоотраслевой тематике, включающей сведения обо всех источниках, поступающих в библиотеку – книгах (законченных, продолжающихся и серийных изданиях), периодических изданиях (журналах, газетах и др). Во время изучения данного предмета студенты знакомятся с различными форматами и составляют описания: монографическое, сводное, упрощенное для книг, аналитическое и другие. При этом студенты осваивают различные правила и технологии заполнения рабочих листов для ввода информации с них в базу данных электронного каталога. Этот предмет также является во многом практическим и трудным, так как требует знания компьютерной технологии и технологии составления различных видов описаний произведений печати. Специалистам информатикам, необязательно знание правил составления библиографического описания, так как при вводе данных в электронный каталог информации необходимо отвечать на вопросы полей составляющих рабочие листы автоматизированных библиотечно-библиографических систем (9).

Для успешной работы на ИРБИС необходимо изучение дисциплины «Автоматизированное рабочее место библиотекаря и библиографа», где студенты знакомятся с теорией создания электронного каталога, что такое автоматизированное рабочее место, виды и содержание автоматизированных рабочих мест, структура их построения, выполняемые функции и задачи, виды обеспече-

ния автоматизированных рабочих мест и проблемы их проектирования; назначением автоматизированных мест; целями их создания и перспективами развития. Естественно, что лабораторные занятия по этому предмету студенты проходят в компьютерных классах, используя на практике ИРБИС. Любая автоматизированная библиотечно-информационная система имеет в своём составе техническое обеспечение и поэтому при изучении предмета «Информатика и технические средства» студенты наряду с освоением информационных технологий изучают технические средства и проводят лабораторные работы. В результате происходит сочетание изученных компьютерных технологий с необходимыми техническими средствами. Поэтому предмет содержит вопросы классификации технических средств и их изучение в широком диапазоне. Компьютерные классы, имеющиеся в ТашГИК, позволяют проводить лабораторные работы интересно, и в разных направлениях, вплоть до применения видеопроекторов при чтении лекций в больших аудиториях.

Из описанного выше следует, что все-таки студенты факультета УБИД должны заниматься составлением и пониманием тех программных систем и средств, с которыми им приходится работать, и далее с автоматизированными библиотечно-информационными системами, электронной библиотекой, электронными документами и появлением нового дистанционного вида обучения. Поэтому, на кафедре ведется предмет «Рабочая профессия: оператор персональных ЭВМ». Этот предмет по своему содержанию дает основу для внедрения информационных технологий и предназначен для изучения теории и практики основ персональных ЭВМ и приобретения навыков работы на компьютере, приобретения знаний по составлению различных алгоритмов и программирования на каком-нибудь языке, например, Паскале. Полученные знания в области программирования направлены на освоение многих предметов проводимых на кафедре.

Проведенный анализ содержания, связи между собой и обоснование их необходимости приводит к следующему:

А. Бакалавры, выпускаемые факультетом «Управление библиотечно-информационной деятельности» получают знания достаточно высокие в области компьютерной, информационной технологии и Интернет.

Б. Полученные знания позволят работать не только в традиционных, автоматизированных и электронных библиотеках, но и всюду, где требуются знания по компьютерной, информационной технологии и Интернет.

Отметим, что научный потенциал кафедры состоящей из 10 педагогов, является достаточно высокимюм. На сегодняшний день здесь работают два профессора - доктора технических наук; три доцента - кандидаты технических, физико-математических и экономических наук; молодой - кандидат технических наук и имеющие большой практический опыт работы в библиотеках педагоги. К защите подготовлена одна докторская и одна кандидатская диссертации в области информационных технологий. Научный потенциал кафедры «Информатика и технические средства» составляет более 60%.


Литература

1. Каримов И.А. нутқи. «Халқ сузи». - 2005.- 21 сентябрь.

2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури туғрисида». - Т., 1997.

3. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси IX сессиясида сузлаган нутқи, 1997 йил 29 август – Т., 1997.

4. Арипов М.М., Икрамова Х.З., Якубова М.З, ва бошқ. Информатика. Ахборот технологиялари: Олий укув юртларининг ҳамма бакалавр йуналишлари учун ўқув қулланмаси. 2-қисм. – Т., 2003. – 426 б.

5. Якубова М.З., Маннонов Б.А. Разработка электронных документов на Word. Учебно-методическое пособие. - Т., 2005. - 60с.

6. Каримов У.Ф. Внедрение ИРБИС в библиотеки Узбекистана, успехи и проблемы//Восьмая международная конференция и выставка «Информационные технологии, компьютерные системы и издательская продукция бля библиотек»: Сб. материалов. – М., 2004.

7. Каримов У. Электрон каталог яратишда авторитет файллардан фойдаланиш // Тошкент Давлат Техника Университети "Хабарлари". - 2005. - №2. – Б. 15-21.

8. Соколов А.В. Автоматизация библиографического поиска. - М., 1981. - 167с.

9.Воройский Ф.С., Шрайберг Я.Л. Корпоративные автоматизированные библиотечно-информационные системы: состояние, принципы построения и перспективы развития. - М., 2003.

Нигматова З.А. - «Библиография ва
ҳужжатшунослик» кафедраси
катта ўқитувчиси.

# КИТОБ–КУТУБХОНА–ИНТЕРНЕТ

Китоб—кутубхона—интернет тизимларининг ўзаро боғлиқликлари тўғрисида сўз боради.

Рассматриваются вопросы, посвящённые важнейшим средствам информации – книге, библиотеке и интернету.

It is considered the issue of the major news media - book, library and the Internet.

Китоб — тафаккурнинг толмас қаноти деб таъриф беришганда, унинг маънавий оламни бойитиш, юксак ижодий ва яратувчанлик орзулари ичида ҳаракат қилиб яшаш, назарда тутилган бўлса керак. Буюк боболаримиз бола тарбиясида китобнинг ўрни катталигини, китобни ниҳоятда кадрлашга, бебаҳо адабий меросдан самарали фойдаланиш кераклигини таъкидлаб ўтганлар. Улар қаҳратон қиш кунларида ҳам, ойдин ва қоронғу кечаларда ҳам бир жойга тўпланишиб китобхонликлар, ғазалхонликлар ўтказишган ҳозирги тил билан айтганда, адабий кечалар қилишган. Бундай китобхонликларга махсус уюштирилмасдан, оддий ҳол ҳисобланиб, ўз ихтиёрлари билан боришган.

Китоб нима? Савол кўпчилик учун риториктик туюлиши мумкин. Биз ҳар куни, ҳар соатда китобга дуч келамиз ва шунинг учун китоб нималигини яхши биламиз. Бу савол бир қаращда шундай туюлади. Аммо иборага эътибор берсак маъно кенглиги эътиборга лойиқдир. Масалан: Мен китобни столга қўйдим ёки ёзувчи янги китобни ёзиб битирди. Бу ибораларда китоб икки хил тасаввур этилади. Улардан биринчисида моддий маданият маҳсули ҳақида, босмахонада тайёрланган муайян шакли, ўлчамлари, ҳақида сўз юритилса, иккинчисида ижтимоий сиёсий тафаккур, илм-фан, адабиёт, санъат ҳақидаги асарларни назарда тутиш мумкин. Биринчисида китобнинг моддий моҳиятига эътибор берилса, иккинчисида унинг мазмуни таъкидланади.

Китоб пайдо булгандан бери инсонга ҳамроҳлик қилиб келади. Китоб ҳамма давр ҳамма халқларнинг энг улкан кашфиёти булиб, авлодларнинг тажрибасини жамлаш ва жамғаришга кумак беради. Қабилалар, одамлар, давлатлар йуқолиб кетаверган, аммо китоб қолаверган.

Инсониятнинг жуда куп машҳур донишмандлари китоб шаънига миннатдорчилик ва таскин сузлар айтиб қолдирганлар. «Китоб-мангуликка йул олган донолар хотирасига қуйилган ёдгорлик» - деб айтган эди. XVII аср инглиз шоири Уильям Дэвенант. Китоб тушунчаси таърифини характерли туркумларга булиб урганганда, биринчидан мутлақо тасвирий жиҳатдан таърифлаш характерли булиб, китоб ҳаммага тегишли нарса сифатида ёндошилиб, унинг ташқи куринишигина тасвирланади. Иккинчидан таърифларда китобнинг мазмунини, аниқроғи-шу мазмун моҳиятини акс эттиришга ҳаракат қилинади. Учинчи туркум таърифларида китобнинг ташқи аломатларига боғлиқ куринишлар билан унинг мазмунини, қандай китобхонга мулжалланганлигини акс эттиришдан иборатдир. Юқоридаги туркумларнинг таърифларидан бизга маълум булганларидан энг биринчиси 1740 йили Парижда чиққан «катта тарихий луғат» саҳифаларида берилган «китоб—нимадир ёзилган ёки босилган муайян миқдордаги варақлар тупламм»дир дейилса, 18 асрда Францияда Дени Дидра ва Жан Даланберларнинг асарлари тупламида эса «Китоб—бу китобхонни бирон бир - соха буйича маърифатли қилиш ҳамда уни вақтини чоғлаш учун ақлли кишилар томонидан ёзилган битикдир. Китобга яна адабий-маърифатли кишининг узи кашф этган, синаб курган ва туплаган нарсаларни жамиятга ва авлодларга маълум қилиш учун ёзилган асар тарзида таърифи берилса ҳам булади, жилд ҳолига келтириш учун у етарли ҳажмга эга бўлиши лозим»-деб ёзилган (1.Немировский Е.А. Что такое книга? - Т., 1988. – С. 24)

Узоқ утмишдан китобга берилиб келинаётган таърифлардан тушуниш мумкинки, китоб нафақат инсониятнинг ёзма хотираси балки унинг бугуни ва келажагини башорат қилиб берувчи бир муъжизадир.

Сунгги йилларда Республикамизнинг етакчи газеталарида Озод Шарофутдинов, Умарали Норматов, Барат Бойқобилов, Анвар Обиджон, Мурод Хидиров, Абдулла Аъзамов ва Сирожиддин Саидларнинг китоб ва китобхонлик ҳақида мунозарали мақолалари чоп этилди. Бу мақолаларда китоб ва китобхонлик мадания-

тини шакллантиришда кутубхоналарнинг ўрни алоҳида эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Ёзувчи А.Аъзамовнинг «Китоб» деб номланган мақоласида «Китоб ўқиш — китобни қўлга олишдан бошланади. Шундай китоблар борки, балки уларни энди ўқирсиз ё ўқий бошлагандирсиз, ёки бир неча марта ўқиб чиққандирсиз, барибир қўлга олишингиз билан руҳиятингизда ўша заҳоти ўзгариш рўй беради», - деб таъриф беради. Яна «Ўтган кунлар» ни ўқиб, Кумушнинг вафотига етганда ҳаяжонга тушиш — инсонийликдан бир белги-деб ёзади муаллиф.

Албатта бадиий асар ўқиш биринчидан одамнинг руҳиятига боғлиқ. Иккита ёки учта китоб ўқиган, лекин ўзининг ақл-идроки билан шуҳрат қозонган, илмий кашфиётлар қилиб, дунёга машҳур бўлган инсонлар ҳам бор. Айрим инсонлар мунтазам китоб ўқиш одамни реал ҳаётдан узоқлаштириб қўяди дейдилар. Лекин бир нарса аниқ: китоб инсонга руҳий мадад беради, кўнгилга хотиржамлик бағишлайди ва фикрлашга ўргатади. Ҳозирда жамиятимиз тараққиётига бир назар солсак ахборот олишнинг бир нечта йўналишлари мавжудлигини кўрамиз. Буларга радио, телевидения, вақтли матбуот, компьютер ва ниҳоят интернетни киритишимиз мумкин. Компьютерни кашф этилишида шундай бир гап бор: ҳар қандай одам ўз манфаатини ўйлаб бирон бир кашфиётни қилади ва у бутун инсониятга фойда келтиради. 1969 йили Америкалик ҳарбий мутахассислар томонидан интернет тармоғи биринчи марта ишга туширилди ва бу соҳада кескин ўзгариш рўй берди. Интернет тармоғи радио, телеэфир ва бошқа алоқа воситаларидан ўтиб кетди ва ривожланиб бормоқда. Статистика маълумотларига қараганда 2003 йили 250 миллион киши интернетдан фойдаланар экан. Уларнинг сони ҳар йилига бир неча миллионга ошиб бормокда.

Ўзбекистонга эса Интернет 10 йил олдин кириб келди. Ҳозирда эса Интернет тармоғи кириб келмаган мамлакат бўлмаса керак. Мамлакат ҳаётида янгиликни жорий этишда шу давлат раҳбарининг ташаббуси муҳим аҳамиятга эга. Ана шу ташаббуслардан бири 2002 йил 30 майда эълон қилинган «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» ги Президент фармони эди. Шундан сўнг бу борада катта ишлар амалга оширилди. Интернет, электрон почта, электрон рақамли имзо, савдо-сотиқ, интернетдаги ахборотларнинг муаллифлик ҳуқуқига оид қонунлар, ҳукумат қарор-

лари қабул қилинди. Интернет-ахборот олишнинг битмас-тугамас мажмуига айланди. Ундан хоҳлаган киши хохлаган мавзудаги маълумотни олиши мумкин. Аммо интернет ёшларнинг интеллектуал ривожланишига, китобхон сифатида шаклланишига катта салбий таъсир курсатади. Интернетдан фойдаланувчи китобхон билан уни акси булган китобхонлар дунёқарашида фарқ борлиги маълум булмоқда. Бугун Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчи 800 мингдан ортиқ инсонларни аксарияти ёшлар эканлигини эътиборга олсак, бу жиддий муаммоларга олиб келиши мумкинлиги ойдинлашди. Ёшлар интернетдан қандай фойдаланмоқдалар Аммо бу саволга ҳар доим ҳам ижобий жавоб олишмайди.

Аҳлоқ чегарасидан чиқиб кетган, миллийлигимизга даҳли булмаган веб-сайтлар орқали ғоявий жиҳатдан заҳарли булган нарсалар таъсирига тушиб қолмокда. Бу эса ёшларнинг дунёқарашида, ақлий ривожланишида салбий куринишларни келтириб чиқармокда. Республикамизда «UZ» миллий тармоғида 100 мингдан ортиқ сайт руйхатга олинган. Бу сайтлар орасида бебаҳо ахборот манбалари булган сайтлар жуда куп. Ёшлар шулардан фойдланса яхши булар эди. Ахборот айрибошлаш- бу тенгсиз манбага эга булиш демакдир. Бугунга келиб Интернет орқали энг катта кутубхоналар фондига кириш, электрон почта хизматидан фойдаланиш қонуний тус олди. 50 йилларда вужудга келган телевидение, 70-80 йилларда бир қанча муаммоларни келтириб чиқариб, одамлар телемания билан хасталаниб қолган эди. XXI асрга келиб телевидения театрни, радиони, матбуотни, китобхонликни жамиятдан сиқиб чиқариши башорат қилинган эди. Замон бундан кечмади. Ҳозирда театр ҳам, радио каналлари ҳам кундан-кунга купайиб, матбуотда турли газеталар, журналларнинг номи ва сони ортиб бормоқда. Телемания – термини муомаладан чиқиб кетди. Юқоридаги айтилган ҳамма нарса уз урнида фаолиятини давом эттириб келмоқда. Шулар жумласига интернет тизимини ҳам киритса булади. У шу ахборот олиш манбаидир. Турли хабарлар, янгиликлар, билан бирга янги адабиётлардан фойдаланиш ва бошқа афзалликлардан ташқари, унинг ёшларда китобхонлик фаолиятини оширишига ёрдам беришига ҳам ишонч билан қараш мумкин.

Савочкин М.П. – инженер-программист
Центра информационных технологий,
магистрант Ташкентского государственного
института культуры им. А. Кадыри

## ТРАДИЦИОННЫЙ ИЛИ ЭЛЕКТРОННЫЙ ДОКУМЕНТ

Коротко дан обзор такому понятию как электронный документооборот, проанализированы основные требования к программам автоматизации, выполняемые ими функции. Дан анализ состояния документооборота в Ташкентском государственном институте культуры.

Электрон ҳужжат айланиши тушунчасига изоҳ берилган ва Тошкент Давлат маданият институтида электрон ҳужжат айланиши қай аҳволдалиги тўғрисидаги фикрлар баён қилинган.

A short review of such notion as electronic document processing is given in this article, main requirements to software of the automatisation, their functions are analysed here. The condition of the document processing in Tashkent State institute of the culture is given as a sample of general problems.

В любых организациях и учреждениях со временем сталкиваются с ростом объема информации, а, следовательно, и с увеличением числа служебных документов. Тенденции развития общества сегодня требуют кардинального пересмотра всей системы документооборота. Все большее распространение получают системы электронного документооборота, которые позволяют создавать и обрабатывать документы электронными средствами.

Что же такое электронный документооборот? Под электронным документооборотом, как правило, понимают целый комплекс средств автоматизации различных видов деятельности, которые условно можно разделить на четыре группы.

Первая группа - это средства создания и модификации электронных документов. Этот процесс достигается за счет использования различных офисных приложений типа Microsoft Word, Excel и др.

Вторая составляющая комплекса - средства автоматизации де-

лопроизводства. Этот вид деятельности обеспечивает типизацию оформления и учета (регистрации) документов на предприятии. Типизации оформления можно достичь также за счет использования офисных программных пакетов.

В третью группу входят системы организации коллективной работы с документами, которые автоматизируют процесс передачи и обработки документов внутри учреждения.

Как четвертую группу можно выделить непосредственно систематизированный архив электронных документов.

Как же решается вопрос документооборота в Ташкентском государственном институте культуры?

К сожалению, на сегодняшний день в нашем институте в процессе документооборота не используется никакой системы автоматизации.

Практически полностью автоматизирован процесс обмена документами с Министерством высшего и среднего специального образования. Для получения / отправки документов необходимо зайти на сайт https://performance.edu.uz/index.php и введя имя и пароль получить доступ к базе документов – поручений. Дальше происходит скачивание самого документа, после чего ставится отметка о получении этого документа. Информация о закачке отправляется ответственному за данное поручение лицу. По выполнении поручения файл с документом загружается на сайт и информация о завершении опять отсылается ответственному. Как обязательный параметр в системе указаны куратор поручения, дата начала и дата завершения поручения.

Единственное, на мой взгляд, неудобство такого документооборота – зависимость от работы Интернета в институте и сервера Министерства.

Внутри же института дела обстоят иначе. Весь электронный документооборот сведен к простому копированию файлов по локальной сети института. Это естественно имеет недостатки:

- для получения информации надо постоянно проверять общие папки своего компьютера. В данном случае нельзя говорить о своевременности получения информации;

- отправитель информации не может удостовериться, что его документ получен и просмотрен;

- исполнитель также не может быть уверен, что его ответ получен лицом, давшим данное поручение;

- тот факт, что компьютеры института имеют разную конфи-

гурацию, а, следовательно, и разное программное обеспечение и офисные приложения, оставляет открытым вопрос о типизации и доступности документов для разных пользователей;

- учитывая, что общие папки компьютеров являются общими для ВСЕХ пользователей сети, нет никакой гарантии в том, что документы не будут удалены или изменены другими пользователями, случайно либо преднамеренно.

Из достоинств данного вида «документооборота» можно назвать только его бесплатность, т.к. для его осуществления не используются никакие специализированные системы и программы.

Отсюда следует один единственный вывод. Для максимально рациональной организации документооборота в институте необходимо внедрить систему электронного документооборота.

Итак, что же из себя представляет идеальная система электронного документооборота (СЭД). Прежде всего, она должна обеспечивать все функции бумажного документооборота до тех пор, пока часть жизненного цикла документа протекает в бумажной форме. Иначе предприятию придется поддерживать две технологии документооборота, причем, в общем случае, на одном и том же множестве документов.

В рамках СЭД электронные версии документов могут существовать наряду с бумажными либо вместо них. Система, осуществляющая электронный документооборот, должна отвечать следующим требованиям:

- обеспечивать возможность легкого перевода документов из бумажной в электронную форму;

- осуществлять разграничения доступа к документам и их маршрутизацию;

- поддерживать механизмы обсуждения и согласования документов, их публикации и подписку на рассылку извещений об изменениях в документах;

- быть оснащена средствами защиты документов (криптография, электронная подпись), соответствующими требованиям законодательства.

Использование СЭД напрямую зависит от объема документооборота, т.е. чем больше объем документооборота, тем более оправдано использование автоматизированных систем. Однако эффективность автоматизации в первую очередь зависит от того, насколько широко она охватывает все сферы деятельности организации, насколько разные программные модули могут быть

интегрированы в единую автоматизированную систему масштаба организации.

На сегодняшний день степень автоматизации документооборота зависит, прежде всего, от двух факторов: от уровня оснащения компьютерной техникой учреждения и непосредственного отношения руководства к вопросам организации управления

Безусловно, по мере создания локальных сетей, охватывающих управленческий персонал предприятия, появляется интерес к использованию той или иной технологии электронного документооборота. Однако внедрение сколько-нибудь серьезной системы управления документационной деятельностью требует осмысленной позиции руководителей предприятия.

Все используемые системы документооборота можно условно разделить на три группы: иностранные продукты, продукты российского производства и заказные разработки.

Широкое применение иностранных продуктов менее вероятно т.к. довольно сильно ощущается разница в подходах к организации деятельности и дисциплине работы с документами.

Говоря о российских системах документооборота, обычно, имеют в виду готовые комплексные решения, учитывающие российские стандарты и сложившуюся культуру управления. Российские пакеты терминологически несколько ближе нашим делопроизводителям и, конечно, дешевле.

И все же наиболее эффективными считаются заказные проекты по документообороту. Объясняется это многообразием форм существования и специфики функционирования “документооборотов“ для различных отраслей и видов бизнеса, просто из-за “особенных“ стандартов предприятия в области работы с документами.

Полный переход на безбумажную форму документооборота сегодня невозможен. И этому существует ряд причин.

Во-первых, документооборот не возможен исключительно в рамках одной организации. Некоторая часть документов в любом случае должны выходить за ее границы. Возможность полного безбумажного документооборота станет полностью возможной только тогда, когда все организации единовременно внедрят систему автоматизации делопроизводства и управления документооборотом.

Во-вторых, для повсеместного электронного документооборота на сегодняшний день пока нет соответствующей инфраструк-

туры и достаточного уровня подготовки пользователей.

Внедрением электронного документооборота можно достигнуть следующих ощутимых результатов:

– усиливается ответственность каждого сотрудника за выполнение и доведение до конца любого выданного ему задания;

– ускоряется документооборот, что отражается на скорости и качестве работы самой организации;

– обеспечивается взаимозаменяемость сотрудников, поскольку все нерешенные задачи и документы регистрируются в системе;

– повышается уровень корпоративной культуры, которая нацеливает каждого сотрудника на достижение общих целей предприятия;

– все документы, создаваемые сотрудниками в ходе выполнения работы, сохраняются в электронном хранилище документов. Это позволяет осуществлять быстрый поиск необходимых документов. В результате предотвращается потеря документов, сокращается бумажный документооборот (не нужно копировать документ для одновременной работы с ним нескольких сотрудников, а также печатать его промежуточные варианты в процессе согласования).

Как видно из вышесказанного, электронный документооборот – довольно важная составляющего процесса функционирования любого современного учреждения или организации. В результате внедрения в практику СЭД организация становиться единым отлаженным механизмом, который легко управляем, и позволяет современному руководителю легко воплощать в жизнь все новые решения.

## III. КУТУБХОНАЧИЛИК ИШИ ТАРИХИДАН. КУТУБХОНАЧИЛИК ТАРИХИДА ШАХС.

## III. ИЗ ИСТОРИИ БИБЛИОТЕЧНОГО ДЕЛА. ЛИЧНОСТЬ НА ФОНЕ ИСТОРИИ.

Туропов М.М. – Абдулла Қодирий
номидаги Тошкент Давлат Маданият
институти доценти, п.ф.н

### А.А СЕМЁНОВНИНГ БИБЛИОГРАФИК ФАОЛИЯТИ

Библиограф А.А.Семёновнинг кўп қиррали илмий фаолияти ва бутун ҳаёти давомида Ўрта Осиёни ўрганишга ва унинг маданиятини ривожлантиришга бағишланган ишлари тилга олинган. А.А.Семёновнинг библиографик фаолияти тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Рассказывается о деятельности известного ученого востоковеда, библиографа, академика А.А. Семёнова, показана его роль в изучении Среднеазиатского региона. Описываются его труды, такие как «Обзор Закаспийской области» и др.

It is told about A.A.Semyonov's activity as a known bibliographer, his role in studying the Central Asian region. It is described his works, such as «Beyond the Caspian sea area review», etc.

Йирик шарқшунос олим Александр Александрович Семёнов ўзининг кўп қиррали илмий фаолиятига эга бўлиб, бутун ҳаётини Ўрта Осиёни ўрганишга ва унинг маданиятини ривожлантиришга бағишланган олимлардан бири ҳисобланади.

А.А.Семёнов 1873 йилнинг 30 сентябрида Тамбов губернияси, Шацкий уездининг Польное Конобоева қишлоғида крепостной деҳқон оиласида дунёга келади. А.А.Семёнов Тамбовдаги Екатерина институтини битиргач, Лазарев шарқ тиллари институтига ўқишга кирди ва уни 1900 йили биринчи даражали диплом би-

лан тамомлаб, араб форс ва турк тиллари бўйича ориенталист ихтисосини эгаллади. А.А.Семёнов1900 йилдан то 1906 йилгача Закаспий областида статистика комитетининг секретари булиб ишлади. Бу ерда тиришқоқ олимнинг яна бир ажойиб хусусияти, яъни ўз ихтиёри билан ёки уз ихтиёридан ташқари борган барча жойларни чуқур урганишга интилиш хусусияти намоён булди. Закаспий областида ишлаган даврида А.А.Семёнов "Закаспий области ҳақида обзор"ни ёзиб уни ҳар йили чиқара бошлайди.

Жаҳонга таниқли олимлик номига у ўзининг Ўрта Осиё тарих ва маданиятини урганувчи машҳур илмий ишлари орқали эришди. Фаннинг тарғиботчиларидан булган А.А.Семёнов Ўрта Осиёда библиография ишини ривожланишига ҳам катта ҳисса қушди.

Олимнинг нашр қилинган 239 илмий ишидан 25 таси соф библиографик характерга эга. Булар қўлёзма ва литографик китоблар каталоги, куплаб библиографик қўлланмалардир.

Ёш шарқшунос олим А.А.Семёнов ўзининг библиографик фаолиятини 1906 йили Тошкентга келгандан кейин бошлади. У шу йили Туркистон халқ кутубхонасининг кузатув комитетига аъзо бўлади. Шу вақтдан бошлаб кутубхона фондини тўлдириш ва Ўрта Осиё ҳақидаги адабиётларнинг библиографияси ва каталогларини тузишда фаол иштирок этади.

А.А.Семёновнинг библиография соҳасидаги муҳим ишларидан бири В.И.Межовнинг машҳур "Туркистон тўплами"ни тузишни давом эттиришда иштирок этишидир. 1910 йили Туркистоннинг таниқли ўлкашунос библиографи Н.В.Дмитровскийнинг вафотидан кейин (у 1907 йилдан Туркистон тўпламини тузишни давом эттиришни бошқармоқда эди) А.А.Семёнов бу ишни бошқаради. Унинг бошчилигида то 1916 йилга қадар "Туркистон тўплами"-нинг яна 98 томи тузилди. А.А.Семёнов раҳбарлигида тузилган "Туркистон тўплами"нинг мазмуни В.И.Межов ва Н.В.Дмитровский раҳбарлигида тузилган томлардан фарқ қилади. Бу даврда "Туркистон тўплами "нинг мазмунига систематик характер берила бошлади, яъни ҳар бир томга бир фан соҳасига оид адабиётлар киритилади. Масалан: 546-548, 570, 588, 589 чи томларида тарих ва археологияга оид; 555, 556, 559, 584, 589 чи томларида этнографияга оид; 556-557 чи томларида филологияга оид ва ҳоказо материаллар киритилган. Адабиётларни танлашда унинг илмий ва актуал томонларига ҳам эътибор берилган.

"Туркистон тўплами"га А.А.Семёнов раҳбарлик қилган даврни деб ёзган эди йирик ўзбек библиографи Е.К.Бетгер, - Биз ҳақли равишда Семёнов даври деб аташимиз мумкин. (1)

1912 йили А.А.Семёнов Туркистон халқ кутубхонаси фондида

сақланаётган 231 та шарқ қулёзма ва 569 та литографик китобларнинг каталогини тузади. **(2)**

Шуни эслатиб утиш керакки Туркистонда қулёзма китобларни библиографиялаш иши билан биринчи булиб шарқшунос олим Е.Ф-.Каль шугулланиб, у 1889 йили "Туркистон халқ кутубхонасидаги шарқ қулёзма асарларининг каталоги»ни тузган. Бу каталог йирик шарқшунос олимлар В.Р.Розина **(3),** В.В.Бартольд **(4)** томонидан юқори баҳоланган. Шунинг учун ҳам Е.Ф.Каль Туркистонда қулёзма асарларни библиографиялаш ишида асосий уринни эгаллайди. Е.Ф-.Кальни шарқ қулёзма асарларини библиографиялаш методикаси, сузсиз А.А.Семёновнинг бу соҳадаги қилган ишларига асос булди.

Юқорида эслатиб утганимиздек А.А.Семёнов Е.Ф.Кальдан сунг 20 йилдан кейин қулёзма асарларни библиографиялашни давом эттириб, Туркистон халқ кутубхонаси фондидаги қулёзма асарларнинг каталогини тузади. Лекин бу иш нашр қилинмай қолади ва ҳозир Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти кутубхонаси фондида сақланмоқда.

1912 йилдан бошлаб рус шарқшунослари орасида биринчи булиб А.А.Семёнов Туркистондаги маҳаллий литографик нашрларни урганишга киришди ва Туркистон халқ кутубхонаси фондида сақланаётган литографик китобларнинг қулёзма каталогини тузди. Каталогда араб шрифти билан ёзилган 569 та китобнинг автори ва сарлавҳаси буйича тасвири берилган. Айни пайтда бу каталог шарқ китоблари нашри орасида дастлабки иш булиб илмий аҳамиятга эга булди.

А.А.Семёновнинг Туркистон халқ кутубхонасидаги литографик нашрларнинг каталогини ва қулёзмалари руйхатини тузиш буйича олиб борган ишлари библиографияда узига хос мактаб булиб, келгусида бу соҳанинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга булди. Библиография А.А.Семёнов илмий фаолиятининг таркибий қисмидир. Бу соҳа олимга алоҳида илмий мавзулар устида иш олиб боришда ёрдам берди.

А.А.Семёнов библиография ёрдамида адабий манбаларга илмий ҳаёт багишлади. У К.А.Иностранцев ва Я.И.Смирновнинг "Мусулмон археологияси библиографияси учун материаллар" (1906) ҳамда А.А.Боголубовнинг "Ўрта Осиё гиламдузлик буйича тадқиқотлар" олиб борди. Масалан: 1911 йили «Этнографического обозрение" журналида А.А.Семёновнинг "Рус Туркистони гиламлари" деган қизиқарли тақризи босилиб чиқади. С.М.Дудин фикрича А.А.Семёновнинг бу тақризи уз моҳиятига кура Урта Осиё гиламдузлиги ҳақида библиографик нашрлар соҳасидаги дастлабки илмий ишдир. **(5)**

А.А.Семёновнинг Урта Осиё гиламдузлиги ҳақидаги библио-

график курсаткичи икки марта нашр этилган. Унинг 1925 йилда босилган "Урта Осиё гиламдузлиги буйича адабиётларнинг библиографик курсаткичи"да 199 га рус ва чет эл нашрлари ҳисобга олинган. Курсаткичдаги адабиётларнинг мазмуни ва илмий аҳамияти аннотация ёрдамида очиб берилган.

А.А.Семёнов узининг илмий ишларини библиографик безашга ва уларга илмий ёрдамчи аппаратини тузишга алоҳида эътибор берар, бой библиографик материаллар билан тулдирар эди. Масалан: "Бухоролик шайх Баҳовуддин", XVII асрда Ўрта Осиёлик номаълум файласуфнинг «Сократ ҳақидаги Трактатлар" китобларида фойдаланган адабиётларнинг библиографик руйхатида тарихий воқеаларга, дин вакиллари шунингдек турли терминларга изоҳлар берилган.

Республикада библиография ишини ташкил қилишда ҳам А.А.Семёновнинг роли катта. У республикамизнинг йирик библиографлари Е.К.Бетгер, Н.А.Буровлар билан биргаликда кун тартибидаги энг муҳим масала Ўрта Осиё адабиётларининг универсал илмий библиографиясини тузиш ишни ташкил қилишда актив иштирок этди. У 1924 йили шу масала буйича Е.К.Бетгер раҳбарлигида тузилган библиографик бюрога аъзо булди. Бюро узининг қисқа фаолиятида Туркистон ҳақида адабиётларнинг 3 та библиографик қулланмасини тузади. Лекин бу курсаткичлар нашрдан чиқмай қолган эди. 1925—1926 йилларда А.А.Семёновнинг ташаббуси билан ва унинг муҳаррирлигида бу курсаткичлар нашрдан чиқарилди: "Ўрта Осиё гиламдузлик материалларига оид адабиётларнинг библиографияси"; "Бухоро шаҳар марказий кутубхонасида сақланаётган қулёзмаларнинг" каталоги; "Ўрта Осиёда узбеклар тарихига оид вақтли матбуот нашрлар курсаткичи". Бу курсаткичларнинг тузилиш методикаси асосан бир хил, материаллар алфавит тартибида жойлаштирилган. Курсаткичда маҳаллий қулёзма асарлар билан бирга Ўрта Осиё ҳақидаги рус ва чет эл адабиётлари ҳам киритилган.

20-30 йилларда А.А.Семёнов асосан қулёзма асарлар билан ишлашга катта эътибор берди. Бу йилларда у илмий жамоатчиликка ахборот бериш мақсадида Ўзбекистон кутубхоналарида сақланаётган қулёзма асарларининг қатор каталогларини тузади. Булар ичида энг муҳимларидан «Ўрта Осиё давлат университети кутубхонасида қулёзмалар руйхати" (1935). Бу курсаткич қулёзма асарларга тузилган энг йирик библиографик қулланма ҳисобланиб унда 204 та асар ҳисобга олинган. Курсаткичга кутубхона директори профессор А.А.Семёнов суз боши ёзиб, унинг актуаллигини ва Ўрта Осиё халқларининг маданий мероси тарихини урганишдаги аҳамиятини юқори баҳолайди. Курсаткичнинг ки-

риш қисмида А.А.Семёнов библиографик қулланмаларнинг баъзиларига изоҳ ҳам ёзган.

Курсаткичда материаллар тиллар буйича жойлаштирилиб, булимлар ичида фан соҳалари буйича берилган. Библиографик тасвир жуда тулиқ берилган, аннотациясида эса қулёзма тарихи, автор ҳақида, кучириб ёзувчи ҳақида, безаклари, қоғозни сифати ҳақида, маълумотлар берилган.

40 йиллардан бошлаб А.А.Семёнов Ўрта Осиённинг йирик фан арбоблари, адабиёт ва санъат вакилларининг ижодига бағишлаб картотека туза бошлади. Унинг бу соҳада режаси кенг булиб библиография тузишини мулжаллаган эди; лекин бу иш нашр қилинмай қолади. У ҳозир А.А.Семёновнинг архивига топширилган. Картотекада йирик олимлар, ёзувчилар, санъатшуносларнинг ижодига қисқа библиографик очерк берилган.

Бу қулланма кейинчалик Ўзбекистон Фанлар академияси қулёзмаларни урганиш ва Ўрта Осиёнинг XIX асрда яшаган шоир, ёзувчи олимлари ва давлат арбобларининг библиографик луғатини тузишга методик қулланма булиб хизмат қилди. Бу қулланмани тузишга йирик шарқшунос олимлар Б.Э.Бертельс ва П.П.Петрушевскийлар қатнашди. 1945 йилга келиб 500 дан ортиқ шахсларнинг ҳаётини қисқача тасвирловчи материаллар йиғди. Лекин бу иш охирига етказилмай қолиб кетган.

А.А.Семёнов Ўрта Осиёнинг йирик олимлари Беруний, Ибн Сино ва ўзбек адабиётининг асосчиси Алишер Навоий ижодига оид чуқур маъноли ва тулиқ библиографик очеркларни нашр эттирди.

Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейи муносабати билан А.А.Семенов Навоий даврини акс эттирувчи қатор адабий тарихий ва библиографик ишларни бажарди. Бу қулланмаларда узбек адабиётининг йирик вакили булган Алишер Навоийнинг ижодини ривожланиш тарихи ҳар томонлама кенг ёритиб берилган. Булар ичида энг муҳимларидан «Ўзбекистон халқ кутубхонасида сақланаётган Алишер Навоий асарларининг рўйхати». Бу курсаткич Навоийнинг нашр қилинган асарлари матни билан ишловчиларга ёрдам тариқасида тузилган. Алишер Навоий ижодига бағишланган иккинчи энг муҳим курсаткич «Алишер Навоийнинг нашр қилинган асарлари ва у ҳақидаги адабиётларнинг библиографиясига манбалар" номли қулланма булиб, унда Алишер Навоийнинг Тошкент, Москва, Ленинград кутубхоналарида, чет мамлакатларнинг йирик кутубхоналарида сақланаётган асарлари ва у ҳақидаги адабиётлар киритилган. Курсаткичнинг кириш сузида автор бу қулланма шошилинч тузилгани учун унинг тулиқлигига даъво қилмасликни таъкидлайди. Лекин "Қизил Ўзбекистон" га-

зетасида чиққан тақризда унга юқори баҳо берилган. **(6)**[1]

Курсаткичда Алишер Навоий асарлари билан бирга унинг асарларини топиш мумкин булган ғарбий Европа мамлакатлари кутубхоналари каталогларининг руйхати ҳам берилган. Бу курсаткич то 1970 чи йилга қадар, яъни "Алишер Навоий" (рус ва ўзбек) номли курсаткич чиққанга қадар Алишер Навоий ижодини урганувчилар учун муҳим аҳамиятга эга булиб келди.

А.А.Семёновнинг Ўзбекистон кутубхонашунослик тарихига бағишланган, лекин нашрдан чиқмай қолган энг муҳим "Урта Осиё давлат университети кутубхонасидаги шарқ литографик нашрларнинг руйхати" номли библиографик қулланмаси муҳим илмий аҳамиятга эгадир. Курсаткичда 1884-1917 йилларда маҳаллий литографиялар томонидан нашр қилинган 113 та ҳаммаси булиб 565 та китобнинг руйхати берилган. Бу курсаткичда Ўрта Осиёга оид булган Ҳиндистон, Эрон ва Туркияда чиққан литографик нашрлар ҳам акс эттирилган. Ўзининг Ўрта Осиё китоб тарихига оид куп йиллик меҳнатида А.А.Семёнов литографик нашрларга куплаб мурожаат қилган ва у курсаткичга ёзган суз бошида шундай деган эди: «Литографиянинг энг куп тарқалган даври фақат ҳиндистондан бошқа ҳамма шарқ мамлакатларида тугатилган. Шунинг учун ҳам литографик китобларни Шарқ қулёзма китоблари қаторида чуқур урганиш керак".

Бу Туркистонда литографик шаклда нашр қилинган китобларни урганишга булган биринчи уриниш эди. А.А.Семёнов литографик нашрлар пайдо булган вақтдан бошлаб обзор бериб бу соҳадаги ўзбек бойлигига якун ясайди. Лекин 40-йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқ қулёзмалар институти ташкил қилингунга қадар литографик нашрлар тулиқ бир жойга тупланмаган эди. Шунинг учун ҳам А.А.Семёновнинг бу курсаткичи  тулиқликка даъво қилмайди.

А.А.Семёновнинг библиографик фаолиятини якунлар эканмиз унинг 10 томлик Ўзбекистон Фанлар академиясидаги Шарқ қулёзмаларининг каталогини тузишдаги иштирокини алоҳида қайд қилиб утишни истардик.

Бу каталогни тузишда А.А.Семёновдан ташқари шарқшунос олимлардан А.Э.Шмидт, А.И.Кононов, Д.Р.Вороновский, М.А.-Салье ва Ўзбекистоннинг йирик библиографи Е.А.Беттер ва бошқалар қатнашди. 1944 йил Ўзбекистон Фанлар академиясининг сессиясида А.А.Семёнов Шарқшунослик  институтининг фондида қ йил ичида  ёзилган 13 мингдан ортиқ урта аср шарқ қулёзмаларига эга эканлигини мамнуният билан қайд этди.

қулёзмалар фан соҳалари буйича жойлаштирилиб ҳар бир томига унинг мазмунини очиб берувчи кириш сузи берилган. Биринчи томига кириш сузини А.А.Семёнов ёзган булиб, унда Шарқ

қулёзмалар каталоги тузиш тарихига батафсил тухталиб утади.

Каталогда қулёзмаларнинг узоқ даврини тулиқ акс эттириш Ўрта Осиё ва шарқ халқлари тарихи, маданияти, санъатини чуқур урганишга катта имкониятлар яратади. Шунинг учун ҳам бизнинг шарқшунослик фанимиз бутун дунёга машҳур бўлган "каталог" билан ҳақли равишда фахрланади.

"Агарда А.А.Семёнов бутун умр буйи каталог тузиш билан шуғулланганда ҳам Урта Осиё шарқшунослигида муҳим уринни эгаллаган буларди. Лекин бу иш унинг фаолиятининг бир қисминигина ташкил қилади",-деб ёзган эди Б.А.Литвинский ва Н.М.Акрамов. У Ўрта Осиё библиография тарихида, ҳам шарқ китобларини пропаганда қилишда ҳам муҳим из қолдирди.

А.А.Семёнов йирик шарқшунос олим, йирик асарларини ва библиографик қулланмаларнинг автори. У қулёзма асарларни библиографиялаш методикасини ишлаб чиқишда ҳам фикрлар юритиб қулёзма библиографик тасвири буйича махсус инструкция ишлаб чиқди.

А.А.Семёнов Шарқ қулёзма ва литографик китобларга тузган каталоглари ва библиографик қулланмалари унинг Ўрта Осиёда библиография фанининг ривожланишига катта ҳисса қушганлигидан далолат беради ва бу ишлар ҳозирги кунгача илмий ходимлар ва мутахассислар учун муҳим аҳамиятга эгадир.

## ИЗОҲЛАР

1. Бетгер Е.К. Туркистанский сборник и участие в нём А.А.Семёнова // Труды АН Таджикской Сталинабад, 1953.-Т.17.-С.44-47

2. Азимджанова С.А, Вороновский Д.Г. собрание восточных рукописей АН Узбекскистана // Востоковедение фонды крупнейших библиотек Советского Союза. М; 1963. –С.116

3. Розин В.Р. Перседские, арабские и тюрские рукописи и Туркестанской публичной библиотеки/ Сост.Е.Ф.Каль// Записки Вост.отд.Русск.археол.обва.-Сиб;1890.-Т.5. –С.125

4. Бартольд В.В.// Записки Востоковедов . – Пг; 1925.-Т.1. – С.99

5. Дудин С, М.Коврові изделия Средней Азии// Музея антропологии и этнографии Академии наук. Сб.-М; 1928. –Т.7. С.74-75

6. А.Навоий асарларининг библиографияси // қизил Ўзбекистон. -1939. -22 май

Матмурадова М.И. - “Кутубхона ахборот фаолиятини бошқариш” факультети декани муовини

## АЛИШЕР НАВОИЙ НАШРЛАРИНИНГ БИБЛИОГРАФИЯСИ

Ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси, мутафаккир ва сўз санъатининг султони Алишер Навоий ҳақида ва унинг асарлари библиографияси ҳақида маълумотлар берилган.

Дается анализ библиографических пособий на произведения великого поэта, мыслителя, основателя узбекской литературы и государственного деятеля Алишера Навои, рассматривается значение пособий в библиографической практике и проблемы при подготовке библиографических указателей на произведения А.Навои за последние годы.

It is given the analysis of bibliographic literature of the great thinker, founder of the Uzbek literature and political figure - Alisher Navoi. It is considered importances of these bibliographic literature and specific problems of preparing them for the last time.

Ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси, мутафаккир ва сўз санъатининг султони Алишер Навоий ижодини ўрганиш ва уни тарғиб қилиш кишилар ўртасида меҳр-оқибатни, инсонийлик, адолат, сахийлик ва юксак ахлоқийликни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий асарлари беш ярим асрдан буён ўқиб, ўрганилиб, қайта-қайта нашр қилиниб келинмоқда.

Алишер Навоий асарларининг нашрлари ва унинг ҳаёти ҳақидаги адабиётлар бибилиографиясини тузиш шоир ҳаётлиги давридаёқ бошланган.

15 та асарларининг номлари ва умумрўйхатларини дастлаб Навоийнинг ўзи “Муҳокаматул-луғатайн” асарида берган.

Кейинчалик бу маълумот қадимги манбааларда Ғиёсиддин Хондамирнинг “Макорим ул-аҳлоқ” асарида, “Абушка” луғатида ва бошқа қўлёзма ёдгорликларида такрорланади.

“Макорим ул-аҳлоқ” (Олий жаноб хулқлар) номли асарининг аҳамияти шундаки, унда биринчи марта Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ёритилган. Шу билан бирга унинг “Хамса” ва “Чор девони” дан ташқари 20 дан ортиқ турк ва форс тилларида ёзилган асарлари 30 дан ортиқ бошқа шоир ва ёзувчилар, олимларнинг Навоий ижодига бағишланган асарлари ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган.

Хондамир уз асарида Навоий асарининг руйхатини берибгина қолмай, ҳар бир асарнинг мазмуни ҳақида уз фикрини, бошқа кишиларнинг шу асарга берган баҳосини ҳам баён этади.

Хондамир ушбу асарида Навоий асарларидан ташқари Навоий ҳақидаги манбаларнинг руйхатини ҳам берган. Улар рисоланинг турли булимларида жойлаштирилган.

Рисоланинг “Илм фазилати ва олимлар мартабаси ҳақида” номли булимида Тафтазоний, Асилий, Кошифий, Имом Нававий каби замон олимларининг Навоийга бағишланган 21 асари ҳақида маълумот берилади.

“Шеър фазилати ва шоирларнинг улуғ даражалари ҳақида” бўлимида Абдураҳмон Жомий, Кирмоний, Гулистоний, Камолиддин Мир Хусайнийнинг Навоийнинг улуғ номи билан тугалланган асарларининг руйхати баён қилинган. Материалларнинг бундай тартибда берилиши бибилиографик қулланмалардаги адабиётларни тематик жойлаштириш усулига ухшаб кетади. “Макорим ул-ахлоқ” асаридаги бу куринишда ҳозирги замон библиографиясининг купгина белгилари мавжуд. Шунинг учун ҳам ушбу рисола тарихий аҳамиятга эга булибгина қолмай, балки улуғ шоирнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида илк бор маълумот берувчи муҳим библиографик манба сифатида ҳам ўзбек миллий библиографиясининг тарихини урганишда ҳам катта аҳамиятга эга.

XVII асрда яшаб ижод этган йирик олим ва библиограф Хожи Халифнинг “Китоб ва фан номларидаги шубҳанининг бартараф этилиши” номли библиографик курсаткичида Алишер Навоий асарлари ҳақидаги маълумотларни топиш мумкин. Ушбу курсаткич XIX асрда Г.Флюгень томонидан лотин шрифтида нашр қилинган булиб, унда Ўрта Осиёлик йирик олимларнинг 15007 та асарлари, жумладан Ибн Сино, Хоразмий, Беруний, Саъдий, Умар Хайём, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийларнинг ҳам асарлари руйхати берилган.

XX асрда Алишер Навоий асарларининг библиографияси биринчи марта 1940 йилда унинг 500 йиллик юбилейи арафасида йирик шарқшунос олим ва библиоргаф А.А.Семенов томонидан

"Алишер Навоий асарлари ва у ҳақидаги адабиётлар библиографияси курсаткичга манбалар" номи билан нашр қилинди.

Ушбу курсатгичда 1841—1938 йилларда нашр қилинган Алишер Навоий асарлари ва у ҳақидаги адабиётлар киритилган. Манбалар икки булимда систематиштирилган: 1) Навоий асарлари (тулиқ нашрлар ва парчалар): 45 номда 2) У ҳақидаги адабиётлар 89 номда.

Булимлар ичида эса хронологик тартибда жойлаштирилган. Ҳар бир асар тасвири аввал асли, кейин рус тилида қисқача изоҳ ёки аннотация билан берилган.

1966 йилда Алишер Навоий туғилган куннинг 525 йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси кутубхонаси библиографлари узбек ва рус тилларида Алишер Навоийнинг библиографиясини 1968 йилда нашр қилдилар.

Ушбу курсаткичнинг узбек тилидаги нашрида Алишер Навоийнинг 1917-1966 йилларда нашр қилинган асарлари, танқидий библиографик материаллари ҳамда А.Навоийнинг образини акс эттирувчи бадиий адабиёт ва санъат асарлари ҳақида, асарларининг нашри, меросини урганишга доир 666 та номда ҳужжатлар акс эттирилган.

Курсаткичнинг рус тилидаги нашрига Алишер Навоийнинг 1917 йилдан — 1966 йилганча рус, қардош халқлар ва хорижий тилларда нашр қилинган асарлари киритилган.

Курсаткичда аввало Алишер Навоийнинг алоҳида нашрлари, танқидий библиографик материаллари ҳамда Алишер Навоий образини акс эттирувчи бадиий адабиёт ва санъат асарлар у ҳақидаги мақолалар, нашрлар ҳақида материаллар, нашрларни таржималари ҳақида, қулёзмани урганишга доир булган 1076 номда ҳужжатлар туғрисида маълумотлар берилган.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Ҳ.Сулаймонов номидаги қулёзмалар институти ва Тошкент Давлат Маданият институти 1979 йилдан — 1983 йилгача ҳамкорликда "Алишер Навоий" библиографияси (З.Бердиева томонидан) тузилиб йиллик нашрлар сифатида босилган. Бу курсаткичлар тилидан, нашр қилинган жойидан, нашр характеридан қатъий назар Навоий асарлари, унинг ҳаёти ва ижоди туғрисидаги адабиётлар ҳақида маълумот беради.

1979 йил учун чиқарилган "Алишер Навоий" курсаткичида 80 номда шундан 21 номда Навоий асарлари, 59 номдаги, у ҳақидаги материаллар, 1980 йил учун чиқарилган курсаткичда 124 номда

шундан 31 номда Навоий асарлари, 83 номда у ҳақидаги метериаллар. 1981 йил учун чиқарилган курсаткичда 187 номда, шундан 81 номда Навоий асарлари, 106 номда у хақидаги материаллар. 1982 йил учун чиқарилган курсаткичда 275 номда, шулардан 181 номда Навоий асарлари, 94 номдаги у ҳақидаги материаллар берилган.

Булимлар ичида, алфавит тартибда жойлаштирилган.

Бошқа манбаларда қулланилган Навоий асарларидан олинган байтлар, туртликлар, рубоийлар ёки ҳикматли сузлар, шунингдек, Навоий ғазалларига боғланган мухаммаслар, асарларига ишланган миниатюралар ҳам акс эттирилган. Курсаткичлар исмлар ёрдамчи курсаткичи билан таъминланган.

1983 йилда қулёзмалар институтининг илмий ходими М. Ҳакимов томонидан "Навоий асарлари кулёзмаларининг тавсифи" тайёрланиб нашрдан чиқди.

М.Ҳакимов институт қулёзма фондига 1938-1980 йиллар давомида тупланган А.Навоийнинг 24 асарининг 254 қулёзма нусхаси тавсифи каталогини манбашунослик характерида яратиб берган. Унда айрим қадимий ва ноёб нусхалар монографик тавсифдан утказилган, Навоийнинг тулиқ сайланма асарлар (қуллиёт) тулиқ то айрим асарлари қулёзмаларига синчковлик билан таъриф –тавсиф қилинган.

Курсаткичда Навоий асарларини кучирган котибларнинг ҳаммаси уз номини зикир қилиб имзо чекмаган, 254 қулёзма нусхадан фақат 65 тасида котиблар номи берилган. Улар орасида Али ибн Нур, Ибодуллохожа бинни Одилхожа Шоший, Мулло Тухта ибн Мулло Нурмуҳаммад Қошғарий, Шермуҳаммад ибн Аваз Мироб валад Шермуҳаммад Мироб Хивакий каби ўз замонасининг йирик олим ва шоирлари номлари бор.

Қулёзмалар тасвирининг охирида тадқиқотчиларга бир қулайлик туғдириш мақсадида бир неча курсаткичлар берилган. Асарлар номлари курсаткичи 28 номда, котиблар исми курсаткичи 65 номда, саххофлар исми курсаткичи 25 номда, олдин араб ёзувида ва ҳозирги ёзувда берилган.

Бу рисола Алишер Навоий асарлари қулёзмаларини халққа ва фанга етказишнинг энг яхши воситаси ва тадбири булиб, у Навоий меросини урганишда, Навоий асарларининг илмий – танқидий матнларини тузишда манбашунос – матншуносларга, адабиётшуносларга, олий укув юртлари укитувчи ва навоийшунос олимлар ва бошқа мутахассислар кенг ва атрофлича урганишлари учун муҳим манба булиб қолади.

1986 йилда қўлёзмалар институти илмий ходими С.Ҳасанов томонидан "Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейи материаллари" (ҳужжатлар тасвири) тайёрланиб нашрдан чиқди. Унга асосан ўзбек ёзувчилари архивида сақланаётган материаллар киритилган. Улар: Алишер Навоийнинг нашрга тайёрланган асарлари, ҳаёти ва ижоди бўйича ҳикоялар, мақолалар , сценарийлар, маърузалар ва библиографик материаллар юбилейни ўтказиш юзасидан ўтказилган мажлис баённомалари, стенограммалар ва қарорлари, портретини ва ҳайкалини яратиш бўйича танлов материаллари, юбилей муносабати билан юборилган хатлар, телеграммалар, таклифлар, турли рўйхат ва листлар, юбилей муносабати билан вақтли матбуотдан қирқиб олинган мақолалар, юбилей материалларига кирган бошқа ҳужжатлардан иборат 253 номда ҳужжатлар акс эттирилган.

Материаллар хронологик тартибда жойлаштирилган.

Яна шундай хайрли ишлардан бири "Алишер Навоий асарларининг тошбосма нашрлари тавсифи"нинг чоп этилишидир. Бу каталог 1988 йили қўлёзмалар институти илмий ходими Б.Қосимхонов томонидан тузилиб нашрдан чиқди. Унга асосан институтнинг эски китоблар фондида сақланаётган асарлар киритилган. Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиёнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Андижон, Наманган каби кўплаб шаҳарларида матбаачилик иши ташкил эта бошланган. Ушбу каталогда ана шу босмахоналарда тошбосма усулида Алишер Навоийнинг 1879 йилдан 1917 йилгача чоп этилган 18 матбаада, 22 номда, 171 та нусха асарлари акс эттирилган.

Каталогда асар номлари, ношир ва котиблар исми, матбаа номлари ва нашр жойлари кўрсаткичлари берилган.

Биринчи марта тузилган бу каталог навоийшунослар ва Навоий ижоди билан қизиққанлар учун энг муҳим манбадир.

1991 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси библиограф ходимлари тузган "Алишер Навоий" (1441-1501 ) адабиётлар кўрсаткичини нашрдан чиқарди.

Бу кўрсаткичга 1967 – 1990 йилларда нашр қилинган адабиётлар, яна аввалги кўрсаткичга кирмай қолган ўзбек тилидаги китоблар, тўпламлар, журнал ва газеталарда босилган 2755 та ҳужжат киритилган.

Кўрсаткич икки йирик бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда Навоий асарларининг мукаммал нашрлари, тематик тўпламлар, алоҳида нашр қилинган асарлари, вақтли матбуот саҳифаларида ва турли адабий тўпламларда босилган асарлари системалаштирилган. Ҳар бир асар

тасвирдан сўнг, шу асар ҳақидаги тақризлар бирлаштирилган.

Иккинчи йирик булимда ҳам материаллар яна бир қанча булимчаларда: "Хамса" ҳақида, "Алишер Навоий асарлари саҳнада", "Алишер Навоий меросини урганиш", "қулёзмалари ҳақида","Алишер Навоий ва қардош ҳалқлар адабиёти", "Алишер Навоий ва чет эл адабиёти", "Алишер Навоий асарларига ишланган миниатюралар" ва бошқа мавзуларда системалаштирилиши Навоий ижодининг маълум бир томони билангина шуғулланаётган мутахассислар учун қулайлик туғдиради. Олдинги курсаткичлардан фарқли ҳолда, бу курсаткичда Навоий асарларининг театрда, кино ва телевидениеда саҳналаштирилиши ҳақидаги адабиётлар, ҳатто Навоий ғазаллари билан айтилган қўшиқлар грампластинкаси, ноталар ҳам акс этган. Қулланма исмлар кўрсаткичи билан таъминланган.

Алишер Навоий асарларининг 1940-1958 йилларда нашр қилинган 55 нашри, унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида 126 та адабиётлар эса "узбек адабиёти" (1963 й.) курсаткичида жамланган.

Алишер Навоийнинг асарларининг руйхати берилган китоб ичи библиографик манбалари ҳам мавжуд.

Китоб ичи библиографияларида материалларнинг берилиши узига хос хусусиятга эга.

О.Шарафиддиновнинг "Алишер Навоий замони ҳаёти, ижодиёти ва улими" (1939) китобидаги библографик руйхатда 57 номда адабиётлар уч булимда берилган.

1. А.Навоий асарлари 32 номда;
2. А.Навоийнинг турмуш хроникаси 12 номда;
3. А.Навоий ҳақидаги энг муҳим адабиётлар 13 номда.

Ҳар бир булимда материаллар хронологик тартибда жойлаштирилган.

С.Нарзуллаеванинг "Алишер Навоий" (Ижодий библиография) (1966) рисоласида 151 та адабиётлар руйхати берилган булиб, шундан 35 номда Алишер Навоийнинг асарлари ташкил этади.

Н.Маллаевнинг "Гениал шоир ва мутафаккир" (1968) китобида Навоий ҳаёти ва фаолиятининг муҳим саналари, Навоий яратган асарлари руйхати ва у ҳақида яратилган илмий ва илмий оммабоп асарлар библиографиясида 110 та адабиёт берилган. А.Навоий номи билан аталган муҳим жойлар руйхати ҳам келтирилган.

Бу курсаткичларнинг ҳаммаси Навоий асарларини ва унинг ҳаёти ҳамда ижоди ҳақидаги адабиётларни кенг китобхонлар оммаси орасида тарғиб қилиш ишини ташкил этишда, навоийшу-

нос олимларга ўз вақтида яқиндан ёрдам беришда, навоийшунослик фани тараққиётини ўрганиб боришда катта аҳамиятга эга.

Ҳозирда миллий мустақиллик мафкураси кенг тарғиб қилинаётган бир даврда миллатимиз маънавиятини, ўзбек мумтоз адабиёти асосчиси, улуғ шоир ва мутафаккири, буюк олим ва давлат арбоби, жаҳон адабиётининг мислсиз сиймоларидан бири Алишер Навоий асарларининг кейинги йиллар учун библиографиясини тайёрлаш ва нашр қилишни давом эттириш зарур деб ҳисоблаймиз. Бу XXI аср дунё навоийшунослик ва нашриётчилик тараққиётининг кўзгуси бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Туропов М. М - Абдулла Қодирий номидаги
Тошкент давлат маданият институти доценти, п.ф.н.
Маматраимова Ҳ. - Абдулла Қодирий номидаги
Тошкент давлат маданият институти доценти, п.ф.н.

## А.А.СЕМЕНОВ КИТОБШУНОС ОЛИМ

Ўрта Осиёлик шарқшунос олим А.А.Семеновнинг китобшунос олим сифатидаги фаолияти ёритилган. Унинг Ўрта Осиё библиографиясини ривожланишидаги ўрни кўрсатилган.

Автор рассказывает о деятельности известного среднеазиатского ученого востоковеда А.А. Семенова, его научном вкладе в развитие среднеазиатской библиографии, большой роли в изучении и описании восточных рукописей, составлении каталогов и библиографических указателей.

The author tells about activity of known Central Asian scientific orientalist A.A.Semenov, his scientific contribution to development of the Central Asian bibliography, the big role in studying and the description of east manuscripts, drawing up of catalogues and bibliographic indexes.

Александр Александрович Семеновнинг кўп қиррали илмий фаолиятида Ўрта Осиё китоб тарихи ва китобшунослигига оид илмий ишлари ҳам эътиборга лойиқдир. У 1901 йили Ашхабодга келади ва шу йилнинг сентябрь ойида шаҳар кутубхонасининг кузатиш комитетига аъзо булади. 1901 йил ноябрь ойидаёқ комитет йиғилишида А.А.Семенов кутубхонанинг нодир қўлёзмалар фонди ҳақида илмий маъруза қилади. Маърузасида А.А.Семенов асосан энг муҳим икки қўлёзма ҳақида, яъни Фирдавсийнинг "Шоҳномаси" ва "Муқимхон тарихи" асарларига батафсил тўхталиб утади. Маърузада асарларнинг ажойиб ҳуснихат билан ёзилиши ва мазмуни тўлиқ таҳлил қилинади.

Комитетнинг кенгашида А.А.Семенов кутубхона фондини тўлдиришни таклиф қилиш билан биргаликда ўзи нодир китоблар рўйхатини тузиб, уни нашр қилади. А.А.Семеновнинг китобшуносликка оид қилган барча ишлари асосан собиқ шўролар ҳокимияти йилларида нашр қилинган.

А.А.Семеновнинг Бухоро Марказий кутубхонаси фондида сақланаётган иллюстрацияли қулёзмаларни тасвирлашга бағишланган мақоласини қулёзма китобларнинг тарихига тааллуқли биринчи иши деб, ҳисоблаш мумкин. **(1)**

Бу мақолада XV-XVII асрларда ёзилган Урта Осиёга тааллуқли 6 та йирик қулёзма хақида суз юритилади. Бу қулёзмалар эронча, хиротча ва бухороча миниатюралар билан безатилган. 6 та қулёзмаларнинг ҳар бири ҳар хил тулиқликда ёзилган. Масалан, уларнинг фақат 3 тасидагина ёзувчи хақида суз юритилади. Бадиий безаш хусусиятларига купроқ эътибор қаратилган, миниатюраларини, муқоваларини, безаб турувчи рамка бордюраларига алоҳида эътибор берилган. Бу юксак ишлар Ҳиндистон усталарига тааллуқли.

1937 йилда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” журнали саҳифаларида А.А.Семёновнинг Ўзбекистон бадиий ҳунармандчилик тараққиёти тарихига бағишланган очерки босилиб чиқади. **(2)**

Бу мақола Б.В.Веймарнинг 1940 йилда ёзилган ва кенг шуҳрат қозонган “Ўрта Осиё санъати” китобидан анча илгари пайдо булди. Мақоланинг ҳажми катта эмас муаллиф асосий эътиборини халқ санъатининг барча турларига қаратиб қулёзма китобларни яратиш масалаларига қисман тухталиб утган эди. Аммо бу муаллиф Ўрта Осиёга феодал жамиятда қулёзма китобларнинг улкан аҳамиятини курсатишга халақит бермади. Шу вақтда қулёзма китобларни 4 та уста, яъни матнни ёзган котиб, қулёзмани терувчи, миниатюра суратлар устаси, муқоваловчи санъатининг табиий қуйилмаси сифатида қарашга имкон берди.

Ҳиротда XV асрнинг иккинчи ярмида юксак ривожланган қулёзма китоб санъатининг энг яхши анъаналари Бухоро, Самарқанд, Қуқон усталари томонидан узлаштирилган эди. Бу шаҳарларда энг охирги йилларгача жуда уста котиблар ва суратчилар бор эди **(3)**.

Ўрта Осиёдаги қулёзма китоб усталарининг юқори даражали усталари билан ишлаган маҳсулларини Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондида учратиш мумкин **(4).**

1940 йилда Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигига тайёргарлик куриш жараёнида А.А.Семёнов Алишер Навоий асарларининг қулёзмаларидан 91 тасини тасвирлаб берди. Тасвирланган қулёзмалар 1492 йилдан 1906 йилгача булган даврни уз ичига олади. Бу қулёзмаларни А.А.Семёнов Бухоро кутубхонаси қулёзмаларига нисбатан тулиқроқ тасвирлаган.

Ўша вақтлардаги каллиграфларнинг 20 дан ортиғининг номларини эслаб, А.А.Семёнов улар ҳуснихатларининг ютуқли томонларини ҳар томонлама ёритиб берган. Бу тавсиф кўпинча қўлёзманинг қайси ҳудудга Хива, Бухорога тегишли эканлиги ҳам эслатиб ўтилади. Хатларнинг қанчалик йирик ва дона-дона эканлиги ҳақида ҳам сўз юритади.

Барча қўлёзмалар учун ҳар бир бетини ўқитиш хусусиятлари белгиланган: бир чизиқ оша, икки ёки тўрт чизиқ оша. Баъзи ҳолларда бир қўлёзмада охирги икки усул бирга ишлатилган. Қўлёзмаларнинг безагини, тасвирлашга, айниқса, кўп эътибор берилган. А.А.Семёнов усталарнинг қайси мактабга – Ҳирот, Бухоро ва ҳоказоларга тааллуқлилиги ҳақида фикр юритади, ҳамда автор қўлёзмалар ёзилган қоғознинг келиб чиқиши тарихини ҳам кўздан кечиради, қўлёзмаларни тасвирлаш уларнинг муқовалари ҳақидаги маълумотлар билан тугайди.

А.А.Семёнов ўша вақтдаги муқоваларнинг ниҳоятда чиройли, кўпинча қизил ва сариқ рангда бўлганлигини таъкидлайди. Бу муқоваларнинг қайси ерда ишлаганлиги муаллиф томонидан кўрсатиб ўтилади. XV асрга ва ундан кейинги даврларга тааллуқли бўлган ва ниҳоятда бежирим бажарилган қўлёзмаларни А.А.Семёнов батафсил тавсифлайди. Турли давр ва вақтларга тааллуқли бўлган қўлёзмаларнинг шунчалик батафсил тасвирланиши Бухоро ва Хива ҳамда бошқа шаҳарларнинг усталари томонидан бажарилган энг юксак усуллар қўлланилган энг чиройли суратлар туширилган қўлёзмаларни ўрганиш учун бой материаллар бўлиб хизмат қилади.

Урушдан кейинги даврда А.А.Семёнов ва унинг ташаббусига биноан Ўзбекистон Фанлар академияси тизимида ташкил этилган Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институтига директор этиб тайинланган вақтида, айниқса, қўлёзма китоблар тарихига тааллуқли адабиётларни ўрганишга катта эътибор бериб бир қанча ишларни амалга оширади.

1946 йилда чиққан “Навоий давридаги Ҳирот бадиий қўлёзмалари ва уларни яратувчилар” деб номланган катта мақола мана шундай характерга эга. Бу мақолада Ўрта Осиё каллиграфлари фойдаланган ҳуснихатларни характерлашга айниқса эътибор берди **(5)**. Каллиграфларнинг барчаси ҳуснихатнинг уч хил тури билан таниш бўлишлари, яъни қуйидаги ёзув услублари: насҳ (бу ёзувда кўпроқ цитаталар келтирилар эди), оддий матн устидан ишлатиладиган насталиқ ва бўлимларнинг сарлавҳалари ёзиладиган сулья. Насталик Темур ҳукмронлиги пайтида вужудга келган.

Бухоро хонлигининг давлат канцеляриясида 1920 йилгача қулланилган. Насталиқларнинг кашфиётчиси Мир Али Табризий (1330-1404) булиб ҳисобланади.

XV асрнинг ўрталарида Хиротда бадиий тараққиёт энг юқори босқичига кутарилади **(6).**

А.А.Семёнов "Узбекистоннинг бадиий ҳунармандчилиги" ҳақидаги мақоласида айтган фикрларини чуқурлаштириб, "ҳар бир бадиий қулёзма коллектив меҳнат маҳсулидир" дейди ва қулёзма китоб устида ишлаган усталарни санаб утади **(7)** .

Биринчи булиб юқори сифатли қоғоз тайёрлаган усталар саналади. Навоий даврида қоғоз икки йирик марказларда тайёрланган. Бу ишнинг марказлари Самарқанд, Бухоро булган. Қоғозларни нималардан тайёрланганлигига катта эътибор беради.

А.А.Семёнов Т.Одилов билан биргаликда "Урта Осиёда қоғоз иши" деган махсус тадқиқотни ёзади. Шу нарсани таъкидлаб утиш керакки, А.А.Семёновнинг бу иши ҳозирги кунгача қулёзма тарзида сақланиб келинмоқда.

А.А.Семёнов мақоласида китобхон каллиграфлар (котиблар) меҳнати ҳақида кенг маълумот берган. Хирот қулёзма китобларини ҳар томонлама ургангандан сунг у Ўрта Осиё китоби хусусиятларини урганишга утади. У Шайбонийлар, Аштархонийлар ва манғитларнинг Бухоро, Хоразм ва Хива давлатларида яратилган китобларни урганди.

1948 йилда Узбекистон санъатшунослик институти топшириғига биноан ёзилган "Ўзбекистон территориясида замонавий бадиий қулёзма" деб номлаган 2 қисмдан иборат тадқиқоти шу масалага бағишланган илмий иши ҳисобланади. Қулёзманинг биринчи қисми Урта Осиёдаги қоғоз тайёрлаш масаласига, тарихига, XVI асрда Убайдуллахон (1533-1539) саройида ишланган аъло даражадаги қоғоз устаси Мир Иброҳимга бағишланади.

XVI-XIX аср бошларида Урта Осиёда қоғоз тайёрлаш иши анча сустлашди. Уз ҳаётини сақлаб қолишга интилган қоғоз усталари шу хавфли даврда Қуқонга кучиб ута бошладилар. Шу сабабли бу даврги Қуқон Орол денгизидан то Хитойгача қоғоз тайёрлаш буйича марказ булиб қолди.

А.А.Семенов тадқиқотининг иккинчи қисмида бадиий қулёзма тараққиётини тасвирлашга бағишланган. Бу ерда ҳам китоб усталари меҳнати ҳақида кенг маълумотлар берилган: котиб, лоаҳлар, муқовачилар ва бошқалар ҳақида фикр юритилади.

Муаллиф қулёзма китобининг яратилиш тарихини XVIII аср-

дан бошлаб Урта Осиёда полиграфия саноати ташкил топган XIX асрнинг 70-80 йилларигача булган даврни ёритади. Бу вақтга келиб қулёзма китобга булган талаб камайган эди. Урта Осиёни руслар босиб олгандан кейинги Бухоро хонлигининг китоб бозори ҳақидаги маълумотлар қизиқарлидир.

А.А.Семеновнинг 1951 йилда Душанбе шаҳрида нашрдан чиққан "Қадимги Шарқ қулёзмаларининг безаги рецептлари"**(8)** деб номланган қулёзма китоб тарихига бағишланган илмий иши охирги ишидир. Шарқ алабиётида қулёзмаларни безаш рецептларига бағишланган махсус тадқиқотлар жуда оз эканлигини ҳисобга олиб А.А.Семенов узи таржима қилган бир қанча қадимий қулёзмалардаги рецептларни нашрдан чиқарди. Бу таржималардан баъзилари сиёҳ тайёрлаш усуллари ҳақида, бошқалари қоғозларни ҳар хил рангга бояш усуллари ҳақидадир. Бу рецептлар муаллифнинг котиблар ва терувчилар меҳнати ҳақидаги қизиқарли маълумотларни тулдиради.

Ўрта Осиё қулёзма китоби тарихи буйича А.А.Семенов яратган асарлар усталар жамоаларининг ижодий усул хусусиятларини тулиқ тадқиқ этиш учун салобатли асос булиб хизмат қилади, бу ишлар ҳар хил Ўрта Осиё мактаблари ҳусусиятларини (Бухоро, Хива, қуқон) урганишнинг умумий йуналишини ҳам курсатиб берди.

А.А.Семенов фақат Тошкент ва Душанбе қулёзмалар фондларинигина урганиб қолмади, унинг ўзи бир қатор муҳим қулёзма китобларни топди ва у бой Тошкент қулёзмалар фондини ташкил қилганлардан бири ҳисобланади. Бу фонд қулёзмалар сони ва мазмуни буйича Лондондаги Британия музейи ва Петербургдаги Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти булими фондларидан сунг дунёда учинчи уринда туради. Ундан ташқари, А.А.Семёнов бошчилигида ва унинг бевосита иштирокида Тошкентда Шарқ қулёзмалар каталогини тузиш буйича жуда муҳим ишлар амалга оширилди **(9)**.

Бу иш катта маданий, тарихий аҳамиятга эга. Е.К.Бетгернинг таъкидлашича, рус шарқшунослари ичида А.А.Семенов биринчи булиб, Туркистондаги литографияланган нашрларни урганa бошлаган тадқиқотчи булиб ҳисобланади **(10)**.

А.А.Семеновни литографияланган китобларининг турли хусусиятларини умумлаштиришни илмий тасвирлаш методикасининг асосчиси дейиш мумкин. Ўрта Осиёда литографияланган китобларнинг ва қулёзмаларнинг келиб чиқишига бағишланган асарлар

ҳақидаги, биз келтирган мисоллар А.А.Семеновнинг Ўрта Осиёда китобшунослик фанининг ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшганлигидан далолат беради ва унинг бу илмий ишлари то ҳозирги кунгача илмий ходимлар ва мутахассислар учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Изоҳлар:


**1.** Семенов А.А Лицевые рукописи Бухарской центральной библиотеки // Иран: сб.-Л., 1928.

**2.** Исторический очерк художественных ремесл Узбекистана / / Литература и искусство Узбекистана.-1937.-Кн.4-5

**3.** Там же. –С.173-174.

**4.** Описание рукописей произведений Навои, хранящихся в Государственной публичной библиотеке Узбекистана. -Т., 1940

**5.** Алишер Навои: Сб статей / Под. ред. чл. корр. АН Узбекстана А.К.Боровка. -М. -Л, 1946.- С.155.

**6.** Алишер Навои: Сборник статей.-М.-Л; 1946.-С.165

**7.** Рукопись хранится в собрании Института Академии наук в Ташкенте.

**8.** Труды таджикского филиала Академии наук Сталинабад, 1951.-Т.39.

**9.** Собрание восточных рукопись АН Узбекистана/ Под ред. и при участии чл. корр. АН Узбекистана, действ. члена АН Таджикистана д-ра ист. наук, проф. А.А.Семёнова. – Т., 1952-1957.- Т. 1-4.

**10.** Из истории книжого дела в Узбекистане: К 70-летию появления первой Узбекской литографированной книги // Известия Академии наук Узбекистана. – 1951. – №2. – С.78.

Бабаджанова А.Х - кандидат
исторических наук.

# СТАРЕЙШАЯ ГАЗЕТА СРЕДНЕЙ АЗИИ И УКАЗАТЕЛИ К НЕЙ

О значении библиографического указателя статей составленного Е.К.Беттером к старейшей газете «Туркестанские ведомости» и о методах использованных им при его составлении.

Ўрта Осиёнинг кекса газеталаридан бири "Туркестанские ведомости"га Е.К.Беттер томонидан тузилган кўрсаткичлар ва уларнинг тузилиш усуллари тўғрисида муаллифнинг фикрлари баён қилинган.

About value of a bibliographic index of articles to the oldest newspaper «Turkestan Review», on which E.K.Betger made a bibliographic index of articles. It is told about methods of drawing up of this bibliographic index.

«Едва ли стоит говорить о том значении, которое имеет газетный материал, писал в 1926 году Е.К.Беттер, - в деле изучения Туркестанского края, т.к. на страницах газеты «Туркестанские ведомости» отражались вопросы как внутреннего, так и внешнего характера». Большой вклад в развитие краеведения внесли местные туркестанские ученые, краеведческий материал которых, - по словам Беттера, - сохранил первостепенное значение. Он считал, что знакомство с этой газетой обязательно для всех, занимающихся туркестанскими вопросами, к какой бы области они не относились. Надобность в указателе к газете отмечал еще в 1889 году редактор «Туркестанских ведомостей» Н.А.Маев, который сообщал, что указатель к его газете за 1870-1889 гг. составлен известным библиографом Н.В.Дмитровским, что подтвердил сам Н.В. Дмитровский в своем «Каталоге книг русского отделения Туркестанской публичной библиотеки» (СПБ, с.440). Указатель был доведен им до 1905 года («Туркестаские ведомости», 1890г., № 48) но, к сожалению, как отметил Беттер (Перечень помещенных в «Туркестанских ведомостях» статей и заметок с.5), не сохранился даже в готовом для печати виде. А, между прочим, надобность в таком указателе была понята раньше, - подчерки-

вал ученый, - англичанами, зорко «следившими за всеми проявлениями нашей деятельности в Средней Азии». (Перечень помещенных в «Туркестанских ведомостях» статей и заметок , см. прим. Е.К.Бетгера № 3).

Уже в 1873 г. в Индии появился Указатель ко всем пяти выпускам «Материалов для статистики Туркестанского края», где перепечатывались статьи из «Туркестанских ведомостей» и даже указатель к самим ведомостям с 1870 г. Таким образом, ощущавшаяся уже в то время необходимость в «Указателе» к старейшей в Средней Азии газете «нисколько не уменьшилась с тех пор, а пожалуй стала еще острее». Именно эти обстоятельства заставили Евгения Карловича взяться за «Указатель». Данный указатель представлял собой только перечень статей и заметок, касающихся областей, вошедших после 1924 года в состав Туркестанской автономной республики. В этой одной из первых библиографических своих работ Бетгер сумел раскрыть массу псевдонимов, им впервые были введены сокращения, например: ИЗ – известия и заметки, ИИ – иностранные известия, МИ – местные известия, МИЗ – местные известия и заметки, МХ – местная хроника, ОО – официальный отдел и ПК – по краю.

Значение «Указателя» к «Туркестанским ведомостям» Е.К.Бетгер подчеркнул в своем докладе, сделанном на 1 конференции по изучению естественных и производительных сил Средней Азии, состоявшейся в1926 году. Выполняя решения конференции, Бетгер в 1927 году опубликовал «Роспись к статьям и заметкам по истории и археологии Средней Азии, помещенным в газете «Туркестанские ведомости» за время ее существования (28 апреля 1870 г. - 15 декабря 1917 г.). «Роспись» с дарственной надписью автора хранится в отделе «Редких и рукописных книг» Национальной библиотеки Узбекистана в двух экземплярах. Значение «Росписи» велико, она не потеряла своей ценности и поныне.

Во-первых, Евгений Карлович раскрыл все псевдонимы или же уточнил авторов неподписанных статей, привлекая для этого обширный круг источников по Средней Азии в целом. Помимо этого, Е.К.Бетгер пользовался консультацией таких краеведов и ученых как М.С.Андреев, В.А.Вяткин, Н.Г.Маллицкий, А.А.Семенов, которые указали автору на целый ряд собственных не подписанных статей.

«Росписью» удобно пользоваться, поскольку материал расположен в хронологическом порядке, сделан по всем правилам до-

стижений библиографической науки того времени. Исключительно требовательный к себе, в каждой из написанных им работ Евгений Карлович отмечал дружескую и высококвалифицированную помощь своих коллег.

В 1927 году Е.К.Бетгер выпустил еще один ценный «Указатель статей и заметок по географии, метеорологии, сейсмологии, гидрологии Туркестана». В предисловии он подчеркнул значение таких работ для краеведения.

Данный «Указатель» составлялся в то время, когда в Средней Азии шла перестройка всей общественной жизни Узбекской республики. Статьи по географии, экономическому развитию отдельных областей, история экономического освоения и исследования края и другие вопросы на страницах этой, своего рода, энциклопедии местной жизни, могли оказать громадную и неоценимую помощь разным специалистам, начавшим разработку природных ресурсов Средней Азии. Е.К.Бетгер объяснил хронологические рамки «Указателя» 1870-1892гг., т.е. периода, когда газета выходила под редакцией крупного знатока Средней Азии Н.А.Маева, вложившего много труда для придания неофициальной части «Туркестанских ведомостей» того характера строго краеведческого органа, который является столь ценным в этой газете.

Из Ленинграда (ныне Санкт-Петербург) 27 января 1927 года постоянная комиссия по изучению естественных производительных сил Российской Академии наук просит взамен своих изданий прислать узбекское издание для того, чтобы «быть в курсе работ, производимых на местах». Очевидно, вышедшие библиографические издания заинтересовали библиографические центры.

Разработанные Евгением Карловичем принципы библиографического расположения материала, например порядковая система и нумерация, имели не только теоретическое и практическое значение, но и легли в основу при оформлении многих библиографических указателей. Он впервые предложил новый метод расположения записей в систематических указателях литературы. У Е.К. Бетгера сложилась своя система расположения материала в систематических указателях тематического (преимущественно краеведческого) характера. Он предложил наряду с систематическим распределением материала использовать хронологический и предметный.

«В самом деле,- писал Бетгер, - указатель, имеющий целью сообщить библиографические сведения о печатных произведениях возможно большему кругу читателей. не должен быть состав-

лен иначе, так как систематический порядок обеспечивает четкий и наглядный показ литературы, и чем шире тема указателя, тем это положение становится очевиднее».

Использованная литература:

1. Абаева Т.Г. К вопросу освещения газетой «Туркестанские ведомости» экономических связей Туркестанского края и Бухарского ханства с Афганистаном (вторая пол. XIX - начала XXвв.). Взаимоотношения народов Средней Азии и сопредельных стран Востока. – Т., 1963. – С. 211-230; Там же. Ахмеджанов Г.А. К русско-афганским отношениям на рубеже XIX-XX вв. ( по материалам "Туркестон вилоятининг газетеси"). – С.231-241.

2. Бетгер Е.К. Перечень помещенных в "Туркестанских ведомостях" статей и заметок, относящиеся к областям, ныне входящим в Таджикистан. – Т. – 1926.

3. Его же. Насущные задачи Среднеазиатской библиографии. Доклад на 1-ой Среднеазиатской конференции по изучению производительных сил в апреле 1926 г. – Т. – 1926.

4. Роспись к статьям и заметкам по истории и археологии Средней Азии помещенным в газете "Туркестанские ведомости" за время ее существования (28 апр. 1870 – 15 дек. 1917гг.).

5. Его же. Указатель статей и заметок по географии, метеорологии, сейсмологии и гидрологии Туркестана, помещенные в газете "Туркестанские ведомости" за первые 25 лет ее существования (1870-1892). – Т., 1927.

# МУНДАРИЖА

**Сўз боши........................................................................................3**

**I. Кутубхоначи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш: муаммолар ва ривожланиш истиқболлари**

**Умаров А.О**
Мамлакат кутубхоначилиги ислоҳотлар йўлида..........................7
**Маминова И.З.**
Кутубхоначи кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг шаклланиши: муаммоларни ечишнинг баъзи бир жиҳатлари....................................................................11
**Маҳмудов М.Ҳ.**
Кутубхоначилик ишининг ривожланиш қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятлари..........................................................17
**Коваленко А.П.**
Кутубхоначилар узлуксиз касбий таълимида замонавий тенденциялар.....................................................................................24
**Аракелов С.Р.**
Қўшимча касбий таълим тайёргарлигининг муаммолари..............31
**Расулов М.М.**
Кутубхоналарда фаолият олиб бораётган кутубхона ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муаммолари.................................................................................36
**Бердиева З.Ш.**
Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтида кутубхоначи ходимлар малакасини ошириш..........................................................................................39
**Алимова О.**
Ўрта махсус маълумотли кутубхоначи кадрлар тайёрлашнинг ҳозирги аҳволи (Тошкент Маданият коллежи мисолида)........................................................................................42
**Ниёзова Э.Н.**
Ўқиш психолгиясининг тараққиёти ва унинг хусусиятлари.........45
**Шокиров Т.**
Республика кутубхоналари учун кутубхоначи кадрлар тайёрлаш муаммолари..................................................................49

**Шамсиев Ш.М.**
Библиографик назария ва библиографик амалиёт........................51
**Давлатов С.Х., Урозов А.Н.**
Республика кутубхоналари учун кутубхоначи кадрлар тайёрлашнинг аҳволи ва муаммолари..................................................60
**Йулдошев Э.**
Мактаб кутубхонасига эътибор берайлик.......................................63
**Борисов В.А.**
Кутубхоначиларнинг касбий фаолиятида ўқиш психологияси ва социологиясининг амалий жиҳатлари................70
**Горбунова Л.Б.**
Идеал кутубхоначи (Ўзбекистонда кутубхона кадрларини қайта тайёрлаш муаммолари).........................................................74
**Рўзиева Ф.**
Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонага келган янги ходимларни кутубхона билан таништириш ва касб малакасини ошириш.............................................................................78
**Аъзамова Н.Ш.**
Эстетик маданият ва унинг шаклланиши........................................81

**II.Таълим жараёнини ва малака оширишни таъминлашда ахборот технологиялари**

**Рахматуллаев М.А.**
Кутубхоначи кадрларни масофадан ўқитиш ва синовдан ўтказиш тизими..............................................................................84
**Каримов У.**
Автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тизимининг кадрлар таъминоти.............................................................................91
**Мухамадиев А.Ш.**
Замонавий кутубхоналар учун кадрлар тайёрлашда тармоқ технологияларининг аҳамияти................................................99
**Долгополова И.В.**
Маълумотнома-библиографик хизмат кўрсатиш услубиётини ўқитишда интернетдан фойдаланиш.......................102
**Каримов У.**
Кутубхона жараёнларини автоматлаштиришда кутубхона технологияларининг тизимий таҳлили....................................108

**Якубова М.З**
Олий малакали кутубхоначи-библиографлар тайёрлашда "Информатика ва техника воситалари" кафедрасининг роли.......116
**Нигматова З.А.**
Китоб-Кутубхона-Интернет.......................................................124
**Савочкин М.П.**
Анъанавий ёки электрон ҳужжатлар.........................................128
**III. Кутубхоначилик иши тарихидан. Кутубхоначилик тарихида шахс**

**Туропов М.М.**
А.А.Семеновнинг библиографик фаолияти..................................133
**Матмурадова М.И.**
Алишер Навоий нашрларининг библиографияси.........................140
**Туропов М. М**
А.А.Семенов китобшунос олим..................................................147
**Бабажанова А.Қ.**
Ўрта Осиёнинг кекса газетаси ва унга тузилган кўрсаткичлар.....................................................................153

## СОДЕРЖАНИЕ

**Предисловие.......................................................................3**

I.Подготовка и переподготовка библиотечных кадров: проблемы и перспективы развития
**Умаров А.А.**
Библиотечное дело страны на пути реформы...............................7
**Маминова И.З.**
Формирование системы повышения квалификации и переподготовки библиотечных кадров: некоторые аспекты решения проблемы...........................................................................11
**Махмудов М.Х.**
Закономерности развития библиотечной работы и её особенности........................................................................................17
**Коваленко А.П.**
Современные тенденции в непрерывном профессиональном образовании библиотекарей**...................................................24**
**Аракелов С.Р.**
Проблемы подготовки в системе дополнительного профессионального образования...........................................31

**Расулов М.М.**
Проблемы переподготовки и повышения квалификации работающих библиотекарей ........................................ **36**
**Бердиева З.Ш.**
Повышение квалификации библиотечных кадров в ТашГИК им. Абдуллы Калыри ........................................ 39
**Алимова О.**
Современное состояние подготовки библиотечных кадров со средним специальным образованием (на примере Ташкентского колледжа культуры) ........................................ 42
**Ниязова Э.Н.**
Развитие и характеристика психологии чтения ........................................ 45
**Шокиров Т.**
Проблемы подготовки библиотечных кадров для библиотек республики ........................................ 49
**Шамсиев Ш.М.**
Библиографическая теория и практика ........................................ 51
**Давлатов С.Х., Урозов А.Н.**
Состояние и проблемы подготовки библиотечных кадров для библиотек республики ........................................ 60
**Юлдашев Э.**
В центре внимания школьная библиотека ........................................ 63
**Борисов В.А**
Прикладной аспект психологии и социологии чтения в профессиональной практике библиотекаря ........................................ 70
**Горбунова Л.Б.**
Идеальный библиотекарь (проблемы подготовки кадров библиотечных работников Узбекистана) ........................................ 74
**Рузиева Ф.**
Деятельность национальной библиотеки Узбекистана им. Алишера Навои в подготовке овладения профессией и повышения квалификации ........................................ 78
**Агзамова Н.Ш.**
Эстетическая культура и её формирование ........................................ 81

**II. Информационные технологии в обеспечении процесса образования и повышения квалификации**

**Рахматуллаев М.А.**
Система дистанционного обучения и тестирования библиотечных кадров ........................................ 84

**Каримов У.**
Кадровое обеспечение автоматизированных информационно-библиотечных систем.........91
**Мухамадиев А.Ш.**
Возможности сетевых технологий в профессиональном обучении специалиста в условиях современых библиотек..........99
**Долгополова И.В.**
Использование интернет в процессе обучения методике справочно-библиографического обслуживания..........102
**Каримов У.**
Системный анализ библиотечных технологий при автоматизации библиотечных процессов..........108
**Якубова М.З**
Роль кафедры «информатика и технические средства» в подготовке высококвалифицированных кадров библиотекарей-библиографов..........116
**Нигматова З.А.**
Книга-библиотека-интернет..........124
**Савочкин М.П.**
Традиционный или электронный документ..........128

**III. Из истории библиотечного дела. Личность на фоне истории.**

**Туропов М.М.**
Библиографическая деятельность А.А. Семёнова..........133
**Матмурадова М.И.**
Библиографические издания Алишера Навои..........140
**Туропов М. М.**
Ученный- книговед А.А. Семенов..........147
**Бабаджанова А.Х**
Старейшая газета средней Азии и указатели к ней..........153

## CONTENTS

**Foreword..........3**

I. Preparation and retraining of the library staff: problems and prospects of development
**Umarov A.A.**
Uzbekistan Library Science on the way of reforms..........7

**Maminova I.Z.**
Organising of professional skill improvement and retraining of library staff system: some aspects of solution....11
**Mahmudov M.H**
Laws of development of library work and its features....17
**Kovalenko A.P.**
Modern lines in continuous vocational training librarians....24
**Arakelov S.R.**
Problems of specialists training in the system of additional professional education....31
**Rasulov M.M.**
Problems of retraining and improvement of professional skill of working librarians....36
**Berdieva Z. Sh.**
Refresher training of library human resources in Tashkent state institute of culture named after A. Kadiri....39
**Alimova O.**
The contemporary situation of library personal training for secondary educational system....42
**Niyazova E. N.**
Development and characteristic of reader's psychology....45
**Shakirov T.**
Problems of preparation of the library staff for libraries of Republic....49
**Shamsiev S.M.**
The bibliographic theory and practice....51
**Davlatov S.H., Urazov A.N.**
Condition and problems of preparation of the library staff for libraries of Republic....60
**Yuldashev E.**
School library in the center of attention....63
**Borisov V.A.**
Applied aspect of psychology and sociology of reading in the librarian's professional practice....70
**Gorbunova L.B.**
The ideal librarian (Problems of a professional training of librarians in Uzbekistan)....74
**Ruzieva F.**
Activity of National library of Uzbekistan named after Alisher Navoi in refresher training and forming proficient library staff....78

**Agzamova N.Sh.**
Aesthetical culture and its forming....................................................81

**II. Information technologies in maintenance of process of education and professional skill improvement**

**Rahmatullaev M.A.**
System of remote training and testing of the library staff..................84
**Karimov U.**
Personnel maintenance of the automated information-library systems..........................................................................................91
**Mukhammadiev A. Sh.**
Opportunities of network technologies in professional training of specialist for modern libraries..........................................99
**Dolgopolova I.V.**
Internet usage during training technique of informational bibliographic service.............................................................................102
**Karimov U.**
System analysis of library technologies in automation of library processes..........................................................................108
**Yakubova M.Z.**
Role of faculty « computer science and means » in preparation of highly skilled staff of librarians-bibliographers............116
**Nigmatova Z.A.**
Book — Library — Internet.......................................................124
**Savochkin M.P.**
A traditional or an electronic document........................................128

**III. From librarianship history. The person on a historical background.**

**Turopov M.M.**
A.A. Semyenov's bibliographic activity.........................................133
**Matmuradova M.I.**
Bibliographic editions of Alisher Navoi........................................140
**Turopov M.M.**
Book scientist - A. A. Semyonov....................................................147
**Babajanova A.H.**
The oldest newspaper of central Asia and indexes to it......................153

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси қуйидаги пуллик хизматларни таклиф этади:

Умумий хизматлар:

1. Китобхонларнинг талабига кўра ахборотлар (китоблар аа мақолалар) жамламаларини тайёрлаб бериш.

2. Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг CD (компакт дисклардаги) электрон каталоги.

3. Кутубхона фондидаги илмий ва оммабоп журналлар мақолаларидан нусхалар тайёрлаб бериш ва уларни электрон шаклда тақдим қилиш.

4. Китобхонларга масофадан туриб хизмат кўрсатиш. Ҳужжатларни (мақолаларни, турли ахборот жамламаларини, электрон каталогларни) электрон почта орқали истеъмолчиларга етказиб бериш.

5. Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг тўлиқ матнли маълумотлар базасига кириш.

6. Интернет-медиа марказ хизматлари: Интернет ресурсларига кириш; жаҳондаги етакчи компанияларнинг электрон илмий-таълимий маълумотлар базаларига кириш учун махсус рухсат (пароль)ни тақдим қилиш; медиатека (CD дискларда ўқув ва таълимий дастурлар ва маълумотлар базалари) хизматлари кўрсатиш.

7. Ахборотларни инглиз тилидан рус ва ўзбек тилларига аннотацияли таржима қилиш.

8. Шахсий компьютерда ишлашни, Интернетда ва маълумотлар базаларидан, ИРБИС ва бошқа автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тизимлардан фойдаланишни ҳамда халқаро аа маҳаллий фондлардан грантлар олиш учун лойиҳалар ёзишни ўргатувчи курслар.

Ўқув юртлари ўқитувчилари, илмий ходимлари ва талабаларига ёрдам:

9. Фаннинг барча соҳалари бўйича ғарб мамлакатлардаги етакчи олимлар диссертацияларининг авторефератлари (инглиз тилида). Ўзбекистонда ҳимоя қилинган диссертацияларнинг авторефератлари. Маълумотлар CD ва магнитли дискларда кутубхонанинг локаль тармоғи орқали ёки олимлар, аспирантлар ва талабаларнинг буюртмасига кўра электрон почта орқали тақдим қилинади.

10. Китобхонларнинг буюртмаси асосида (очқич сўзлар, муаллифлар аа бошқа меъзонлар асосида) маълумотларнинг электрон базаларидан фан ва технологиянинг ихтиёрий соҳасига оид аналитик ахборотлар, илмий ва илмий-оммабоп мақолаларнинг жамламасини тақдим этиш.

**Китоблар, журналлар, брошюралар ва тўпламларни чоп этиш бўйича нашриёт хизматлари:** Дизайн, компьютерда териш ва кутубхонанинг босмахонасида чоп этиш.

Перечень информационных услуг, предоставляемых Национальной библиотекой Узбекистана:

1. Тематическая подборка информации (книг, статей) по заявкам читателей.
2. Электронный каталог Национальной библиотеки Узбекистана на CD дисках.
3. Копирование и оцифровывание статей научных и популярных журналов из фонда библиотеки.
4. Дистанционное обслуживание читателей. Электронная доставка документов (статей, информационных подборок, электронных каталогов) по электронной почте.
5. Доступ к электронным полнотекстовым базам данных Национальной библиотеки.
6. Услуги Интернет-медия центра: доступ к ресурсам Интернет; предоставление специальных авторизованных паролей доступа к электронным научно-образовательным базам данных ведущих компаний мира; услуги медиатеки (учебные и познавательные программы и базы данных на CD дисках).
7. Аннотированный перевод информации с английского на русский и узбекский языки.
8. Курсы обучения: работе с персональными компьютерами, Интернет, базами данных, автоматизированными библиотечными системами ИРБИС, MARC-SQL; разработке проектов на получение грантов и др.;

В помощь научным сотрудникам, преподавателям и студентам вузов и других учебных заведений:

9. Авторефераты диссертаций учёных ведущих западных стран мира по всем отраслям науки (на английском языке). Авторефераты диссертаций, защищённых в Узбекистане. Представляются на CD, MD дисках, в локальной сети библиотеки и рассылка по электронной почте на основе заявок учёных, аспирантов, студентов и др.
10. Подборка аналитической информации, научных и научно-популярных статей в любой области науки, технологии из электронных баз данных по заявкам читателей (по ключевым словам, авторам и другим критериям).

**Издательские услуги по выпуску книг, журналов, брошюр, сборников и др.:** Подготовка к изданию, подготовка оригинал-макетов, выпуск изданий в типографии библиотеки.

Муҳаррирлар *У.Каримов, И.Маминова*
Техник муҳаррир *Р.Исакулов*
Саҳифаловчи *А.Турсунов*

Босишга рухсат этилди 19.09.2006. Бичими 60х84 1/16.
Ҳажми 10,5 б.т. Нусхаси 200.
Буюртма № 149.

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.
Тошкент, Х. Сулаймонова кучаси, 33.
Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти.